

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ACADEMY OF SCIENCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

O‘ZBEKISTONDA
IJTIMOIY
FANLAR

ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ

SOCIAL
SCIENCES
IN UZBEKISTAN

№3-4 / 2025

1960-yildan nashr etiladi. Bir yilda 4 ta son chiqadi
Издается с 1960 г. Выходит 4 номера в год



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
“FAN” NASHRIYOTI
TOSHKENT – 2025

Бош муҳаррир – АБДУҲАЛИМОВ БАҲРОМ АБДУРАҲИМОВИЧ,
тарих фанлари доктори, профессор.
Бош муҳаррир ўринбосари – МАДАЛИЕВА ОЙСАРА РУСТАМОВНА, филология
фанлари бўйича PhD, катта илмий ходим.

Таҳрир хайъати:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари –
ҒУЛОМОВ С.С., САИДОВ А.Х., ЮСУПОВА Д.Ю., ЗИЁ А.Х.,
ҚОДИРОВ А.М. – иқтисод фанлари доктори, профессор,
МАҲМУДОВ Н. – филология фанлари доктори, профессор,
ПИДАЕВ Ш. – тарих фанлари номзоди, доцент.

Таҳририят манзили: 100047, Тошкент, академик Я. Ғуломов кўчаси, 70.
Журнал котиби, нашр учун масъул: И. Каримов. Муҳаррир: О. Жумабоев.
Мусахҳиҳлар: С.Аллонов, Д. Муродов. Компьютерда саҳифаловчи:
С.Рахимов. Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил
22 декабрда 0048-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган. ISSN 2181540-2
© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2025.

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006-йил 22-декабрда
0048-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

ISSN 2181540-2

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2025.

БАҲРОМ АБДУҲАЛИМОВ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – ЎТМИШДАН КЕЛАЖАККА ОЛИБ БОРУВЧИ УЛУҒВОР ҒОЯ

Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг энг муҳим мафқуравий пойдеворларидан бири – Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс ғоясидир¹. Бу ғоя нафақат мамлакатимиз тараққиёти, балки кенг маънода инсоният келажаги учун ҳам улкан аҳамият касб этиб, жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Шу маънода покистонлик машҳур ёзувчи ва публицист Муҳаммад Аббосхоннинг урду тилида нашр этилган «Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс - тараққиёт концепти» номли асари алоҳида аҳамиятга эга². Ушбу китоб Учинчи Ренессанс ғоясининг халқаро илмий-фалсафий талқини сифатида эътиборни тортади. Асарда жаҳон миқёсида давлат ва сиёсат арбоби сифатида тан олинаётган Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббуси буюк ўзгаришлар лойиҳаси, уфқлар измига бўйсунмас, абадий қимматга эга ғоя сифатида ёритилади.

373 саҳифадан иборат мазкур асар 9 та бўлимдан ташкил топган бўлиб, муаллиф Учинчи Ренессанс ғоясини замонамизнинг янги глобал модели сифатида очиб беради. Бу муайян давр ёки ҳудуд билан чекланиб қолмайдиган, балки бутун инсоният тараққиётига хизмат қиладиган кенг камровли қарашдир.

Китобга Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Шаҳбоз Шариф жанобларининг кириш сўз ёзгани ҳам мазкур ғоянинг халқаро нуфузи ва эътирофини яққол намоён этади. Хусусан, у қуйидагиларни таъкидлайди:

«Мазкур китоб қадрдон дўстим, Жаноби Олийлари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббусини, унинг ғоявий концепциясини янада чуқурроқ англашга ёрдам беради. Ўзбек халқининг буюк аجدодлари қолдирган маънавий меросга таянган ҳолда, бу улугвор ғоя бутун башариятнинг фаровон келажагига хизмат қилиши шубҳасиздир»³.

1 Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. “Янги Ўзбекистон” газетаси. №165. 17.08.2021. – Б. 1-5.

2 “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти” китоби: Ватанимиздаги янгиланишларга ҳолис назар / Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти” китобининг тақдимоти. UZA хабарлари 11.12.2025. /posts/ozbekiston-uchinchi-renessans-taraqqiqot-koncepti-kitobi-vatanimizdagi-yangilanishlarga-xolis-nazar_794003.

3 Муҳаммад Шаҳбоз Шариф. Ҳақиқат, адолат ва уйғунлик ҳукм сурган дийрда буюк ғоялар камол топади / Муҳаммад Аббос Хон. Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти / Бадий публицистика. Урду тилидан бадий таржима. Таржимонлар: Муҳиддин О., Мурадов Ҳ. Кириш сўзи муаллифи: Муҳаммад Шаҳбоз Шариф. – Тошкент: O‘zbekiston, 2025. – Б. 6-8.

Ушбу фикрлар асарда илгари сурилган ғоянинг мазмуни билан бир қаторда, Покистон давлатининг Ўзбекистонга бўлган юксак эҳтироми, шунингдек, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари изчил равишда мустаҳкамланиб бораётганидан ҳам далолат беради.

Абадий ғоянинг фалсафий моҳияти

Муҳаммад Аббосхон асарнинг иккинчи бобида Учинчи Ренессанс ғоясини қуйидагича таърифлайди:

«Замон ва макон билан чекланмайдиган ғоялар жўшиқин дарё мисоли яшайди: унинг манбаи - ўтмишда, оқими - ҳозирги замонда, интиқоси эса келажак уммонига бориб қўйилади»⁴.

Дарҳақиқат, Учинчи Ренессанс ғояси айнан шундай абадий қудратга эга. У ўтмиш меросини инкор этмайди, аксинча, уни замонавий тараққиёт талаблари ва келажак мақсадлари билан уйғунлаштиради⁵. Асарда давлат раҳбарининг инсонпарварликка асосланган янги қарашлари кенг ёритилиб, ушбу ғоялар тарих йўналишини ўзгартириш ва келажакни шакллантиришга қодир экани алоҳида таъкидланади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Хайрли иш яхши ниятдан бошланади» деган ибораси муаллиф томонидан китобнинг фалсафий асоси сифатида келтирилади⁶. Бу фикр чинакам ўзгаришлар инсоннинг эзгулик ва адолатга хизмат қилиш истагидан бошланишини англатади.

Муаллиф назарича, Учинчи Ренессанс ғояси инсон тафаккурининг бемисл уммонига қўйиладиган қудратли дарёга ўхшайди. Асар луғатига «Янги Ўзбекистон» тушунчасининг киритилиши ҳам унинг илмий-фалсафий аҳамиятини янада оширади.

Инсонпарварлик ва технология уйғунлиги

Муҳаммад Аббосхон таъкидлаганидек, Учинчи Ренессанс ғоясининг асосий моҳияти инсонпарварлик ва замонавий технологиялар уйғунлигидан иборат. Илгариги ренессанслар, асосан, илм-фан ва билим тараққиёти билан белгиланган бўлса, янги уйғониш даври маънавият, ахлоқ ва илмий-техник тараққиётнинг биргаликда ривожланишини тақозо этади.

Бу ғоя инсониятни миллий ёпиқликдан умумбашарий тафаккурга олиб чиқишга, технологияларга ахлоқий чегаралар белгилашга, илм-фанни эзгулик йўлида сафарбар этишга даъват қилади. Демак, масала фақат тараққиёт суръатларида эмас, балки унинг инсон манфаатларига қандай мақсадда хизмат қилаётганидадир.

4 Муҳаммад Аббос Хон. Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти / Бадий публицистика. Урду тилидан бадий таржима. Таржимонлар: Муҳиддин О., Мурадов Х., Кириш сўзи муаллифи: Муҳаммад Шаҳбоз Шариф. – Тошкент: O‘zbekiston, 2025. – Б. 35.

5 Mirziyoyev Sh. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi. – Toshkent: O‘zbekiston, 2023. – B. 270-275.

6 Муҳаммад Аббос Хон. Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти / Бадий публицистика. Урду тилидан бадий таржима. Таржимонлар: Муҳиддин О., Мурадов Х. – Тошкент: O‘zbekiston, 2025. – Б. 88-90, 283-285, 342-344, 372-374.

Ўзбекистон – илм-фан бешиги

Асарда Ўзбекистон заминининг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. IX-XI асрларда айнан шу худуддан Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий⁷, Абу Райҳон Беруний⁸, Абу Али ибн Сино⁹, Маҳмуд Кошғарий¹⁰ каби буюк алломалар етишиб чиққан. Уларнинг илмий мероси минг йиллар давомида инсоният тараққиётига хизмат қилиб келмоқда¹¹.

Муаллиф таъкидлашича, Муҳаммад Хоразмий асос солган алгебра ва алгоритм тушунчалари бугунги рақамли дунё, сунъий интеллект ва замонавий технологияларнинг мустақкам илмий пойдеворини ташкил этади.

Муҳаммад Хоразмий – фақат ўрта асрлар олими эмас, балки замонавий рақамли дунёнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. «Алгебра» атамаси унинг «ал-жабр» сўзидан келиб чиққан бўлса, «алгоритм» тушунчаси Хоразмий исмининг лотинча шакли асосида юзага келган. У илк бор ўнлик санок тизимини илмий муомалага киритган¹².

Демак, компьютерлар, дастурлаш, сунъий интеллект, навигация каби соҳалар муайян маънода Муҳаммад Хоразмий томонидан қўйилган илмий пойдеворга таянади. Бугун биз қидирув тизимларидан фойдаланганда, смартфон орқали ахборот олганда ёки «ақлли» технологиялар билан мулоқот қилганда, аслида, Хоразмий минг йиллар муқаддам бошлаган илмий мулоқотни давом эттираётган бўламиз. Шу маънода Учинчи Ренессанс илмий мерос билан инновация ўртасидаги табиий давомийлик сифатида намоён бўлади¹³.

Ўтмиш кадриятлари асосида қурилайётган келажак

Китобда Қуръони каримнинг илм-фан тараққиётида тутган ўрнига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. У фақат диний манба сифатида эмас, балки тафаккурни кенгайтирган, инсонни изланиш ва кашфиётга ундаган маънавий дастак сифатида талқин этилади.

Муаллиф фикрича, миллатнинг келажак сари танлаган йўли кадриятлар, билим кучи, маданий бойлик ва инсонпарварлик тамойилларига та-

7 Абдуҳалимов Б. “Байт ал-ҳикма” ва Ўрта осие олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX- XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Б. 149-160, 171-180, 200-203.

8 Abduhalimov B. Raqamli shakldagi ilmiy meros. The Courier. UNESCO (Maxsus son). – Parij, 2025. – B. 12-13.

9 Каримов У.И. Очерки истории медицины в Средней Азии (в том числе в Узбекистане) с древнейших времен до середины XIX в. / Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. Под редакцией членов-корреспондентов АН РУз П.Г. Булгакова и У.И. Каримова. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 29-68.

10 Маънавият юлдузлари / Тўпловчи ва масъул муҳаррир М. Хайруллаев. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 2001. – Б. 124-130.

11 Муҳаммад Аббос Хон. Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти / Бадий публицистика. Урду тилидан бадий таржима. Таржимонлар: Муҳиддин О., Мурадов Х. – Тошкент: O'zbekiston, 2025. – Б. 130-132, 174,

12 Ўша асар. – Б. 141.

13 Ўша асар. – Б. 142-147.

янади. Бу қарашлар нафақат давлат раҳбарининг сиёсий позициясини, балки мамлакат келажаги учун юксак тарихий масъулиятини ҳам ифодалайди.

Президент мактаблари эса келажак ихтирохоналари сифатида баҳоланади. Ўзбекистон янги авлодни нафақат юқори малакали мутахассис, балки мустақил фикрлайдиган, ҳалол ва пок инсонлар этиб тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Миллат етакчиси орзу қилаётган Ренессансни давом эттириш ва уни янада чуқурлаштириш эса, аввало, ёшлар зиммасига катта масъулият юклайди¹⁴.

Ёшларнинг интилиши, аждодларнинг билим ва меҳнатни энг олий кадрят деб билгани, адолатли ва маърифатли жамият ҳақидаги орзуларини рўёбга чиқаришга чорлайди. Янги Ренессанс ғояси – кучли шахслар танловидир. Бу нафақат муайян тарихий давр, балки қалб амри ҳамдир.

Учинчи Ренессанс ғояси оламни фатҳ қилишни эмас, уни англашни, ҳукмронликни эмас, ҳамкорликни, билимни шунчаки кўпайтиришни эмас, уни инсоният манфаатига хизмат қилдиришни англатади.

Хулоса ўрнида

Муҳаммад Аббосхон асарида Учинчи Ренессанс ғояси Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт концепциясидан ҳам кенгроқ маъно касб этиши, янги глобал уйғунлик ва инсонпарвар дунё моделига асос бўлиши алоҳида таъкидланади. «Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тарихий концепт» номли ушбу асар нафақат ўзаро англашувни мустаҳкамлайди, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни чуқур англашга ҳам хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистон янги тарихий босқич остонасида турибди. Учинчи Ренессанс ғояси халқимизни, айниқса ёш авлодни янги тадқиқотлар, янги кашфиётлар ва янги маънавий уйғониш сари ундаб келмоқда. Чунки бу ғоянинг манбаи – ўтмишда, эҳтиёжи – бугун, буюк мақсади эса – келажакдир.

14 Муҳаммад Аббос Хон. Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти / Бадий публицистика. Урду тилидан бадий таржима. Таржимонлар: Муҳиддин О., Мурадов Х, Кириш сўзи муаллифи: Муҳаммад Шаҳбоз Шариф. – Тошкент: O‘zbekiston, 2025. – Б. 304-307.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Abduhalimov B. Raqamli shakldagi ilmiy meros. The Courier. UNESCO (Maxsus son). – Parij, 2025. – B. 12-13.
2. Mirziyoyev Sh. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi. – Toshkent: O‘zbekiston, 2023. – B. 270-275.
3. Абдуҳалимов Б. “Байт ал-хикма” ва Ўрта осие олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX- XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – Б. 149-160, 171-180, 200-203.
4. Каримов У.И. Очерки истории медицины в Средней Азии (в том числе в Узбекистане) с древнейших времен до середины XIX в. / Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. Под редакцией членов-корреспондентов АН РУз П.Г. Булгакова и У.И. Каримова. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 29-68.
5. Маънавият юлдузлари / Тўпловчи ва масъул муҳаррир М. Хайруллаев. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 2001. – Б. 124-130.
6. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. “Янги Ўзбекистон” газетаси. №165. 17.08.2021. – Б. 1-5.
7. Муҳаммад Аббос Хон. Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти / Бадий публицистика. Урду тилидан бадий таржима. Таржимонлар: Муҳиддин О., Мурадов Ҳ. Кириш сўзи муаллифи: Муҳаммад Шаҳбоз Шариф. – Тошкент: O‘zbekiston, 2025. – Б. 35.
8. Муҳаммад Шаҳбоз Шариф. Ҳақиқат, адолат ва уйғунлик ҳукм сурган диёрда буюк ғоялар камол топади / Муҳаммад Аббос Хон. Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти / Бадий публицистика. Урду тилидан бадий таржима. Таржимонлар: Муҳиддин О., Мурадов Ҳ. Кириш сўзи муаллифи: Муҳаммад Шаҳбоз Шариф. – Тошкент: O‘zbekiston, 2025. – Б. 6-8.
9. “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти” китоби: Ватанимиздаги янгиланишларга холис назар / “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти” китобининг тақдироти. UZA хабарлари, 11.12.2025. /posts/uzbekiston-uchinchi-renessans-taraqqiyot-koncepti-kitobivatanimizdagi-yangilanishlarga-xolis-nazar_794003.

КАМОЛА АКИЛОВА

**ИНТЕГРАЦИОННЫЕ СВЯЗИ В ДУХОВНОМ
ПРОСТРАНСТВЕ ИСЛАМСКОГО МИРА
(на материале Музея Центра исламской цивилизации)**

Создание Центра исламской цивилизации в г.Ташкенте имеет огромное значение не только для научного, культурного пространства Узбекистана, но и всего исламского мира, в целом. Оно придает заметные импульсы для научных исследований в Узбекистане и не только, открывая новые тематические ракурсы исламской культуры, инновационные методологические подходы, новые ракурсы освещения известных открытий, в то же время питает творческое воображение современных художников и ремесленников, придавая импульсы для развития современного искусства.

Исламская цивилизация становится одним из важных факторов в поисках национальной самоидентификации современной гуманитарной науки и художественной культуры Узбекистана. Более того, говоря о Центре исламской цивилизации сегодня, мы говорим о том вкладе, который внесли наши ученые, каллиграфы, поэты, художники, орнаменталисты в общую сокровищницу мировой цивилизации. Но полноценно говорить и показать его в музее истории исламской цивилизации возможно только постигнув общие основы огромного пласта исторического развития исламской цивилизации и культуры, воспринимая духовное пространство ислама как целостность. Тогда более ощутимы становятся достижения наших предков, траектория их научного поиска и методологии, своеобразие их творческого гения и факторы, их породившие.

И на сегодняшний день, отчасти продолжая оставаться загадкой, вызывают восхищение различные аспекты формирования исламской цивилизации, которая смогла не только объединить различные страны и народы, традиции и культуры, но и проявила удивительные интеграционные взаимосвязи, которые привели к потрясающим научным открытиям и шедеврам художественной культуры.

Сегодня, когда мир претерпевает масштабные глобализационные процессы, при актуальности проблем национальной самоидентификации всех стран и народов, в то же время, особое важное значение приобретает интеграция научных и культурных достижений в разных частях земного шара. Как пишут исследователи: “За последние тридцать лет мы стали свидетелями беспрецедентной исторической ситуации: теперь нам доступны все культуры мира... все культуры открыты и проницаемы друг для друга. Само знание теперь глобально. Впервые в истории мы получили доступ ко всей сумме накопленных человечеством знаний”¹.

Не случайно, возникновение терминов «интегральная духовность»,

1 Уилбер К. Интегральная духовность. Новая роль религии в современном и постсовременном мире. Москва, Манн, Иванов и Фербер”, 2020г., с.17.

«интегральный подход», «интегральный методологический плюрализм», которые позволяют совмещать «пути просветления Востока, с его выдающимися успехами в области культивации высших состояний сознания, и Запада, с его современными подходами к психологии, психотерапии и развитию человека»².

Мы хотели бы остановиться на некоторых важных узловых моментах исламской цивилизации, на наш взгляд, которые должны найти свое отражение в дальнейших научных изысканиях и визуализироваться в экспозиции Музея истории исламской цивилизации. Подготавливая данную статью, помимо научных источников, мы просмотрели ряд материалов по исламскому искусству в музеях Узбекистана, а также в музеях исламского искусства в Шардже (ОАЭ), Израиле, Малайзии, Афганистане, Великобритании, Германии, Египте, Тунисе, Турции, коллекций исламского искусства в крупных музеях мира как Лувр, Метрополитен, Эрмитаж, Музей Востока, Топкапы, Национальный музей Индии, в которых мы имели возможность ознакомиться с экспозициями. Ценный опыт музеев и коллекций исламского искусства в мире использован в создании Музея исламской цивилизации в Ташкенте, в то же время он демонстрирует и свои отличительные особенности. Надо сказать, что и музеи исламского искусства, и коллекции исламского искусства в крупных музеях мира обладают одним преимуществом, в них представлены экспонаты широкого географического ареала с разных стран. Возникает вопрос: какими географическими границами будут определяться экспонаты, представляемые в Музее исламской цивилизации?

Ведущими учеными Узбекистана была разработана концепция Музея исламской цивилизации, были определены его разделы, начиная с раздела «Доисламский период» до раздела «Новый Узбекистан – основа Третьего Ренессанса», акцент был сделан на произведениях научного и культурного наследия. Был проделан огромный труд. В данном сообщении, я хотела бы остановиться исключительно на некоторых важных моментах концептуального подхода созданного музея.

Первое, на что хотелось бы обратить внимание, принцип историзма, который должен учитываться. Он, безусловно, есть в разработанной концепции музея. Но я хотела бы сказать о другом: о теоретических базовых основах исламской культуры. Арабский халифат периода Аббасидов позволил перемещаться как ученым, так и художникам, каллиграфам, орнаменталистам, ремесленникам, странствующим дервишам. Они перемещались из страны в страну в силу самых разных обстоятельств, неся с собой свет религии, науки, культуры, находя практическое применение своим знаниям и таланту при дворах правителей. Как отмечали исследователи: «... центральноазиатский ученый, направляясь в Багдад,

² Уилбер К. Интегральная духовность. Новая роль религии в современном и постсовременном мире. Москва, Манн, Иванов и Фербер”, 2020г., с.386.

не чувствовал себя чужим»³. Путешествия стали нормой, являясь «важной характеристикой цивилизации, связанной как с получением знаний и интеллектуальным обменом, так и с экономическим развитием и общественной безопасностью»⁴. Было движение, было приобщение к мировым достижениям, было развитие. Говоря о великих гениях Мусульманского и Темуридского Ренессанса, показывая периоды их жизни и деятельности на территории Центральной Азии, важно показать и последующие периоды их жизни и деятельности, проходившие в других странах.

Второе, важен анализ, говоря современным языком, системы образования (она есть в концепции), которая дала человечеству гениев. Центральноазиатские ученые, несмотря на огромную численность арабских ученых, занимали особое место в системе научных знаний в Багдаде, благодаря именно совершенной на тот момент образовательной системе Бухары, Хорезма. Как было отмечено, «наличие такого большого количества центральноазиатских ученых в Багдаде было связано с высоким уровнем их образования»⁵. Образовательная система IX-XII веков Центральной Азии интегрировала в себя теологию и светские дисциплины, разнообразные точные и гуманитарные науки, рациональные и иррациональные знания, проявляющиеся в поэзии, каллиграфии, музыке и других видах искусства, которые впоследствии служили не только развитию научных знаний, но и развитию уникального искусства.

Третье, это доступность большой источниковедческой базы научных исследований. Ибн Сина писал о том, что книжный базар Бухары не имел себе равных. Именно там он приобрел манускрипт Аристотеля и труд Фараби, который помог ему лучше изучить учение Аристотеля⁶. Велика была роль библиотек, к примеру, в Бухаре, которая собиралась при нескольких правящих династиях, и была классифицирована по научным дисциплинам или видам искусства. Именно библиотеки выполняли функции академий наук, через переводы и переписывание рукописей шло дальнейшее развитие научных истин и постулатов.

Четвертое, это языковая база научных исследований и культурных достижений, которая интегрировала в себя несколько языков. Сегодня, как никогда, ощущается необходимость владения как собственно своим национальным языком, так и другими восточными и европейскими языками для полноценного изучения ценных средневековых источников и современных исследований по исламской цивилизации. Для Мусульманского и Темуридского Ренессанса владение как минимум двумя языками было нормой: арабский и фарси, арабский и тюрки, а в некоторых слу-

3 Старр Ф. С. Утраченное просвещение. Золотой век Центральной Азии от арабского завоевания до времен Тамерлана. Москва, Альпина Паблишер, 2019г., с. 168.

4 Закеи Али Акбар. Роль и значение путешествия в истории исламской цивилизации. В книге «Исламская цивилизация. История и современность». Москва, Садр, 2016г., с. 13.

5 Старр Ф. С. Утраченное просвещение. Золотой век Центральной Азии от арабского завоевания до времен Тамерлана. Москва, Альпина Паблишер, 2019г., с. 169.

6 Ричард Нельсон Фрай. Бухара в средние века. Москва, Центрополиграф, 2016, с. 75.

чаях и арабский, фарси, тюрки. Конечно, в тот период арабский язык занимал особое место, так как был конструктом исламской культуры. Это был не просто язык, на котором наносились надписи на архитектурных сооружениях, изделиях ремесла, переписывали Коран. Это был содержательно-мировоззренческий стержень, вокруг которого, строилось научное познание, и рождались шедевры искусства.

Пятое, это поливариантность культуры Центральной Азии исламского периода. Художественная культура исламского периода никогда не была однородной, и такой не могла быть, в силу самых разнообразных формирующих ее источников. В художественной культуре Узбекистана исламского периода ощущается удивительный симбиоз исламизации и тюркизации. Ярким примером для этого может служить личность самого Амира Тимура. Вспомним процедуру его вступления во власть: его посадили на белую кошму и на ней подняли на вытянутых вверх руках, чтобы «представить Небу». С первого дня царствования он оказался «между двумя разными традициями, двумя культурами, двумя образами жизни и двумя религиями»⁷. Языковая двойственность (фарси и тюрки), алфавитная (арабская и монголо-тюркская), хронологическая (летоисчисления мусульманское и китайское), религиозная (ислам и тенгрианство) дают представление о двойственности культуры эпохи правления Темура, объясняя ее своеобразие.

Шестое, это роль суфизма в развитии художественной культуры Центральной Азии в исламский период. Особый интерес для нас представили точки соприкосновения такого уникального течения в исламе как суфизм и основ тюркской культуры. Суфизм всегда стремился к чистоте помыслов и деяний, самое главное – стремился к очищению сердца. Здесь уместно вспомнить Ходжа Ахмада Ясави – основоположника тюркского пути суфизма – тариката Ясавийа. Главная заслуга его в том, что, используя суфийское учение, он возродил тюркскую культуру и язык, «сугубо перекодированный на мусульманский лад». Степной аристократ, проникая в глубины исламской философии и этики, сообщал ей эпическое величие и героизм⁸.

Седьмое, нельзя ограничиваться границами современного Узбекистана. Важно показать регион Центральной Азии, который исторически имел широкие научные, культурные связи. В данном случае, прием палимпсеста современных территориальных границ, наложенных на историко-культурные события прошлого, не приемлем. Один пример, в коллекциях Лувра, Метрополитен-музея есть экспонаты, которые не атрибутированы. Возникает вопрос: это Мавераннахр или Хорасан? Они не атрибутированы не в силу отсутствия профессиональных специалистов. Они сложны в атрибуции, потому что эти произведения искусства создавались в широком географическом ареале. К примеру, сочетание араб-

7 Жан-Поль Ру. Тамерлан. М., 2007, с. 56.

8 Сб.ст. «Суфизм в Иране и Центральной Азии». Алматы, 2007, с. 164, 197.

ских надписей с доисламскими изображениями человека и животных был характерен как для Ирана, так и для Хорасана, Мавераннахра. Керамические изделия X-XII веков, которые сегодня являются гордостью музеев мира, изготавливались в Нишапуре, Мерве, Бухаре, Самарканде, Чаче. Старые традиции доисламского искусства в совокупности с арабской графикой вступали в новые синтаксические связи, что вело к изменениям семантического характера. Как отмечали исследователи: «Именно арабская графика, ее формальные особенности отсылают читателя или просто созерцателя к ценностям иного порядка, уже не содержательным, а концептуальным, в полной мере соответствующим иконическим функциям, складывающимся на территории Большого Хорасана»⁹.

К примеру, современные исследователи отмечают близость культур Хорасана и Мавераннахра, в особенности таких городов как Нишапур, Мешхед, Балх, Герат, Бухара и Самарканд, которые образовывали общее культурное пространство. И даже была отмечена сложившаяся в XI-XII и первой трети XIII веков Хорасанско-Мавераннахрская научно-практическая музыкальная школа с собственной региональной традицией¹⁰. Именно широкий охват явлений культуры дает нам возможность ощутить эту целостность, или как говорят исследователи, «единство красоты».

Восьмое, в настоящее время в мире исламоведение, и в частности, исламоведческое искусствознание находится на высоком уровне, интегрируя знания истории, географии, теологии, востоковедения, экономики, философии, культурологии, искусствознания. Полноценное изучение искусства периода ислама Узбекистана, региона Центральной Азии, Среднего Востока возможно только на основе междисциплинарного подхода. Нужны новые концепции, новые методологии. Важным, на наш взгляд, является изучение исламского искусства на основе философии ислама, отказ от доминирующих европоцентристских методологий и концепций. Необходимы исследования на стыке гуманитарных и точных дисциплин.

Девятое: что мы хотим показать в Музее исламской цивилизации? Только лишь прошлое, его основные этапы, великие исторические личности и их заслуги? Не менее важным, на наш взгляд, является развитие научных и художественных традиций исламской культуры и науки в XX веке, и в особенности в XXI веке. В Ватикане, наряду с историческими шедеврами, также существует экспозиция из работ современных европейских художников на библейские мотивы и сюжеты. И речь идет не только о сохранении или продолжении традиций. Эти процессы связаны с обновлением исламской цивилизации на современном этапе в мировом масштабе. Они выходят за пределы гуманитарных дисциплин.

⁹ Шукуров Ш.М. Идея Ирана. Толкование к истории искусства и архитектуры. М., Прогресс-Традиция, 2021, с. 30.

¹⁰ Джумаев А. Музыкальная наука Мавераннахра и Хорасана в средневековое время: источники, научные школы и тенденции развития. В сб.ст. «Музыка в контексте ислама. Традиции Ирана.М.:2019 – с.283-323.

В настоящее время, благодаря проекту «Культурное наследие Узбекистана» для научного мира стали доступны редчайшие экспонаты, имеющие отношение к Узбекистану, находящиеся в различных странах мира. В научный оборот вошел и продолжает входить обширный материал по разным историческим периодам, требующий осмысления. Возникает целостность охвата исследуемого материала. Хотелось бы отметить и постоянно обновляющуюся зарубежную историографию, освоение которой также имеет важное значение в исследовании проблематики, связанной с исламской цивилизацией.

Музей сегодня – это социокультурное явление, связывающее историю, культуру, науку, достижения человечества с современным обществом. В музее представлены не просто экспонаты прошлого, они, безусловно, ценны, но, главное, через них мы изучаем и передаем современному обществу духовные, цивилизационные, научные и культурные ценности. В эпоху глобализации, обострения острых глобальных проблем современности, неустойчивости всех систем жизнедеятельности, на музеи возлагается ответственная миссия. Музеи выступают в роли связников не только между прошлым и настоящим, но и настоящим и будущим, потому что способствуют формированию последующих поколений. Стратегия развития Музея исламской цивилизации должна быть нацелена именно на этот дискурс. Сегодня мы должны говорить о философии музеев. Потому что как было отмечено исследователями: «... музей заключает в себе целую философию, основанную на познании и созидании мира, но также и личном самоусовершенствовании»¹¹.

Мы не просто показываем экспонаты, мы через экспонаты музея в общество привносим идеи, а они должны быть гуманистическими, толерантными, объективными и оптимистическими.

Резюме

Создание Центра исламской цивилизации в г.Ташкенте, по своей сути, имеет огромное значение не только для научного, культурного пространства Узбекистана, но и всего исламского мира, в целом. Мы хотели бы остановиться на некоторых важных узловых моментах исламской цивилизации, на наш взгляд, которые должны найти свое отражение в дальнейших научных изысканиях. Первое, на что хотелось бы обратить внимание, принцип историзма, который должен учитываться. Второе, важен анализ, говоря современным языком, системы образования, которая дала человечеству гениев. Третье, это доступность большой источниковедческой базы научных исследований. Четвертое, это языковая база научных исследований и культурных достижений, которая интегрировала в себя несколько языков. Пятое, это поливариантность культуры Центральной

¹¹ Бонами З. Как читать и понимать музей. Философия музея. - Москва: Издательство АСТ, 2018г. 224 с.

Азии исламского периода. Шестое, это роль суфизма в развитии художественной культуры Центральной Азии в исламский период. Седьмое, нельзя ограничиваться границами современного Узбекистана, важно показать регион Центральной Азии, который исторически имел широкие научные, культурные связи. Восьмое, в настоящее время в мире исламоведение, и в частности, исламоведческое искусствознание находится на высоком уровне, интегрируя знания истории, географии, теологии, востоковедения, экономики, философии, культурологии, искусствознания.

Ключевые слова: ислам, цивилизация, духовность, исламская культура, образование, наука, суфизм, Мавераннахр, Хорасан, Ренессанс.

Тошкент шахрида Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш, ўз моҳияти билан, нафақат Ўзбекистоннинг илмий ва маданий майдони учун, балки бутун Ислом дунёси учун ҳам катта аҳамиятга эга. Биз, ўз навбатида, Ислом цивилизациясининг баъзи муҳим, калит нуқталарига эътибор қаратмоқчимиз, деб ҳисоблаймиз, улар кейинги илмий изланишларда ўз аксини топиши керак. Биринчиси – эътибор қаратиладиган асосий жиҳат: тарихий принцип, яъни иш олиб борилаётган тадқиқотларда тарихи контекстни инобатга олиш. Иккинчиси – бу замонавий тил билан айтганда, инсониятга буюк зеҳнлар тақдим этган таълим тизимини таҳлил қилишнинг аҳамияти. Учунчиси – илмий тадқиқотлар учун катта манба базасига кириш имконияти. Тўртинчиси – илмий тадқиқотлар ва маданий ютуқлар учун тил асоси, у бир неча тилларни ўз ичига интеграция қилган. Бешинчиси – Марказий Осиёдаги Ислом даври маданиятининг кўпқирралилиги. Олтинчиси – Ислом даврида Марказий Осиёдаги бадий маданиятни ривожлантиришда суфизмнинг роли. Етинчиси – замонавий Ўзбекистон ҳудудлари билан чекланиб қолмаслик, тарихий жиҳатдан кенг илмий ва маданий алоқаларга эга бўлган Марказий Осиё минтақасини кўрсатиш муҳим. Саккинчиси – ҳозирги кунда дунёда исломшунослик, хусусан, исломшунослик санъатшунослиги юқори даражада ривожланган бўлиб, у тарих, география, теология, шарқшунослик, иқтисодиёт, фалсафа, маданиятшунослик ва санъатшунослик билимларини интеграция қилмоқда.

Калит сўзлар: Ислом, цивилизация, маънавият, ислом маданияти, таълим, фан, тасаввуф, Мовароуннаҳр, Хоразм, Ренессанс.

The creation of the Center for Islamic Civilization in Tashkent, in its essence, is of great importance not only for the scientific and cultural space of Uzbekistan, but also for the entire Islamic world as a whole. We would like to dwell on some important key points of Islamic civilization, in our opinion, which should be reflected in further scientific research. The first thing I would like to draw attention to is the principle of historicism, which must be taken into account. Secondly, it is important to analyze, in modern terms, the education system (it is in the concept), which gave geniuses to humanity. Third, is the availability of a large source base for scientific research. Fourth,

this is the language base of scientific research and cultural achievements, which has integrated several languages. Fifth, this is the multivariate culture of Central Asia during the Islamic period. Sixth, is the role of Sufism in the development of the artistic culture of Central Asia during the Islamic period. Seventh, we cannot limit ourselves to the borders of modern Uzbekistan; it is important to show the region of Central Asia, which historically had broad scientific and cultural ties. Eighth, currently in the world, Islamic studies, and in particular, Islamic art studies, are at a high level, integrating knowledge of history, geography, theology, oriental studies, economics, philosophy, cultural studies, and art studies.

Keywords: *Islam, civilization, spirituality, Islamic culture, education, science, Sufism, Transoxiana, Khorasan, Renaissance.*

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Уилбер К. Интегральная духовность. Новая роль религии в современном и постсовременном мире. – Москва: Манн, Иванов и Фербер, 2020, с.17.
2. Уилбер К. Интегральная духовность. Новая роль религии в современном и постсовременном мире. – Москва: Манн, Иванов и Фербер, 2020. – С. 386.
3. Старр Ф. С. Утраченное просвещение. Золотой век Центральной Азии от арабского завоевания до времен Тамерлана. – Москва, Альпина Паблишер, 2019. – С. 168.
4. Закеи Али Акбар. Роль и значение путешествия в истории исламской цивилизации. В книге “Исламская цивилизация. История и современность”. Москва, Садра, 2016. – С. 13.
5. Старр Ф. С. Утраченное просвещение. Золотой век Центральной Азии от арабского завоевания до времен Тамерлана. – Москва, Альпина Паблишер, 2019. – С. 169.
6. Ричард Нельсон Фрай. Бухара в средние века. – Москва, Центрполиграф, 2016. – С. 75.
7. Жан-Поль Ру. Тамерлан. – Москва, 2007, – С. 56.
8. Сб.ст. «Суфизм в Иране и Центральной Азии». – Алматы, 2007. – С. 164, 197.
9. Шукуров Ш.М. Идея Ирана. Толкование к истории искусства и архитектуры. – Москва: Прогресс-Традиция, 2021. – С. 30.
10. Джумаев А. Музыкальная наука Мавераннахра и Хорасана в средневековое время: источники, научные школы и тенденции развития. В сб.ст. «Музыка в контексте ислама. Традиции Ирана». – Москва: 2019. – С. 283-323.
11. Бонами З. Как читать и понимать музей. Философия музея. – Москва: Издательство АСТ, 2018. – 224 с.

ГУЛАБЗА ҚАРШИЕВА

ФАРҲОД – “ОШИҚ”:
АЛИШЕР НАВОИЙ ТАСВИРИ ВА МУСАВВИР ТАЛҚИНИ

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод – комил инсон, илоҳий ишқ билан зийнатланган солиқ. “Навоийдаги солиқ, бу – тасаввуф тариқатларидаги дарвеш ёки биродарлар эмас, балки жамиятнинг оддий аъзоларидир. Мақсад манзили ҳам тасаввуфда айтилганидек, фано ва бақо мақомлари ёки Аллоҳ билан қўшилиш мақоми эмас, балки маънавий, ахлоқий, илмий юксалишнинг олий даражасидир”¹. Шунинг учун Фарҳод ёшлиқдан яхши инсоний фазилатларни, барча билимларни, ҳунарларни хусусан, Бонийдан тошйўнарлик, Монийдан мусаввирлик сирларини катта қизиқиш билан ўрганади. Фарҳод Навоийнинг эстетик идеали, ҳунар ва истеъдодда ҳар томонлама ривожланган қаҳрамон. Фарҳод солиқ сифатида бир қанча машаққатларни енгиб ўтди, пиру комил таълимини олди, оинайи жаҳонноманинг сирини очди, Арманияга бориб, ариқ қазди, ҳовуз бунёд этди, тошдан қаср курди. Бу тўсиқлар, синовларни муваффақиятли енгиб ўтган Фарҳод “...мажозий ишқ йўлини тутган ошиқ мақомига кўтарилди”². Демак, синовлар, машаққатлар барчаси, “денгиз сафари, қароқчиларга қарши жанг, дашту водийларда саргардон кезиш, тоғ кесиш сув чиқариш – буларнинг ҳаммаси рамзий маънода ошиқнинг мажозий ишқ йўлидаги чеккан руҳий-психологик азоблари, ҳажр қийноғи”³ эди.

Достонда иккита ошиқ образи бор. Бири Фарҳод, иккинчиси Хусрав Парвез.

Хусрав Парвез образи достоннинг 36-бобида кириб келади. Фарҳод ва Ширин ишқ куйида беҳол бўлиб ётган пайтда Мадойин шахрининг подшоҳи Хусрав Парвез⁴ яна бир уйланиб, тожу тахтига ярашиқли, бошқа ворислардан афзалроқ фарзанд кўриш ниятида Ширинга совчи юборади.

Хусрав мақсадини Меҳинбонуга етказиш учун, ўзининг вазири “расули қардон” – “ишбилармон элчи” Бузург Уммидни юборади. Унга Арман юртига бориб Меҳинбонуни Хусравни мақсадидан огоҳ этиш вазифаси юкланади.

Меҳинбону ҳар хил баҳоналар билан рад жавобини беради. Бундан қаттиқ жаҳли чиққан Хусрав Армания томон қўшин тортади. Хусравнинг қўшини Меҳинбону кўрғонининг олдидаги қоя устида турган Фарҳодга дуч келади. Хусравнинг лашкарлари Фарҳод ирғитган тошларга бардош бера олмайди. Аслида, бир инсон қанчалик куч-қудратга эга бўлмасин ёлғиз катта қўшинга бас келолмаслиги маълум. Лекин, Фарҳод бундан

1 Алишер Навоий. “Маҳбуб ул-қулуб”. Ҳозирги ўзбек тилига таъдил. Сўз боши Ш.Сирожиддинов. Изоҳ ва нашрга тайёрловчилар: А.Тилавов, И.Сайфуллаев. –Т.: Sano-standart. 2018. Б.288.

2 Эралиева Б. Тўрт тимсол шарҳи. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2013 йил 5-сон.

3 Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Мовароуннаҳр -Ўзбекистон, 2009. Б.188-189.

4 Парвез – Хусравнинг лақаби бўлиб, музаффар, бахтиёр - деган маънони билдиради .

мустасно. Чунки, у илоҳий ишқ билан зийнатланган, илоҳий қудратга эга. “... Навоийнинг мақсади бу тасвир орқали икки турдаги ишқнинг бир-биридан фарқини очиб бериш, яъни авом ишқига мансуб ошиқ қанчалик куч-қудратга эга бўлмасин, барибир хослар ишқи мақомида турган ошиқ билан тенглаша олмаслигини воситалар орқали тасвирлашди”⁵.

Маълумки, “Фарҳод ва Ширин” достони сюжети ҳамда аксарият ҳолларда асарнинг бадий талқини ҳисобланган миниатюраларда Фарҳод 4 қиёфа⁶да кўринади:

1. Фарҳод – ёш шахзода;
2. Фарҳод – илоҳий ишқ дардига мубтало бўлган, пири комил таълимни олишга бел боғлаган солиқ;
3. Фарҳод – хунарманд, сангтарош;
4. Фарҳод – “ишқи мажозий ўтида ўртанган” (Комилов) ошиқ.

Фарҳод, аслида туғилганиданок солиқ, лекин китобхонда шахзода, солиқ, хунарманд қиёфасида намоён бўлади. Ҳар бир қиёфада ўзига хос босқичларни босиб ўтиб, покланиб, комил инсон даражасига кўтарилиб боради. Олдинги мақолаларимизда (“Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод образи бадий талқини: анъанавийлик ва оригиналлик”./ Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2024-12/4, 635-642 бб; “Фарҳод – “хунарманд”: Алишер Навоий тасвири ва мусаввир талқини” “Шарқ қўлёзма санъати: анъанавийлик ва замонавий ёндошув” / Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами – Т.: “San’at”. 2024. 69-83 бб; “Фарҳод – солиқ”: Алишер Навоий тасвири ва мусаввир талқини”. “Алишер Навоий” халқаро журнали, 4-жилд, 2-сон, 22-31 бб.) Фарҳод образи “шахзода”, “хунарманд” ҳамда “солиқ” қиёфаларида бадий талқин қилинган миниатюра асарлари хусусида фикр юритганмиз. Кузатувларимизни давом эттириб, куйида Фарҳод – “ошиқ” қиёфасида, ошиқ мақомига кўтарилган ҳолати талқин этилган миниатюра асарларини шарҳлашга ҳаракат қиламиз.

Авалло айтиш керакки, ўрта асрларда Шарқ мумтоз адабиётда ҳам миниатюра санъатида ҳам шартлилик ва анъанавийлик устунлик қилган. Миниатюра, китоб безаги, матннинг бир қисми, аксарият ҳолларда, бадий талқини сифатида асар билан китобхон ўртасида воситачи бўлиб, тушунтиришга, шаклий гўзаллик билан бирга маъно гўзаллигини чуқурроқ англатишга хизмат қилган. Аслида, миниатюра учун танланган мавзулар, жумладан “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам, асар замиридаги ғоявий йўналишни таъкидлашга ёрдам беради. Шу сабабли миниатюраларда Фарҳод гоҳ ёш шахзода, гоҳ солиқ, гоҳ хунарманд ва ошиқ қиёфаларида келади. Ундан ташқари, Фарҳод гоҳида ўрта ёшли, гоҳида қария, гоҳида ёш йигит кўринишида тасвирланади.

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод “ошиқ” қиёфасида “Фарҳод Хусравга қарши чикяпти”, “Хусрав ва Фарҳод баҳ-

5 Эралиева Б. Тўрт тимсол шарҳи. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2013 йил 5-сон.

6 С.Қурононов, “қиёфа” сўзини кенгрок - кишининг ҳам ташки, ҳам ички дунёси маъносидан талқин қилиш мақсад мувофиқ, деб ҳисоблайди

си”, “Шопур Фарҳодга Шириннинг номасини узатмоқда”, “Ёсуман Шириннинг “ўлими” ҳақида Фарҳодга хабар бермоқда” мавзуларида эълон қилинган миниатюралар қуйидаги 4 қўлёзмага ишланганлиги маълум:

1. “Фарҳод ва Ширин”. Ҳирот. 890/1485. (Бодлеан кутубхонаси. Elliot 408).

2. XV аср аср охири – XVI аср бошида Ҳиротда кўчирилиб, 1521-1522 йилларда Шохрухия (Тошкент)да миниатюралар билан безатилган (Куллиёт. Россия Миллий кутубхонаси. Дорн 559.) қўлёзма;

3. XVI асрнинг биринчи ярми, 937 (1530–31) йилда Туркияда, усмонийлар саройида кўчирилган (“Хамса-йи Навоий”, хаттот Пир Аҳмад Искандар. TSMKH. 802.) қўлёзма;

4. “Хамса”. Хаттот Ибн Абул-Макорим Абд ул-Ваҳҳоб ал-Ҳижозий. Қазвин (?). 987/1579. (Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. №2630).


“Фарҳод Хисравга қарши чиқяпти”

“Хамса-йи Навоий”. TSMKH. 802. Колофон, фол. 309v: (усмоний туркчада), 937 йил (1530–31 й.). Фол. 99г. 14.3×11.7 см.

Навоий тасвири:

Топиб ул қалъанинг тошида бир тош,
Ким ул кўк қалъасидин ўтқариб бош.
Тутуб эрди анинг устида маскан
Ки, бўлғай разм вақти хораафкан.
Келиб Хусрав ҳам айлаб жаҳду таъжил,
Йироқроқ тушти кўрғондин ярим мил.
Ададдин кўп сипоҳин чун тушурди,
Тамошо айлай Арман сори сурди.
Ҳумоюн мавкибида минг диловар,
Анинг бирла суруб ул ён тақовар.
Ҳисор атрофида солиб назар тез,
Бўлуб ҳар лаҳза навъи фикратангез.
Назора айлар эрди ҳар замоне,
Кўрар эрди ер узра осмоне.
Не топиб олмоғи саъйида беҳбуд,
Не келмақдин пушаймонлиқ этиб суд.
Тутуб Фарҳод ул тош узра манзил,
Нечукким дур қилур бош узра манзил.
Назар Фарҳодга чун солди Парвез,
Дегил кўксига тегди дашнаи тез...
Илик зўри била андоқ отиб тош,
Қилиб тиғи забон мундоқ яна фош.
Тушуб Хусравга тоши изтироби,
Сўзининг ҳам топа олмай жавоби.

Мусаввир талқини:



“Фарҳод Хисравга қарши чиқяпти”.

“Хамса-йи Навоий”. TSMKH. 802. Колофон, фол. 309v: (усмоний туркчада), 937 йил (1530–31 й.). Фол. 99г (14.3×11.7 см). Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги иллюстрацияли қўлёзмалари. “Uzbekistan today”, “Zamon press info”. 2019. Матн муаллифи ва тузувчи: Лале Улуч. 144-б.

Рассом дostonдаги шу воқеани ифодалаган бўлса-да, миниатюранинг юқори ва пастки қисмидаги байтларда, кейинги боб воқеалари ёзилган. Яъни, Фарҳодни енга олмаган Хусрав Бузург Умид билан маслаҳатлашиб ҳийла ишлатишга келишиб олишгани, улар томонидан ёлланган ҳийлагар беҳуш қиладиган дори сепилган гулни ҳидлатгани, натижада йиқилган Фарҳодни банд этиб, Хусрав ҳузурига олиб келганлари ҳақидаги байт кўчирилган:

Бири деб судроли Хусравға тегру,
 Бири деб элтоли бошини айру.
 Чу кўрдилар жамоли жонфизойин,
 Унуттилар таадди расму ройин.
 Кўтардилар ани айлаб юз икром,
 Қилиб авд урдилар Хусрав сори гом.
 Ўлукдек ўзда йўқ Фарҳоди маҳжур,
 Ёвушуб ўзни ўлтурмакка Шопур...
 Тутуб жўлду олур ёрмоққа қалқон,
 Дегилким айламишлар тоғни талқон.
 Кетур соқий, қадаҳким, бенавомен,
 Хумори ҳажр элига мубталомен.

Миниатюрада, Фарҳод қизил кийимда, Меҳинбону қалъасининг олдидаги қоя тепасида, кўлида катта тош. Фарҳод отган тошлардан Хусравнинг кўшинлари ваҳимада, кимдир тошдан жароҳатланган жойини ушлаб додлаяпти, кимдир қочаяпти, тош теккан лашкарнинг боши қонга беланган. Ўртада турган лашкарбоши кўшинни орқага қайтаряпти. Сипоҳлар кўркувда, тўрт томонга қараб қочмоқда. Тоғнинг пастки қисмида, адирда Хусрав ўрдаси ва кўшинлари жойлашган. Ўрдасининг олдида турган Хусрав орқага қайтаётган кўшинига қараб турибди.

“Хусрав ва Фарҳод баҳси”.

“Хамса”. “Ҳайрат ул-аброр”. Хаттот Ибн Абул-Мақорим Абд ул-Ваҳҳоб ал-Ҳижозий. Қазвин (?). 987/1579. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. №2630, 176 Ұарақ. 14x13 см.

Дostonда Хусрав ва Фарҳоднинг баҳс-мунозараси авом ишқи ва илоҳий ишқ ўртасидаги фарқни яққол кўрсатиб беришга хизмат қилади. Хусрав ишқдан бебаҳра фоний дунё вакили. Унинг Ширинга нисбатан ишқи Навоий “Махбуб ул-қулуб” дostonида таърифлаган ишқ “маротиблари”нинг биринчиси, яъни “авом” ишқи. “Чунки Хисравнинг мақсади Ширинни хотин қилиб олиш ва ўз ҳарамига кўшишдир. У зўрлик билан бунга эришмоқчи бўлади, шунинг учун Арманистонга лашкар тортиб келади. Унинг иддаолари шоҳона, ишқи хисравларга хос. У Фарҳоднинг ишқини тушунмайди, уни “жинни”, “мажнун” дея камситади”⁷.

7 Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Мовароуннахр -Ўзбекистон, 2009. Б.66.

Фарҳод ишқи эса пок ва илоҳий. Фарҳоднинг ишқи, Навоий “Маҳбуб ул-кулуб” асаридаги ишқ маротибларининг иккинчисига тўғри келади. Яъни, “Хослар ишқи... бу хос ишққа мансуб кишилар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва у пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий Маҳбубнинг жамолидан баҳра олади”⁸. Хусрав жисмоний ҳаракатларда ҳам, савол-жавобда ҳам Фарҳодни енга олмайди, чунки дунёвий куч илоҳий қудратни енгиш имконсиз. Навоий ушбу суҳбат орқали Фарҳод билан Хусравнинг маънавий олами, ақл такомили ва ишқ тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларига очиқ-равшан таъриф беради. Айнан шу жойда достоннинг мақсадини ҳам тўлиқ очиб беради.

Шоир тасвири:

Деди: Қайдинсен, эй мажнунни гумроҳ?
 Деди: Мажнун ватандин қайда огаҳ.
 Деди: Недур санга оламда реша,
 Деди: Ишқ ичра мажнунлук ҳамеша.
 Деди: Бу ишдин ўлмас касб рўзи,
 Деди: Касб ўлса басдур ишқ сўзи.
 Дедиким: Ишқ ўтидин де фасона!
 Деди: Куймай киши топмас нишона.
 Дедиким: Куймагингни айла маълум!
 Деди: Андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!
 Деди: Қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст
 Деди: Рух эрмас эрди танға райваст.
 Деди: Бу ишқдин инкор қилғил!
 Деди: Бу сўздин истиғфор қилғил!
 Деди: Ошиққа не иш кўп қилур зўр
 Деди: Фурқат куни ишқи балошўр.
 Деди: Ишқ аҳлининг недур ҳаёти.
 Деди: Васл ичра жонон илтифоти....
 Деди: Бу ишқ тарки яхшироқдур!
 Деди: Бу шева ошиқдин йироқдур!
 Деди: Ол ганжу кўй меҳрин ниҳони!...
 Деди: Ишқ ичра қатлинг ҳукм этгим!
 Деди: Ишқида мақсудумға етгим.
 Деди: Бу ишда йўқ сендин йироқ қатл!
 Деди: Бу сўзларингдин яхшироқ қатл.

Мусаввир талқини:



“Хусрав ва Фарҳод баҳси”
 “Хамса”. “Ҳайрат ул-аброр”. Хаттот Ибн Абул-Макорим Абд ул-Ваҳҳоб ал-Ҳижозий. Қазвин (?). 987/1579. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. №2630, 176 варақ. 14x13 см. Китобат санъати дурдоналари. Тузувчи ва муқаддима муаллифи З. Раҳимова. Тошкент. Vaktria press, 2018. 30-б. 13-расм.

Шу сюжет асосида Ибн Абул-макорим Абд ул-Ваҳҳоб ал-Ҳижозий кўчирган (ЎзР ФА ШИ, №2630, 176 в.) қўлёзмага миниатюра ишланган, лекин у “Ҳайрат ул-аброр” достони матни орасидаги саҳифага ёпишти-

8 Шу манба: Б.183.

риб қўйилган. Баъзи тадқиқотларга ”Шоҳ Ғозий ўғрини сўроқ қилмоқда” номи билан берилган бу миниатюрани, А.Мадраимов, “Фарҳод ва Ширин” достонига ишланган деб ҳисоблайди: “Расмдаги асирни Фарҳод эканлигини уни орқасига қайрилган этаги, мағрур туриши ва бошқа унинг образига хос хусусиятлар билан изоҳлаш мумкин. Расмда икки асосий ижобий ва салбий қаҳрамон, чап томонда қизил кийимда киборли Хусрав олти қиррали тахтда, Фарҳод эса, икки қўли орқага боғланган, ёнида қуролли соқчи”⁹.

Бизнингча ҳам, бу миниатюрада “Хусрав ва Фарҳод” мунозараси талқин қилинган. Буни аввало, “Ҳайрат ул-аброр” достонига Шоҳ Ғозий томонидан ўғрининг сўроқ қилиниши билан боғлиқ ҳикоя ёки сюжет учрамаслиги билан изоҳлаш мумкин. Иккинчидан, XVI аср “ўғри”си давр “шоҳи”га мардановор, тик боқиб сўроққа жавоб бериши мумкин эмас эди. Фақат, Фарҳоддагина шундай журъат борки, чунки унинг наздида “ишқ олдида шоҳ ва дарвеш” баробар. Яна бир сабаби, ўрта асрларда аксарият ҳолларда миниатюралар қўлёзмада қолдирилган жой ҳажмида алоҳида қоғозга ишланган. Чунки, қўлёзма кўчирилган қоғоз билан, миниатюра ишланган қоғозлар фарқли бўлган. Мазкур миниатюра ҳам шундай алоҳида қоғозга ишланган бўлиши, хаттот бўш қолдирган жойга янглиш ёпиштирилган бўлиши мумкин.

Мусаввир Хусравнинг Фарҳодни жавоблари ва ўзини мардонавор тутишидан ғазабланганлигини қўли Фарҳод томон узатилган, ўрнидан ярим турган ҳолати орқали кўрсатиб берган.

“Шопур Фарҳодга Шириннинг номасини узатмоқда”

(Куллиёт. 1521-1522 й. (Дорн 559). 15 аср охири – 16 аср боши, Ҳирот (?). Миниатюралар ҳижрий 1521-1522 й., Шоҳрухия (?). 116-в. ор. Алишер Навоий асарлари XV-XVI асрлар китобат санъати дурдоналарида (Россия Миллий кутубхонаси тўпламидан, Санкт-Петербург, Россия). “UZBEKISTAN TODAY”. “ZAMON PRESS INFO”. 2017. Матн муалфи ва тузувчи: Ольга Васильева. 264-бет)

Мунозарада Фарҳодни енга олмаган Хусрав, уни Салосил кўрғонига қамаб қўяди. Фарҳод бу кўрғонда Сукрот таълим берган “исми аъзам”-ни ўқиб занжирларни узади, кўрғон атрофида бемалол айланиб юради, даштга чиқиб, парранда ва даррандалар билан улфат тутинади:

Сулаймонваш чекиб ул ерга поя,
Ки қушлар тортибон бошиға соя.
Қилиб ишқ ўйла шавкат раҳнамуни,
Ки шери шарзани айлаб забуни.
Бўлуб ул гоҳ шер устига роғиб,

9 Мадраимов А.А. Алишер Навоий бадий асарларининг XV-XVI асрлардаги қўлёзмалари. –Т.: Фан ва технологиялар нашриёт уйи. 2021й. Б.172.

Сибоу ваҳш анга хайлу мавокиб.
Замони бабру қоплондин бўлуб шод,
Қилиб дилдор кўйи итларин ёд.

Фарҳоднинг изсиз ғойиб бўлганлигидан Ширин ҳам жуда изтириб чекади:

Юзига бошлади урмоқ таронча,
Бошин доғи уруб ерга юз онча.
Секиз гул барги бирла бетааммул,
Сариғ гул узра оқизди қизил гул.
Бўлуб бармоқлари қондин хино ранг,
Вале лаъли қурурдин қахрабо ранг.

Навоий Шириннинг саккиз бармоғи билан юзини юлиб, қонга ботирганлигини гулга қиёслайди. Шириннинг юзини сариқ гул, юзидан оққан қонни эса қизил гулга қиёслайди.

Шопур Бону, яъни Меҳинбонунинг олдига келиб Фарҳоддан хабар беради:

Ҳамул кундинки шоҳи кишвари ишқ,
Бало авжида рахшон ахтари ишқ.
Десам шах - шах, десам дарвеш - дарвеш,
ғарибу хаста Фарҳоди жигарреш...

Меҳинбону Шопурга Фарҳоддан хабар келтиргани учун беҳад миннатдорчилик билдиради ва Ширинга хабар беради. Ширин Фарҳодга мактуб ёзиб Шопурга беради. Шопурнинг Фарҳодга Ширин номасини бераётган пайтини мусаввир ўзига хос талқинда яратган.

Навоий тасвири:

Етишти ул саҳарким, шоми Фарҳод
Тонг откунча қилиб жониға бедод.
Бориб эрди ўзидин зору маҳжур
Ки, етти қошиға фарзона Шопур.
Қилиб рам теграсидин ваҳш ила тайр,
Бориб қошиға ул райки сабуксайр.
Кўруб андоқки они кўрмасун кўз,
Не жисми ичра жон, не оғзида сўз.
Чекиб афғон олиб қўйниға бошин,
Юзига ул сифат ёғдурди ёшин
Ки, ул янглиғ гулоб урғоч юзига,
Очиб бедил кўзин, келди ўзига.
Чу ул кўрди мун, бу кўрди они,
Иқовлон тортибон муҳлик навони.

Мусаввир талқини:



“Шопур Фарҳодга Шириннинг номасини узатмоқда”

(Куллиёт. 1521-1522 й. (Дорн 559).
15 аср охири – 16 аср боши, Ҳирот
(?). Миниатюралар ҳижрий

Солибон бир-бирининг бўйнига қўл,
 Анга гаҳ бу, мунга гаҳ йиғлади ул.
 Чекиб андоқ бу ошуб имтидоди
 Ки, қон йиғлаб аларга тоғу води.
 Аёгин ўрти Шопури ғамандуд,
 Чиқорди қўйнидин мактуби мақсуд.
 Олиб Фарҳод чунким очти нома,
 Тани заъф айлади андоқки хома.
 Ўқумоқ бошлағоч ул зори маҳзун,
 Бу эрди нома алфозиға мазмун.

1521-1522 й., Шохрухия (?). 116-
 в. ор. *Алишер Навоий асарлари
 XV-XVI асарлар китобат санъати
 дурдоналарида (Россия Миллий
 кутубхонаси тўпламидан, Санкт-
 Петербург, Россия). "UZBEKISTAN
 TODAY". "ZAMON PRESS INFO".
 2017. Матн муаллифи ва тузувчи:
 Ольга Васильева. 264-бет)*

Миниатюрада Фарҳод катта тошнинг устида ўтирган ҳолда Шопурдан мактубни олиш учун қўл узатмоқда. Шопур эса, тизза билан ўтириб, Фарҳодга Шириннинг номасини тутқазяпти. Фарҳоднинг ён-атрофида ёввойи ҳайвонлар тасвирланган. Ширин мактубида Фарҳоднинг ваҳший ҳайвонлар ва қушлар билан дўстлашиб кетганлигини назарда тутиб, уни Сулаймонга ва Сулаймоннинг барча жониворлар устидан ҳукмронлик қилишига ишора қилади. Ширин ўзини малика Билқисга қиёслайди. Мусаввир нома мазмунини ифодалаш мақсадида Фарҳоднинг атрофида турли ҳайвонларни тасвирлайди.

Шоир, Фарҳод ва Шопурнинг бу учрашувини “Солибон бир-бирининг бўйнига қўл, Анга гаҳ бу, мунга гаҳ йиғлади ул” деб таърифлаган бўлса-да, мусаввир Шопурни ерда тиззалаб ўтирган ҳолда, ҳурмат билан номани узатаётган ҳолатини тасвирлайди. Мусаввир, Фарҳоднинг аслида шахзода, лекин ишқ йўлида “дарвеш”, “мажнун”га айланганлигига урғу бермоқчи бўлади.

“Ёсуман Шириннинг “ўлими” ҳақида Фарҳодга хабар бериши”.

Шопур икки, уч кун орасида Фарҳодни кўришга йўл топиб, Шириндан нома олиб, “сабодек” елиб бораркан, Хусравнинг одамлари уни тутиб олиб, тинтув қиладилар. Шопурнинг ёнидан Шириннинг номаси чиқади:

Қазодин ул ики-уч кунда Шопур
 Топиб Фарҳод робўсиға дастур.
 Паривашдин яна бир нома олиб,
 Борур эрди сабодек рўя солиб.
 Чу тортилар ул эл, қилғонни матлуб,
 Тафаҳҳус қилғоч они, чикти мактуб.
 Битик бирла ўзин Хусравға филҳол,
 Таваққуълар била қилдилар ирсол.

Хусрав номани ўқий бошлайди. Номада Хусрав бир неча бор тилга олиниб, “гоҳи золим”, “гоҳи хунрез” аталиб, Арман юртини босиб олга-

ни, Шириннинг тақдирида Ҳусравнинг асираси бўлиш ёзилган бўлса, у ўзига ўлимни раво кўриши ҳақида ёзилган эди:

Бўлуб кўп зикр мактуб ичра Парвез,
Ани деб гоҳи золим, гоҳи хунрез.
Битиб Арманни вайрон қилғонини,
Улусқа ғорати жон қилғонини.
Қилиб ишқида юз минг таъна оғоз
Ки, улким, ишқ сирридин демак роз
Ки, чеккай тиғу урғай ишқ лофин,
Мусаллам ким тутар мундоқ газофин!...
Қазо қилса мени онинг асири,
Ўлумдин чун кишининг йўқ гузири.
Танимни айлабон ханжар била чок,
Ани қилмай висолимдин тарабнок.

Номани ўқиб, Хусрав қаттиқ ғамга ботади. Яна Бузург Уммидни чақиради:

“Мажнунни билурмен бегунаҳдур,
Гунаҳсиз қонға майл этмак табаҳдур.
Каманди риштаи фикрим уз охир,
Манга бу ишда бир йўл кўргуз охир”.

Мажнун, яъни Фарҳодни бегуноҳ эканлигини ҳам, гуноҳсиз одамни қонини тўкмоқ ҳам гуноҳлигини биламан, лекин бир чорасини топмасанг бўлмайди, дейди. Икковлон бунинг чораси “Макру реву тазвир” деган қарорга келишади.

Фарҳоднинг ёнига “умрида чин сўз” гапирмаган, “фалак золи” ҳийлагар кампирни юборишади. Ёсуман кампир Фарҳоднинг ёнига куйидаги ёлғонни етказади:

Солиб райванд ишин Ҳусрав ароға,
Бу ҳам берди ризо ул можароға.
Ики ёндин ёйиб вуслат бисотин,
Ғанимат билди эл айшу нишотин...
Ҳамул гулруҳки, дерлар они Ширин,
Бу маънидин экандур асру ғамгин.
Чу бўлди ақд амри ошкоро,
Чекиб гардунға афғон бемадоро.
Ўзига қатл тиғин урди филҳол,
Ўзин бу ғуссадин ўлтурди филҳол...
Анга ошиқ эмиш бир зори ношод,
Ғарибе, дардманде оти Фарҳод.
Фироқи ичра юб илкини жондин,

Анинг ишқи била борди жаҳондин...
 Чекиб Фарҳод учун охи ҳалокин,
 Анинг ёдида берди жони покин.
 Борур дам оғзида Фарҳод зикри,
 Ичинда доғи ул ношод зикри.
 Бори Парвез ранжин зойиъ этти,
 Вале Фарҳод ёди бирла кетти.

Бу воқеа асосида ишланган иккита миниатюра бизга маълум:

1. “Ёсуман Шириннинг “ўлими” ҳақида Фарҳодга хабар бермоқда”.

890/1485йилда Ҳиротда кўчирилган кўлёзма. “Фарҳод ва Ширин”. Бодлеан кутубхонаси. Elliot 408. в.66а. 11,5x16,3 см.



“Ёсуман Шириннинг “ўлими” ҳақида Фарҳодга хабар бермоқда”.

“Фарҳод ва Ширин”. Ҳирот.
 890/1485. Бодлеан кутубхонаси. Elliot
 408. в.66а. 11,5x16,3 см.

*Алишер Навоий дostonларига
 ишланган расмлар. Тузувчи Ҳамид
 Сулаймон. “Фан” нашриёти.
 Тошкент, 1970. 6-расм.*

Мудҳиш хабарни эшитган Фарҳод йиқилиб, кўллари икки ёнга ҳолсиз тушаётгани, бир тиззаси ерга тегиб турган ҳолатини тасвирлаган. Фарҳоднинг рўпарасида унга мудҳиш ёлғонни етказган, эскирган оқ рўмол ўраган маккора кампир ўтирибди. Юзи қора рангда тасвирлаган кампирнинг орқасидаги қояларда иккита йиртқич йўлбарс, айиқ каби ёввойи, йиртқич хайвонлар, йиқилаётган йигитнинг орқасида эса, мулойимлик, муҳаббат ва гўзаллик рамзи бўлган бир жуфт оху. Бепоён қир-адирларда қуриган дарахтлар ва барги тўкилиб кетган саксовуллар умидсизлик ҳамда тушкунликнинг умумий ҳолатини ёрқинроқ акс эттиришга ҳисса қўшган”¹⁰.

Бу миниатюрани А.Эркинов шундай таҳлил қилади: “Унда Фарҳод ва ёлғон хабар олиб келган кампир табиат – тоғу тош фониде тасвирланган. Тасвирда Фарҳод, теша, золи маккора, оху, тоғ эчкиси, шайх, шер, табиат, баргсиз дарахтлар каби образлар мавжуд. Тасвирни қисқача қуйидагича изоҳлаш мумкин: Фарҳод – комил инсон, илоҳий руҳ сирини англашга қодир. Бунинг учун унда қувваи хофиза ҳам, илоҳ сиридан хабар берув-

¹⁰ Исмоилова Э.М. Пейзаж в миниатюрной живописи Мавераннахра и Среднего Востока XV-XVII вв. Семантика и Символика. -Т.2006. С.85.

чи ишққа лиммо-лим кўнгил ҳам бор. Лекин комил инсон фаний дунёда туриб, Аллоҳ васлига восил бўлмоғи учун ўз нафси амморасини енгмоғи керак. Бунда унга фақат тариқат восита бўлиши, фақат у комил солик вужудини енгиб, илоҳий руҳ оламига олиб чиқиши мумкин. Нафси аммора (Ёсуман) илоҳий руҳ мазҳари (Ширин)нинг сўнганлигидан хабар бермоқда. Солик кўнглида уйғонган шубҳа унга вужуд томонидан қилинаётган тажовузга ишора. Шу боис тасвирда комил солик қалбидаги турфа туйғулар тимсоли алоҳида-алоҳида ўринда берилган. Фарҳод эгнидаги кўк ранг кийим комил инсон тимсоли, жигарранг риёзат босқичини ўтаганлигига ишора, дастор – мутафаккир (тафаккур қилувчи шахс), қизил қалпоқ – баҳри раҳмат (инсон тафаккурининг эзгулик манбаи эканлиги) ни англатади. Кўзининг кичиклиги ёки қисиклиги эса бу дунё ишларига боқмаслик, қўлнинг очиқлиги бу дунё моли – моддиятга бепарволигига ишорадир. Белидаги камар ўз мақсадига етишиш йўлида собитлиги ва ҳиммати баландлигини англатади”¹¹.

Мазкур миниатюра баъзи тадқиқотларда Камолиддин Беҳзод қаламига мансублиги¹² айтилади, шунингдек, бадийий ҳамда рамзий маъноларга бойлиги жиҳатидан юқори савияда ишланганлиги билан ажралиб туради. Бу миниатюра ишланган кўлэзма Навоий ҳаётлик даврида, демакки, унинг назорати остида кўчирилиб, миниатюралар билан безатилган ва шахзода Бадиуззамон учун махсус тайёрланганлиги сабабли ҳам замонанинг энг машҳур усталари, жумладан Беҳзод ҳам миниатюралар ишланганлиги табиий.


2. “Фарҳодни Золи маккора авраяпти”.

“Хамса-йи Навоий”. ТSMKH. 802. Колофон, фол. 309v: (усмоний туркчада), 937 йил (1530–31 й.). Фол. 111r (11.8×11.7 см). *Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги иллюстрацияли кўлэзмалари. “Uzbekistan today”, “Zamon press info”. 2019. Матн муаллифи ва тuzувчи: Лале Улuch. 145-б.*

Усмонли турк рассоми Фарҳод айланиб юрган қоя, тоғларни жуда чиройли тасвирлайди. Фарҳоднинг бошида гулчамбар, оёқ яланг, бир оёғи тошда, бир оёғи қояда туриб маккора кампирнинг сўзларини эшитмоқда. Бу миниатюрада ҳам кампир, бошида оқ рўмолда тасвирланади, қизил куйлакда, қоя орасида туриб Фарҳодга Хусрав ва Бузург Уммид ўргатган ёлғонларни етказмоқда. Фарҳод ҳам кўк кийимда. Чунки у ҳижрон азобидан ғам-қайғу чекмоқда. Табиат гўзал қилиб тасвирланган, пастки қисмида иккита оху. Фарҳоднинг ҳаётдан умиди катта, бу унинг ҳали макр-ҳийладан беҳабар, мудҳиш ёлғонни эшитмаганидан дарак беради.

11 Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV – XX аср боши). Алишер Навоий ижодига оид тадқиқотлар. Истиклол даври ўзбек навоийшунослиги. 30 жилдлик. 19-жилд. –Т.: TAMADDUN. 2021. Б.135.

12 Мадраимов А.А. Алишер Навоий бадийий асарларининг XV-XVI асрлардаги кўлэзмалари. –Т.: Фан ва технологиялар нашриёт уйи. 2021й. Б.173.



**“Фарҳодни Золи макқора
авраяпти”.**

“Хамса-йи Навоий”. TSMKH. 802.

Колофон, фол. 309v: (усмоний туркчада), 937 йил (1530–31 й.).
Фол. 111r (11.8×11.7 см). Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги иллюстрацияли қўлёзмалари. “Uzbekistan today”, “Zamon press info”. 2019.
Матн муаллифи ва тузувчи: Лале Улuch. 145-б.

Навоий макқора кампирни йиртқич ҳайвонлар тилка-пора қилиб ташлаганини ёзади, мусаввир қояда йиртқич ҳайвонларни тасвирлаб, шоирнинг шу фикрини ифодаламоқчи бўлган. “Аслида фалак золи деб таърифланган бу ҳийлагар кампир афсона ва эртақларда баён этилган ёвузлик тимсолидан фарқ қилади. Достонда кампирнинг дунё тимсоли сифатида талқин этилишида катта маъно бор. Нафсоний покликка эришган Фарҳодга дунё кампир кийёфасида кўринади. Хусрав эса шу кампир – дунёнинг макр-хийласи воситасида Фарҳодни мағлуб этади. Кампир минг бора синовдан ўтказган ҳийласини амалда қўллаб, Фарҳодни бу оламдан кетишга мажбур қилади¹³.

“Фарҳод Хисравга қарши чиқаяпти” (TSMKH. 802.) ҳамда “Хусрав ва Фарҳод баҳси” (№2630) мавзуларига ишланган миниатюралар талқин этилган лавҳа билан ёнма-ён берилмаганлиги кузатилади. Яъни, “Фарҳод Хисравга қарши чиқаяпти” миниатюрасининг юқори ва пастки қисмида, Фарҳодни енга олмаган Хусрав Бузург Умид билан маслаҳатлашиб ҳийла ишлатишга келишиб олишгани, улар томонидан ёлланган ҳийлагар бехуш қиладиган дори сепилган гулни ҳидлатгани, натижада йиқилган Фарҳодни банд этиб, Хусрав ҳузурига олиб келганлари ҳақидаги байт кўчирилган бўлса-да, лекин миниатюрада Фарҳоднинг Хусрав кўшинига қарши қурашаётгани ифодаланган. Бу ҳолатни хаттот ва мусаввирнинг ҳамкорликда ишламагани ёки мусаввир воқеага ўз муносабатини билдиришни маъқул кўрганини тахмин қилиш мумкин.

“Хусрав ва Фарҳод баҳси” (№2630) миниатюраси эса, “Ҳайрат ул-аброр” дostonи матни орасидаги саҳифага ёпиштириб қўйилган. Буни ҳам, юқоридаги сабабларга қўшимча равишда айтиш мумкинки, ўрта асрларда аксарият ҳолларда матн кўчирилган қоғоз билан миниатюра ишланган қоғозлар фарқли бўлганлиги билан изоҳлаш, яъни, алоҳида қоғозга ишланган миниатюра, хаттот ёки жадвалкаш бўш қолдирган жойга янглиш ёпиштирилган бўлиши мумкин.

¹³ Қуронов С. Шерият ва рангасвирда инсон тасвири. Илмий хабарнома. Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети. 2016. №4.

“Шопур Фарҳодга Шириннинг номасини узатмоқда” мавзусидаги миниатюрада, мусаввир кичик лавҳадан кўра, кенгроқ маънони ифодалашга эътибор қаратган. Яъни, Ширин номасида битилган таърифларни ҳам тасвирлашга ҳаракат қилади.

Золи маккоранинг Ширинни “ўлими” ҳақида ёлғон хабарни Фарҳодга етказиш лавҳасига ишланган миниатюралар (Elliot 408., TSMKN. 802.) ҳам воқеани айнан эмас, кенгроқ маънони англатади. Айниқса, “Ёсуман Шириннинг “ўлими” ҳақида Фарҳодга хабар бермоқда” (Elliot 408.) мавзусидаги миниатюра “бобда берилган лавҳанинг ўзидан кўра бошқачароқ, мазмундан кўра кенгроқ фикр ва маънони англатяпти. Яъни, у асарнинг айни шу ўрнига фақат иллюстрация бўлмай, муайян талқин вазифасини ҳам бажаряпти. Миниатюрочи рассом Фарҳод образини ушбу лавҳа воситасида талқин этмоқда”¹⁴. Бу миниатюраларда мусаввир, айнан воқеани эмас, ғояни ифодалашга ҳаракат қилган.

Фарҳод – “ошиқ” мавзусида яратилган миниатюраларнинг орасида шахзода Бадиуззамон учун 890/1485йилда Ҳиротда кўчирилган қўлёзмага (“Фарҳод ва Ширин”. Бодлеан кутубхонаси. Elliot 408. в.66а. 11,5х16,3 см) ишланган “Ёсуман Шириннинг “ўлими” ҳақида Фарҳодга хабар бермоқда” мавзусидаги миниатюра рамзий маъноларга бой, бадиий ва мазмунан юксак даражада яратилгани ажралиб туради. Бу миниатюра Камолитдин Бехзодга нисбат берилади, бундан ташқари Алишер Навоий ҳаётлигида, демакки унинг назоратида яратилган.

“Фарҳод ва Ширин” дostonига ишланган миниатюраларнинг аксариятини, дostonнинг ботиний мазмуни, ишқ маротиблари ҳақида тасаввурга эга бўлмасдан туриб, таҳлил қилиш асарни юзаки тушунишга олиб келади. Аслида, “Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб нафақат, “Фарҳод ва Ширин” дostonининг асл моҳиятини, балки “ўрта аср мусулмон Шарқининг маданий ҳаёти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас”[4.53]. Шунингдек, “Фарҳод ва Ширин”га ишланган миниатюраларнинг ҳам маълум бир қисмини, айниқса Фарҳод образи “ошиқ” қиёфасида тасвирланган миниатюраларни ҳам тушуниш ва таҳлил қилишнинг ҳам имкони йўқ. “Алқисса, Алишер Навоий тасаввуф таълимотини ҳаётга татбиқ этиш, уни яхши, намунали ахлоқ низомиясига айлантириб, инсон тарбиясида қўллаш тарафдори ва ташаббускори бўлиб майдонга чиққан”¹⁵. Мусаввирларнинг ҳам аксарияти бундан баҳраманд эди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Фарҳод – “ошиқ” қиёфасидаги миниатюралар асосан XV-XVI асрларда кўчирилган қўлёзмаларда учрайди. Сабаби, бу даврда бадиий-эстетик дид юқори бўлиб, рассомлар ҳам зиёлилар сифатида шу талабга жавоб беришга ҳаракат қилар эдилар, чунки миниатюралар давр бадиий-эстетик дидининг энг юксак ифодасига айланган эди.

14 Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV – XX аср боши). Алишер Навоий ижодига оид тадқиқотлар. Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги. 30 жилдлик. 19-жилд. –Т.: TAMADDUN. 2021. Б.135.

15 Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Мовароуннаҳр -Ўзбекистон, 2009. Б.9.181.

Миниатюраларнинг аксариятида шоир тасвири ва мусаввир талқинининг бадий-эстетик уйғунликка эришганлиги кўринади. Буни аввало, ҳазрат Навоийнинг мусаввирларга хос туйғулари, кечинмалари ва гўзал ифодавий тасвирини мусаввир қалбан ҳис қилганлиги, яъни “шоир ва мусаввир қалбининг муштарақликда яшаши” (Курунов) билан изоҳлаш мумкин.

Миниатюраларда рассом, ҳазрат Навоий билан ҳамфикр бўлиб, тасвирий воситалар, рамзий белгилар орқали Фарҳоднинг комиллик сари интилиши, унинг ҳақиқий сўфий, комил инсон бўлиб шаклланганлигини, меҳнат, ҳунар, ишқ ва ҳ.к. орқали очиб беради.

Резюме

Мақолада Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ғояларининг тасвир воситасида, миниатюра санъатида бадий талқин этилиши, “Фарҳод” образи дoston каби миниатюраларда ҳам “шахзода”, “солик”, “ҳунарманд” ва “ошиқ” қиёфаларида ифодаланганлиги, XV-XVI аср Ҳирот, Шохрухия (Тошкент), Бухоро, усмонли Туркияда кўчирилган кўлёмаларда Фарҳод – “ошиқ” қиёфасида талқин этилган миниатюралар ва уларнинг бадий эстетик хусусиятлари мусаввирнинг матнга муносабати нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *ишқ, мажозий ишқ, Фарҳод – “ошиқ”, дoston матнига рассом муносабати, миниатюра, миниатюрада рамзийлик.*

В статье исследуется художественная интерпретация идей поэме Алишера Навои «Фархад и Ширин» в искусстве миниатюры, Фархад проявившийся в образе принца, солика (влюбленный, вступивший на путь тариқата), ремесленника и влюбленного в поэме, а также в миниатюрах. В этом исследовании миниатюры, где Фархад интерпретируется в образе молодого принца в рукописях, скопированных в XV, XVI веках в Герате, Моварауннахре, Казвине, Османской Турции, были проанализированы с точки зрения отношения художнику к тексту.

Ключевые слова: *любовь, образная любовь, истинная любовь, тариқат, орден Накибандия, Фархад – “влюбленный” (влюбленный Аллаха), миниатюра, поэма, отношение художника к тексту поэмы, символизм в миниатюре.*

The article explores the artistic interpretation of the ideas of Alisher Navoi’s epic “Farhad and Shirin” in the art of miniature, Farhad manifested in the image of a prince, a solik (a lover who entered the path of Tariqa), a craftsman and a lover in the epic, as well as in miniatures. In this study, the miniatures, where Farhad is interpreted in the image of a young prince in manuscripts copied in the XV, XVI centuries in Herat, Movaraunnahr, Kazvin, Ottoman Turkey, were analyzed from the point of view of the artist’s attitude to the text, as well as from the point of view of tradition and originality.

Keywords: *love, figurative love, true love, order, Farhod – «The lover» (in love with Allah), miniature, artist’s attitude to the epic text, symbolism in miniature art.*

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин . – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989.
2. Қаюмов А. Фарҳод ва Ширин сирлари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент. 1977.
3. Алишер Навоий. “Маҳбуб ул-қулуб”. Ҳозирги ўзбек тилига таъдил. Сўз боши Ш.Сироҷиддинов. Изоҳ ва нашрга тайёрловчилар: А.Тилавов, И.Сайфуллаев. – Тошкент: Sano-standart. 2018.
4. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Москва: Наука, 1965.
5. Timurid art and culture. Iran and Central Asia in the fifteenth century. Edited by Lisa Golombek and Maria Subtelny. E.J.Brill. Leiden. New York. Koln, 1992. - 208 p.
6. Г.Пугаченкова, О.Галеркина. Миниатюры Средней Азии. Москва. “Изобразительное искусство”.1979.
7. Сулаймонов Ҳ. “Алишер Навоий дostonларига ишланган расмлар”. – Тошкент: “Фан” нашриёти. 1970.
8. Сулаймонов Ҳ., Сулаймонова Ф. Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар. XV-XIX асрлар. Тошкент: 1982.
9. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр -Ўзбекистон, 2009.
10. Раҳимова З. Шайхлар ва дарвешларнинг либослари. // San’at. 2008 й. 2-сон.
11. Китобат санъати дурдоналари. Тузувчи ва муқаддима муаллифи З. Раҳимова. Тошкент: Vaktria press, 2018.
12. Сироҷиддинов Ш. Алишер Навоий ақидалари.Истиклол даври ўзбек навоийшунослиги. 30 жилдлик. 18-жилд. – Тошкент: TAMADDUN. 2021.
13. Мадраимов А.А. Алишер Навоий бадиий асарларининг XV-XVI асрлардаги қўлёзмалари. –Т.: Фан ва технологиялар нашриёт уйи. 2021й.
14. Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Тошкент: “Адабиёт”. 2021.
15. Эркинов С. Навоий „Фарҳод ва Ширин” и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: 1971.
16. Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV – XX аср боши). Алишер Навоий ижодига оид тадқиқотлар. Истиклол даври ўзбек навоийшунослиги. 30 жилдлик. 19-жилд. – Тошкент: TAMADDUN. 2021.
17. Очилов Э. Бир ҳовуч дур. Истиклол даври ўзбек навоийшунослиги. 30 жилдлик. 23-жилд. – Тошкент: TAMADDUN. 2021.
18. Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтика-

си. Монография. — Тошкент: Турон-Иқбол нашриёти. 2017.

19. Лале Улуч. Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги иллюстрацияли қўлёзмалари. “Uzbekistan today”, “Zamon press info”. 2019.

20. Исмоилова Э.М. Пейзаж в миниатюрной живописи Мавераннахра и Среднего Востока XV-XVII вв. Семантика и Символика. — Тошкент, 2006.

21. Қорабоев У. “Нажмиддин Кубро мероси ва унинг “Латоиф” назарияси”. “San’at”. 2001 й. 4-сон.

22. Қуронов С. Шеърят ва рангасвирда инсон тасвири. Илмий хабарнома. Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети. 2016. №4.

23. Эралиева Б. Тўрт тимсол шарҳи. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2013 йил 5-сон.

24. Эралиев Б. Мажозий ишқ булоғи. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2014 йил 17-сон.

ЗИЛОЛАХОН АСҚАРОВА

ЎРТА АСР ШАРҚ МИНИАТЮРАСИДА ИШҚ ВА
ТАСАВВУФ: ЛИРИК-РОМАНТИКЛИКНИНГ
ВИЗУАЛ ИФОДАСИ

Тасаввуф ўзи буюк бир романтик оламдир. Оламини Мутлақ Парвардигорнинг ижоди деб қараш, дунёни Илоҳнинг кўзгуси деб тушунтириш ва барча гўзалликлар, қудратни Илоҳдан деб ҳисоблаш, Борлиқни романтик рангларда, шоирона хаёлий сурат – тимсоллар тарзида, илоҳий нурнинг порлашидан доимий ҳаракатда ва ижодда деб тасаввур этишнинг ўзи бир буюк Поэзия. Жами гўзалликлар, яхшиликлар, ээгуликлар манбаи – Мутлақ Илоҳ. Қудрат ва куч, ҳаракат ва фаолият ҳам Ундан. Дунёдаги жами ҳусну жамол – Унинг жамолининг акси. Инсон гўзаллиги Унинг жамолининг жилваси, бу Жамол оламда қанча кўп жило этган бўлса, у шунча гўзал бўла олади. Инсон руҳининг гўзалликка, нафосатга ташналиги Илоҳ гўзаллигига ташналик оқибатидир. Яна бунинг ичида моддий гўзаллик ва маънавий гўзаллик, ғоя ва фикр гўзаллиги ҳам ажралиб, эътиборга олинади. Хуллас, гўзалликдан мақсад тафаккур гўзаллиги, маънавий гўзалликни англамоқ, олий жавҳар – Руҳий азалига монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилмоқдир...¹

Оташин ишқ ғояси Шарқ мумтоз адабиётида муҳим ўрин тутди. Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”, Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” асарларига жуда кўп назира боғланган. Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги “Шайх санъон” афсонасида ҳам ишқ-муҳаббат улуғланган. Суфийлар шериятини тасвир орқали ифодаловчи Шарқ миниатюрасида қахрамонларнинг ишқий ҳиссиётлари, уларнинг сўфиёна талқини образли бадий-тасвирий воситалар, ранг, чизиклар, истиора, белги ва рамзлар ёрдамида, фақат сўфийларнинг зоҳир ва ботин таълимотидан хабардор кишилар тушуна оладиган тарзда тасвирлаб берилади. Миниатюраларда адабий асарнинг асосий сюжети акс эттирувчи яна бир қатор қатъий диний тематик композициялар ҳам ишланган².

1 Н.Комилов. “Тасаввуф”. Тошкент – 2009 й.

2 З.Ибрагимова. “Шарқ миниатюрасида ишқ-муҳаббат мавзуси”. Санъат – 2009 й. №3. 4-бет.



“Хусрав чўмилаётган Ширинни кўриши”

XV аср. Ўрта Осиё миниатюра мактаби.

Низомий Ганжавийнинг “Хамса” асарига ишланган миниатюра.

Хаттот: Али ибн Искандарий ал-Кухистоний.

Мусаввир: Султон Али ал-Бовардий.

Ушбу асар Туркиянинг Тўнқони Саройи музейи кутубхонасида сақланувчи қўлёзмадан олинган миниатюранинг факсимил нусхаси ҳисобланади.

Булардан бири Низомий Ганжавийнинг “Хамса” асарига ишланган миниатюра бўлиб, “Хамса” сюжетига кўра, Ширин Хусравнинг чизилган сиймосини кўриб, севиб қолади ва у билан кўришиш мақсадида йўлга чикади. Ўн тўрт кечаю кундуз йўл босгач, чашмани кўриб қолади ва дам олиш учун ёнида тўхтаб, чўмилмоқчи бўлади. Шу пайт Хусрав пайдо бўлади ва беҳосдан Ширинни чўмилаётган ҳолда кўриб қолади.

Кўрарким, сувқа кирмиш бир юзи кун,

Ияри, боғи, чуғи барча олтун.

Тўқ рангли сув фониди ёйилган узун қора сочларини тараб чўмилаётган Ширин ва атрофдаги яшил фонда сарв дарахт ортида Шириннинг оти Шабдиз тасвирланган. Чашманинг ёнида Шириннинг қизил-кўк либос, шоҳона тож ва оёқ кийимлари қўйилган. Яшил адир фониди ажралиб турувчи қизил ва феруза рангли кийимда жигарранг от устида ўтирган Хусрав ўнг қўлини лабига теккизганча Ширинга ҳайратда боқмоқда. Олтин осмон фониди яшил сарв дарахтларининг қуюқ шох-шаббалари ва пуштиранг гуллаган дарахт кўринади. Тасвирнинг пастки қисм ўнг томонида кўкиш кулрангдаги қоялар тасвири бор. Воқеалар оч яшил буталар билан қопланган қуюқ яшил тепалиқда, шунингдек, илиқ кунни англатувчи олтин осмон фониди содир бўлади. Миниатюранинг тепа ва пастки қисмида матн мавжуд.



“Юсуф пайгамбарнинг сарой аёлларига кўриниши”. XV аср.

Бухоро мактаби.


Тўғқони Саройи музейи кутубхонаси.

Зулайхонинг Юсуфга муҳаббати Жомий достонига мос равишда сўфиёна севги, яъни маъшук билан ёлғиз қолиш маъносида тасвирланган. Юсуфнинг либоси яшил рангда. Суфийлар эътиқодига кўра, яшил Пайгамбар ёқтирган рангдир. У кишига осойишталик, ором бахш этади, бу фано рангидир, яни Оллоҳ жамоли олдида бу дунё ишлари сариқ чақага арзимаиди, дейиш даражасига эришганликни англатади. Бу ранг ҳаёт қуввати ва эҳтиросни билдиради. Яшил ранг, шунингдек, оний Гўзалликни ва Гўзал киёфага эга Юсуфнинг жисмоний ва руҳий гўзаллигини англатади³. Кўлёманинг чап саҳифасида жойлашган миниатюра марказида олти нафар зодагон аёл тасвирланган. Улар юзларини ўнг тарафга буриб, кириб келаётган Юсуф (а.с.)га ҳайратомуз ва маҳлиё бўлган ҳолда боқаётганлари кўрсатилган. Аёллар Юсуф (а.с.)нинг жамолидан маст бўлиб, қўлларидаги пичоқлар билан мева ўрнига ўз бармоқларини кесиб ташламоқдалар. Уларнинг олдида зарҳал ликобча (табақа) турибди. Чап тарафда оқ салла, яшил либос кийган ва қўлида идиш тутган Юсуф (а.с.) кўрсатилган. Миниатюранинг ўнг тарафида эса шолча устидаги қизғиш кўрпачада яшил ва бинафша рангли кийим кийган, қўллари ёпиқ ҳолатда ўтирган Зулайҳо тасвирланган.

Зулайхонинг ҳолатидаги қизил ранг ҳаёт, соғлиқ ва қон билан боғлиқ. А.Шиммель такидлашича, айни пайтда у «илоҳий шуҳрат ранги», аёл ўз мақсадига эришуви рамзидир. Рамзий рақамлар, либослар ранги, қаҳрамонлар ҳаракатлари, Юсуфнинг нур чамбари кабилар сюжетдан ташқи образлилик пардасини олиб ташлаб, томошабин онгига таъсир қилиб,

³ З.Ибраимова. “Шарқ миниатюрасида ишк-муҳаббат мавзуси”. Санъат – 2009 й. №3. 4-бет.

уни миниатюрани сўфиёна нуқтаи назардан идрок этишга тайёрлайди. Ёш Бехзоднинг мавзуни бунчалик чуқур фалсафий англаганлиги кишини хайратга солади. Агар унинг ўзи ҳам сўфий бўлмаганида, рамзларнинг яширин маъносини бу қадар чуқур очиб бера олмаган бўларди⁴. Композициядаги асосий воқеалар куннинг кундуз қисмида боғ билан олдинги планни ажратиб турувчи қизил панжара орқали кўрсатилган. Фон зарҳал рангда бўлиб, атрофда ўсимликлар ва оқ гуллаган дарахт берилган. Асарнинг қолган қисмларида матн мавжуд.



“Мажнун чўлда”. Низомий Ганжавийнинг “Хамса” қўлёзма асарига ишланган миниатюра. Хаттот: Али ибн Искандарий ал-Кухистоний. Мусаввир: Султон Али ал-Бовардий.

Низомий Ганжавийнинг “Хамса” қўлёзма асаридаги “Лайли ва Мажнун” достони асосида яратилган миниатюра. Туғилгандан ишқ олови билан йўғрилган Қайс (Мажнун) ўтга талпинади. У уйдан чиқиб кетади. Бедард қабиладошларини ҳам, яқинларини ҳам, умуман жамиятни унутиш даражасига боради, зеро бу ҳолат ҳақиқий ошиқ учун хос хусусиятдир:

*Ўз отию қавму хайли оти,
Йўқ ёдида, гайри Лайли оти.*

Тасаввуфда бу ҳолат “тафрид” (ёлғизланиш) деб аталади. Ошиқ шундай бир ҳол мартабасини эгаллайдики, яқинларидан, умуман инсонлардан безор бўлади; яккаликни, ёлғизликни қўмсайди. Ёлғизланиш дилнинг Ҳаққа юзланиши учун имкон яратади. Покланиш, яъни “кимё”ла-

4 З.Ибрагимова. “Шарқ миниатюрасида ишқ-муҳаббат мавзуси”. Санъат – 2009 й. №3. 4-бет.

ниш ишқи мажозий бўлиб, ундан “олтин”га айланиб чиққан ошиқ энди ўзлигидан қутулади ва қаёққа қараса, ҳақиқий Ёр (Ҳақ)ни кўради.

Композиция марказида устига кўк рангли матодан фақирона Мажнунга хос мато ташланган, бироз тўзғиган ёйилган қора сочли Мажнун (Қайс) ўнг қўли билан охунинг юзидан тутиб турибди. Ҳақ ишқи эгаллаб олган Мажнун – ошиқликнинг умумлашма образи бўлиб, унда ошиққа хос жамии хусусият – хоксорлик, камтаринлик, беозорлик, маломатларга чидаш хислатлари мавжуд. Миниатюрада Мажнун образи ҳазину ночор, илохий ишқ ўти қаршисида хасдан ҳам паст қилиб тасвирланган. Саҳрода ёрининг хаёли билан маст, ҳайвонлар эса унинг дўсти ҳамроҳидир гўё. Атрофида кийик, жайрон, куён ва бир тўда йиртқич ҳайвонлардан қоплон, тулки, бўрилар ҳам унинг дардига шерикдек ғамгин ҳолатда тасвирланган. Бирок бу тасвирларнинг ҳаммасида муайян рамз бор. Бу кун ҳажр куни, бу водий эса ишқ водийси, ваҳший ҳайвонлар ошиққа хуруж этган бало-офатлар нишонидир. Ўз асли, Илоҳдан ажралган мусофир, ғариб руҳ Мажнун шу водийда якка ўзи ўтирибди. Осмон тилларангда ўртада оқ булутнинг сузиб юргани ва икки четида яшил рангдаги дарахт кўринади. Оч бинафша рангдаги ер фонида турли хилдаги гуллар ва ўсимликлар тасвирланган. Асарнинг тепа ва пастки қисмларида ёзув мавжуд.

Тасаввуф таълимотида муҳаббат тушунчаси алоҳида ўрин тутди ва унинг асосий рукнларидан бири ҳисобланади. Ориф дарвешларнинг инсоний муҳаббатлари (масалан, гўзал аёлларни севишлари) ҳирсий интилишлар билан чекланмаган, балки Навоий таъбири билан айтганда, “пок кўзни пок кўнгил билан пок юзга солиш” орқали илоҳиёт файзи акс этган мазҳарни идрок этишга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, муғанния, тарсо қизи, Лайли ва Ширин каби образлар илоҳий ҳусну жамолнинг зухур этган намоёнлари сифатида кўрилган. Аслида, тасаввуфни “илоҳий муҳаббат ҳақидаги илм” сифатида таърифлаш мумкин. Чунки тасаввуф илоҳий маърифатни эгаллаш, Аллоҳнинг сифат ва исмлари орқали Унинг зотини билиш ва танишни ички туйғу, ботиний басират (илмий-назарий тафаккурдан фарқли ўларок) ва айниқса, муҳаббат воситасида амалга ошириш мумкинлигини таълим беради. Шу тариқа, муҳаббат тасаввуфда илоҳий ҳақиқатга эришишнинг асосий йўли сифатида қаралган.

Резюме

Ушбу мақолада Ўрта аср Шарқ миниатюрасида ишқ ва тасаввуфнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги, хусусан, лирик-романтикликнинг визуал ифодаси таҳлил қилинади. Тасаввуф таълимотининг инсон қалби ва руҳиятини ўрганишга қаратилган моҳияти, суфийлар шеърлятидаги ишқ тушунчасининг тасвирий санъатда, жумладан, Шарқ миниатюрасида қандай ифодаланганлиги ёритилади. Мақолада, қаҳрамонларнинг ишқий кечинмалари, уларнинг сўфиёна талқинлари, образли бадиий-тасвирий воситалар, ранг, чизиклар, истиоралар, белгилар ва рамзлар ёрдамида,

фақатгина тасаввуфнинг зоҳир ва ботин таълимотларидан хабардор кишилар англай оладиган тарзда қандай визуал тилда акс эттирилганлиги кўрсатиб берилади.

Калит сўзлар: *тасаввуф, миниатюра, сўфий, тимсол, рамз, шиқ, тимсол, ранг, истиора, мажоз, композиция.*

This article analyzes the intrinsic connection between love and Sufism in medieval Eastern miniature painting, particularly focusing on the visual expression of lyrical romanticism. It illuminates the essence of Sufi teachings, which aim to explore the human heart and psyche, and examines how the concept of love in Sufi poetry is depicted in visual arts, specifically in Eastern miniatures. The article demonstrates how the romantic experiences of characters, their Sufi interpretations, and figurative artistic-visual means are reflected through color, lines, metaphors, signs, and symbols. These elements are portrayed in a visual language that can only be fully comprehended by those familiar with both the exoteric and esoteric teachings of Sufism.

Keywords: *Sufism, miniature, Sufi, symbol, emblem, love, image, color, metaphor, allegory, composition.*

В данной статье анализируется неразрывная связь любви и суфизма в средневековой восточной миниатюре, в частности, визуальное выражение лирико-романтического начала. Раскрывается сущность суфийского учения, направленного на изучение человеческой души и психики, а также то, как понятие любви в суфийской поэзии находит отражение в изобразительном искусстве, в том числе в восточной миниатюре. В статье показано, каким визуальным языком переданы любовные переживания героев, их суфийские трактовки, образные художественно-изобразительные средства, цвет, линии, метафоры, знаки и символы, доступные для понимания только тем, кто осведомлен о внешних и внутренних аспектах учения суфизма.

Ключевые слова: *тасаввуф, миниатюра, суфий, образ, символ, любовь, олицетворение, цвет, метафора, аллегория, композиция.*

РИСОЛАТ МУРОДОВА

ЖАҲОНДА БОТАНИКА МУЗЕЙЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Маълум бир соҳа ёки илмга оид бўлган билимларни мустаҳкамлаш, тадқиқотчилар томонидан яратилган ихтиро ва кашфиётларни сақлаш, асраш, кенг жамоатчиликка тарғиб қилишда фан музейларининг ўрни каттадир. Фан музейлари илмий аҳамиятга эга бўлган жараёнларнинг маълум амалий қисмини намойиш этишда, сақлашда ва оммага тақдим этишда ишончли маданий маскандир. Бу каби музейлар фаннинг барча нуқталарини камраб олиши, табиатдаги барча нарсаларни табиий ҳолатда етказиш хусусиятига эга бўлмасада фаннинг ўзига хос кўринишларини экспонатлар орқали намойиш этади¹. Дастлабки фан музейларида табиий тарих, палентология, геология ва саноат соҳасига доир экспонатлар намойиш этилган. Музейшуносликнинг замонавий тенденциялари мавзулар доирасини кенгайтириб, кўплаб ноодатий интерактив экспонатларни фан музейларида намойиш этишга туртки берди.

Европада илм-фанга бағишланган дастлабки музейлар XVII асрнинг иккинчи ярмида саноат инкилоби даврида миллий кўргазмалар илм-фан ютуқларини намойиш этаётган ва илмий жамиятлар (Фанлар академиялари) пайдо бўлганда шаклланди. Шу сабабли дастлабки фан музейларининг ташкил этилиши Фанлар Академиясининг ташаббуси асосида пайдо бўлган². Унгача фанга доир дастлабки фан коллекциялари (математика, физика, ботаника, биология, зоология, геология ва археология) уйғониш давридаёқ илм, санъатга ихлосманд бўлган аристократлар, олимлар ва коллекционерларнинг шахсий қизиқишлари, ихтиролари сақланадиган кабинетда тўпланиб, сақлаб келинган.

1683 йилда фалсафага бағишланган дастлабки фан музей Англиянинг Оксфорд университети ташаббуси асосида ташкил этилган Ашмол музейдир (ҳозир Фанлар тарихи музей). Музейнинг асосий мақсади кенг жамоатчиликка хизмат қилиш ва янги билимларни институтсионилизация қилиш эди. 1752 йилда Мадридда илк фан музейи табиий фанларга бағишланган бўлиб, зоология, ботаника, биология, геология фанларига доир турли хил экспонатларни ўзида жамлаган. 1836 йилда Утрехт университет музейи ва Голландиядаги етакчи тадқиқот музейлари XVIII асрда “ноёб ҳайвонлар ва табиий ўсимликлардан яратилган экспонатларни намойиш этди.

XX асрдан бошлаб музейшуносликда интерактив илмий музейлар ташкил этилди. Жумладан Германиядаги фан ва технология дурдонала-

1 Писарев А. К истории музеев науки: Визуализацией чего являются экспонаты? (случай африканского зала американского музея Естественной истории // ПРАЭНМА. 2018. 4 (18). - С. 204

2 Ismoilov A. O‘zbekistonda fan muzeylarining shakllanishi // Жамият ва инновациялар. 2023. - Б. 290

ри музейи, Фан ва табиий тарих музейларидир. Бу каби музейлар фан билан биргаликда технологиянинг интерактив кўринишларини намойиш этди. Бу жараён эса ташриф буюрувчиларда илмий музейларга қизиқиш уйғотиб, фанга доир экспонатларни технология орқали томоша қилиш ва улар ёрдамида турли ҳаракатларни бажариш имкониятларига эга бўлди.

Табиий экспонатларни намойиш этишга мўлжалланган табиий тарих музейлари замонавий технология ва музейшунослик тенденцияларининг ўзгариши натижасида битта музей маконида эмас, фан ва соҳага доир алоҳида музейларда намойиш этилишига олиб келди. Бу жараён дастлаб табиий тарих музейларидан алоҳида ажралиши ва фан ихтисослигига доир музейларининг ташкил этилишига бошланғич қадам бўлди.

Жаҳон музейшунослигидан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда дастлабки фанга доир музейлар ва муассасаларнинг ташкил этилиши XXI асрга тўғри келади. Фан музейларининг ривожланиши ва шаклланиши Республиканинг илмий ва маданий тарихига тўғридан-тўғри боғлиқ. Фан музейлари Ўзбекистоннинг табиий, маданий ва тарихий бойликларини намойиш этишга қаратилган. Улар илмий тадқиқотлар учун база сифатида хизмат қилади ва ёш авлодни илм-фан билан билан таништиришга ёрдам беради. Хусусан 1926 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат геологияси ва минерал ресурслар кўмитаси ташаббуси асосида ташкил этилган Геология музей, 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар хокимлиги ташаббуси асосида ташкил этилган Тошкент пленетария, 2015 йилда ташкил этилган Тошкент политехника музейларидир.

Табиий фанлар билан боғлиқ билимларни тарғиб қилишда музейлар муҳим ўрин тутлади. Улар нафақат назарий билимларни етказиш, балки ёш авлодда фанга бўлган қизиқишни уйғотиш, илмий фаолиятга илк қадамларни ташлашга туртки бериш воситаси сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бунда, хусусан, Геология музейи муҳим таълимий платформа сифатида намоён бўлади. Музей турли қазилмалар ва қимматбаҳо тошлар орқали табиий фанларнинг ўзига хос қирраларини ёритиб беради. Мактаблар билан ҳамкорликда ҳар йили ташкил этиладиган фан олимпиадалари ёшларнинг билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб, музейга ташриф буюрувчи аудиторияни мақсадли шакллантиришга ёрдам беради³. Экспозициядаги тарихий ва табиий ашёлар орқали ёшлар назарий билимлар билан бирга, экспедиция шароитида тошларни топиш, уларни идентификация қилиш ва музей экспонати сифатида тайёрлашга оид амалий кўникмаларни ҳам эгаллайдилар. Бу жараён, ўз навбатида, музей билан ёшлар ўртасидаги ўзаро алоқани мустаҳкамлаб, уларнинг тақрорий ташрифларини рағбатлантиради.

Тошкент Пленетарияси⁴ эса космос ва астрономия ҳақидаги билимларни шакллантириш ва чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнайдиган

3 Ismoilov A. O'zbekistonda fan muzeylarining shakllanishi // Жамият ва инновациялар, 2023. – Б. 292.

4 Ташкентский планетарий (Мурожат санаси 22.07.2025).

илмий-маърифий маскан ҳисобланади. Интерактив машғулотлар, замонавий технологиялар, жумладан, Япония ишлаб чиқарган ускуналар ёрдамида куёш тизими ва коинот ҳаракатларини визуаллаштириш имконияти таълим самарадорлигини оширади. Пленетарияда ташкил этилган “Астрономия. Осмон бўйлаб 10 қадам, биринчи қадам” кўргазмаси орқали 4–11 синф ўқувчилари астрономия фанининг асослари билан танишишлари мумкин. Бу кўргазмалар назарий билимларнинг амалий фаолият билан уйғунлашувига хизмат қилади ҳамда ёшларда фанга бўлган қизиқишни кучайтиради.

Замонавий ахборот технологиялари даврида фан ва техникага оид билимларни ёшларга содда ва қизиқарли тарзда етказишда Тошкент Политехника музейи ҳам алоҳида ўрин тутди. Мазкур музей нафақат физика, математика ва астрономия фанларига оид маълумотларни тақдим этади, балки “Интерактив амалиёт”⁵ бўлими орқали ташрифчиларга ўзлари тажриба қилиш имкониятини яратади. Бундай ёндашув орқали болалар ва ўсмирлар ўрганаётган билимларини амалиётда қўллаш ва тушуниш имкониятига эга бўладилар.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўришиб турибдики, Ўзбекистондаги айрим музейлар жаҳон фан музейларининг асосий хусусиятларини ўз ичига олган ҳолда фаолият юритмоқда. Турли фан соҳаларига оид интерактив ва амалий машғулотларнинг мавжудлиги, таълим муассасалари билан ҳамкорликдаги тадбирлар – буларнинг барчаси фан музейларининг истиқболли моделини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу эса, келгусида мамлакатимизда тўлақонли фан музейларини ташкил этиш ва музейшунослик соҳасини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор ҳисобланади.

Ботаника музейларининг ташкил топиши ботаниканинг фан сифатида ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Ботаникага оид илк тушунчалар ибтидоий жамоа палеолит даври оғзаки ижодининг авлоддан-авлодга етиб келиш жараёнларида, ўсимликлар ҳақидаги биринчи ёзма маълумотлар эса неолит инқилоби даврида тахминан 10000 йил олдин ёзув пайдо бўлганида шакланган. Ибтидоий жамоа даврида инсонларда ўсимликларни ажрата олиш қобилияти шаклангандан сўнг Ҳиндистон, Миср, Осиё ва Хитой каби қадимги давлатларда истиқомат қилган инсонлар томонидан дастлаб фойдали, хилма-хил ўсимликларнинг хусусияти ҳақида илк маълумотлар тўпланган ва ботаниканинг дастлабки коллекциялари яратилишига сабаб бўлган⁶.

Ботаниканинг фан сифатида шаклланиши Грециялик буюк файласуф Аристотел (милоддан аввалги 384-322) номи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ботаника атамаси унинг “Ўсимликлар назарияси” асарида ўсим-

5 Ismoilov A. O‘zbekistonda fan muzeylarining shakllanishi // Жамият ва инновациялар, 2023. – Б. 292.

6 Косбаулиева Б. История развития ботаники как науки // «Мировая наука», №10 (67) 2022. – С. 32.

ликларни ўрганувчи фан сифатида киритилди ва истеъмолда шу ном билан юритила бошланди⁷.

Ботаника музейлари дастлаб ботаника боғлари, табиий тарих музейлари, ўлкашунослик ва бошқа турли соҳадаги музейларнинг бўлимлари сифатида ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси ва мақсади ботаника коллекцияларини тўплаш, тизимлаштириш, сақлаш, намойиш этиш, шунингдек, ботаника бўйича илмий ҳамда ўқув ишларини амалга ошириш ҳисобланган. Ботаникага оид коллекцияларни ўзида жамлаган ботаника музейлари тарихи Уйғониш даврига тўғр келади, сабаби бу даврда олимлар илк мартаба ўсимлик намуналарини тизимли равишда тўплашни ва таснифлашни ўрганган. Бу жараён эса дастлабки гербарий ва коллекцияларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ботаника музейларининг пайдо бўлиш жараёнлари дастлаб ботаника боғларининг ташкил этилиши ва ботаника коллекцияларининг тўпланиши натижасидир. Ўрта асрларда илк ботаника боғларининг ташкил этилиши ХХI асргача музейшуносликда ботаника музейлари ва ботаника коллекцияларининг вужудга келишига олиб келди. Бу жараён эса қуйидаги босқичларда намоён бўлди:

Ўрта асрлар (V-XV). Ўрта асрларнинг охирига келиб ботаника ва ўсимликларни ўрганиш ривожланди. Бу жараёнда дастлабки доривор ўсимликлар ҳақида маълумотлар, уларни асраш ва сақлашга боғлиқ бўлган илк тадқиқотлар, ёзма манбалар пайдо бўлди ҳамда ботаника боғларининг пайдо бўлишига туртки берди. Биринчи ботаника боғлари ва музейлари тарихи Уйғониш даврида дастлаб Италия университет қошларида Пизза (1543), Падуа (1545) ва Флоренцияда (1545) ўқитувчилар ҳамда талабалар таълим жараёнларида ўсимликларни ўрганиш, ботаникани ўргатиш учун мўлжалланган⁸. Университет қошларида ташкил этилган бу каби боғлар таълим жараёнларига самарали натижа берганлиги сабабли Англия, Германия, Франция, Голландия ва Россия давлатларида йирик ва кўкаламзор боғлар ташкил этилишига сабаб бўлди⁹.

Ренессанс (XV-XVII асрлар). Ренессанс даврида табиат ва турли хил ўсимликларни ўрганишга эътибор қаратилди. XV–XVI асрда ташкил этилган илк ботаника боғлари, ботаника фан марказларининг мақсадларидан келиб чиқиб табиатдаги барча ўсимликларни ўрганиш, уларни асраб-авайлаш ва таснифлашни мақсад қилиб олди¹⁰. Бу жараёнга ўрта асрларга нисбатан катта эътибор қаратилиши фанда ва музейшунослик соҳасида коллекциялар кўпайиши, ботаникага оид тасвирлар, намуналар тўплаш жараёнларини тезлаштирди¹¹.

7 Ўша асар. – С 32.

8 *l'émergence des premiers musées botaniques* <https://www.google.com/> (мурожаат санаси 20.06.2025).

9 Matkarimova A.A., Mahkamov T. X., Mahmudova M.M., Azizov X. Ya., Vaisova G.B. *Botanika (O'quv qo'llanma)*. T.: Go To Print. 2020. – B. 10-11

10 Yves-Marie Allain, « Développement durable : enjeux actuels des muséums et jardins botaniques », *La Lettre de l'OCIM*, 159 | 2015, 7-11. - P. 2

11 Развитие музейного дела в период Просвещения Идеология просветителей

XVIII асрда ботаниканинг фан сифатида шаклланиши илк ботаника билимларининг тан олинишига сабаб бўлди. Бу жараён ботаника фанининг фан сифатидаги тараққиёти ва ботаника музейларининг вужудга келишига олиб келди. Бу даврда ботаника музейларининг ташкил топиши учун асос бўладиган махсус ботаника боғлари мавжуд бўлиб, уларнинг ички қисмида ботаник коллекцияларга хос бўлган алоҳида гербарий хоналари мавжуд бўлган. Жумладан 1670 йилда Шотландиянинг Эдинберг ботаника Қироллик боғида махсус ўсимликларни парваришловчи шиша хоналар, гербарий хоналари ва кутубхоналаридир¹².

XIX асрда жаҳон музейшунослигида табиатга бўлган эътибор сабаб табиатшунослик музейлари пайдо бўлди¹³. Бу жараён табиатшунослик фанларининг ривожланиши билан белгиланган бўлиб инсоннинг ўзи яшаётган табиий дунёсини ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондириш, илмий ва таълим мақсадларида хизмат қилиш учун яратилган. Табиат тарихига бағишланган музейларнинг коллекциялари инсон ижоди натижаси бўлган санъат музейларидан фарқли ўлароқ, табиатда мавжуд бўлган ҳайвонлар, ўсимликлар, анатомик препаратлар, металл ва минералларнинг сайқалланган намуналари асосида кенг намойиш этилган. Бу турли хил коллекцияларнинг бир музейда намойиш этилиши, фанга тегишли коллекцияларни махсус ихтисосликка эга бўлган музейларда ўрин олиши ва уларнинг сон жиҳатидан ошиши, ботаник коллекцияларга хос бўлган каталог, тасвирларнинг яралишига олиб келди. Ботаник коллекция илмий ва амалий аҳамиятга молик ўсимлик формалари, турларини мунтазам равишда йиғиб бориш жараёнидаги тўплам ҳисобланиб, улар ўсимликларнинг жаҳон генетик фондини сақлаш, ўрганиш, селекция ишларида фойдаланиш, тадқиқ этиш мақсадида йиғилади ҳамда музей коллекциялари сифатида намойиш этилади¹⁴.

XIX асрда ботаника музейлари икки мақсадда ботаник тадқиқотлар ўтказиладиган маскан ва ноёб ботаник экспонатларни сақлаш ҳамда намойиш этишга мўлжалланган музей сифатида ташкил этилган. Жумладан 1823 йилларда Россия Фанлар Академиясига қарашли Санкт–Петербург шаҳрида ташкил этилган Триниус ботаника музейи ва В.Л. Комаров номидаги ботаника музейидир. 1823 йил ботаник ва ўсимликшунос олим К.Б. Триниус (1788-1844) номи билан аталган Триниус ботаника музейи¹⁵ ўз фаолиятини фақатгина қадимий ва янги ўсимлик турларини ўрганиш, уларни сақлаш мақсадида ташкил этилган. Музей биноси кичик ўлчамда

и концепция публичного музея <https://muzeevedenie/razvitie-muzejnogo-dela-v-period-pros/>. (Мурожаат санаси 30.05.2025)

12 Royal Botanic Garden Edinburgh <https://www.rbge.org.uk/> (Мурожаат санаси 26.06.2025)

13 Ботанические музеи сохранение растительного мира биоразнообразия <https://dzen.ru/>. (Мурожаат санаси 12.05.2025)

14 Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. Бешик-гидрофизика. Т.: “Давлат илмий нашриёти”. 2001. – Б. 164

15 Траншель В. Ботанический Музей Академии Наук. «Природа», №07-09, 1925 год. - С. 181

бўлиб, у ботаник экспонатларни намойиш этиш учун эмас, ботаникага оид бўлган экспонатлар устида иш олиб бориш учун мўлжалланган. Хусусан ўсимликлар, таснифи, тарихи ва экологияси ҳақида илмий маълумотларни тақдим этишга оид тадқиқотлар олиб борилган. Россия Фанлар Академиясининг 1823 йилда ташкил этилган В.Л. Комаров номидаги ботаника музейи Триниус ботаника музейидан фарқли ўлароқ тадқиқот ишларидан ташқари, экспонатларини экспозицияда намойиш этиш ва ташрифчиларни қабул қилиш билан аҳамиятлидир. Музей ССР Фанлар академияси император ботаника боғининг бир қисми сифатида рус ботаник ва саёҳатчиларининг шахсий коллекциялари эвазига ташкил этилган. 70 мингга яқин ўсимликлар коллекциясини ўзида жамлаган музей 4 бўлимда экспонатларини намойиш этади. Ҳозирги кунга қадар музейда ботаник коллекциялар намойиш этилиши билан биргаликда, ташрифчилар учун санъат ва оммабоп кўргазмалар ҳам ташкил этилади. Бу каби музейларнинг коллекция тўпламлари хайрия, шахсий коллекциялар, илмий экспедициялар натижасида топилган намуналарни совға қилиш ва сотиб олиш орқали тўлдириб борилган.

XX асрда ботаника музейларига талаб юқорилашди. 1969 йилга келиб ботаникага оид музейлари сони 200 тани ташкил этди¹⁶. Бу жараён эса музейшунослик соҳасида табиий тарих, ўлкашунослик ва ботаника боғларидан алоҳида ажралган ҳолда янги ихтисосликка эга бўлган музейлар фаолиятини такомиллаштиришга асос бўлди.

XXI асрда ботаника музейларига бўлган талабнинг юксалиши ноёб ботаник коллекцияларни тўплаш, сақлаш билан бирга таълимий жараёнда маърузалар, кўргазмалар ва илмий конференциялар ўтказадиган муҳим илмий, ўқув марказларига айланди. Бу эса олий таълим ва музей ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга сабаб бўлиб, келажак авлод вакилларида табиатга бўлган эътибор ҳамда яшаб турган экологиямизни муҳофаза қилиш сингари таълим-тарбиявий ғояни сингирмоқда. Дунёнинг машхур олий таълим тизимлари қошида ташкил этилган ботаника музейлари XXI асрга келиб, ўқув жараёнини ташкил этиш баробарида, илмий тадқиқот марказлари сифатида фан номзодлар ва фан докторлик илмий ишларини тайёрлаб, муваффақиятли химоя қилдилар. Жумладан Россиядаги Урал Федерал университетининг ботаника музейида 2000 йилдан бошлаб 4 та фан номзоди ва 1 та фан доктори илмий ишлари химоя қилинган¹⁷. Бу жараён ҳозирги кунга қадар таълим жараёнида талаба ва ўқитувчи ўртасида илмий алоқаларни мустаҳкамлаш, амалий жараёнларни тадбиқ этишни янада мустаҳкамламоқда.

Жаҳон ботаника музейларининг пайдо бўлиш тадрижийликни ўрганиш мобайнида бугунги кундаги жаҳонда ботаника музейларининг асосий вазифаларини қуйидагича баҳолашимиз ўринлидир.

¹⁶ Большая советская энциклопедия (БСЭ) (Мурожаат санаси 25.05.2025)

¹⁷ Murodova R. Xorij oliy ta'lim tizimlari qoshida tashkil etilgan botanika muzeylari. (AQSh, Rossiya va Italiya davlatlari kesimida) // «Moddiy-ma'naviy meros va umumbashariy qadriyatlar» mavzusida Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami. - Toshkent, 2025-yil 16-may. – B. 372

Биринчидан, ботаника музейлари ботаник ва биологик хилма-хилликни ўзида жамлаб, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик намуналарини тўплайди, сақлаб қолади, уларни табиий муҳитда ҳимоя қилиш ҳамда тиклашга ёрдам беради.

Иккинчидан, ботаника музейлари илмий тадқиқот маркази сифатида тадқиқотларни амалга оширадиган макон вазифасини бажариб, у ерда олимлар тажрибалар ўтказиш ва намуналарни таҳлил қилишлари мумкин. Бу эса тадқиқотчиларда ўсимликлар ва уларнинг экологиясига оид билимларни мукаммлаштириш имконини беради.

Учинчидан, таълим ва тарбия маскани сифатида ботаника музейларида экскурсиялар, маърузалар ва дарслари ўтказилиш натижасида ўсимликлар дунёси, унинг инсоният учун аҳамияти ҳақидаги билим даражасини оширишга хизмат қилади¹⁸.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ботаника музейлари фан, таълим ва жамият ўртасидаги узвий алоқани таъминловчи муҳим маданий-маърифий маскан сифатида шаклланиб келмоқда. Айниқса, Европа давлатларида ботаника боғлари ва музейларининг тизимли ташкил этилиши, уларнинг тадқиқот ва таълим жараёнларига фаол интеграциялашгани миллий музейшунослик учун намуна бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда Ўзбекистонда ботаника музейларининг ташкил этилишида ботаник экспедиция, ботаник тадқиқотлар ва ботаник коллекцияларнинг қандай шаклланигани, уларнинг жаҳон тажрибасига нисбатан қай даражада ривожлангани, қайси соҳаларда умумийлик ва фарқлар мавжуд экани муҳим илмий-амалий масала сифатида намоён бўлади. Қуйида ана шу масала юзасидан Ўзбекистондаги ботаник экспедициялар, тадқиқотлар ва коллекцияларнинг тарихий ривожини ва ҳозирги ҳолатига алоҳида эътибор қаратамиз.

Мамлакатимизда жаҳон давлатлари сингари ботаник тадқиқотлар билан шуғулланувчи тадқиқот марказлари, ботаника боғлар ва университетлар мавжуд. Жумладан, ЎзР ФА Ботаника институти, Ф.Н. Русанов номидаги ботаника боғи ва Самарқанд давлат университети қошидаги гербарий коллекцияларидир.

ЎзР ФА Ботаника институти ноёб гербарий намуналари, ботаник олимлар ва изланувчиларнинг илмий ишлари, мамлакатимизнинг флорасини асраш, улар устидан тадқиқотлар ўтказиш юзасидан самарали ишларни амалга ошириб келаётган тадқиқот марказларидан биридир. 1932 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар қўмитасининг ўсимлик ресурслар сектори, 1940 йил ССР фанлар академиясининг Ўзбекистондаги филиали, 1941 йилда тупроқшунослик сектори билан бирлашиб тупроқшунослик ва ботаника институти сифатида¹⁹ ва 1950 йил мустақил муассаса сифатида фаолият юритган²⁰.

18 Развитие музейного дела в период Просвещения Идеология просветителей и концепция публичного музея <https://muzeevedenie/razvitie-muzejnogo-dela-v-period-pros/>. (Мурожаат санаси 30.05.2025)

19 Ўз ФМА, 35 фонд, 1 рўйхат, 591 йиғма жилд (иш), 1 варақ

20 Исмаилов А. Ф. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ташкилий фаолияти. Монография. - Тошкент, Lesson press, 2022. – Б. 74

Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг ноёб хазинаси ҳисобланган ўсимликлар дунёси билан қизиқиши ва улар устида тадқиқотлар олиб бориш тарихи 200 йилдан ортиқ даврни қамраб олади. Ўсимликларнинг хилма-хиллиги, уларнинг ўзига хос кўриниши ҳақида дастлабки илмий маълумотларни йирик ботаниклар бизнинг ҳудудга экспедиция натижасида қилган ташрифларида аниқланган. Экспедиция жараёنларига бир қатор олимлар жалб қилинган бўлиб, уларнинг орасида ўз хоҳишига кўра экспедиция жараёнини уюштирган ботаниклар ҳам самарали меҳнат қилган. Бу икки турдаги ботаниклар экспедицияда ўсимликларнинг умумий хусусиятларини ва экспедиция жараёнида топилган ўсимлик намуналарини йиғиш ишларини амалга оширганлигини қуйидаги экспедиция жараёниларидан билиб оламиз.

Н.А. Северцов (Россия зоологи ва саёхатчиси) – 1865 йилда Чирқичдан Ғарбий Тянь-Шангача маршрут бўйлаб илк ботаник-зоологик экспедиция ташкил этди. У 1877 йилда Фарғона-Помир экспедициясига раҳбарлик қилиб, ҳудудга иккинчи маротоба ташриф буюрди.

О.А. Федченко (Россия ботаниги) – 1868 йилда Тошкент яқинида тадқиқот ишларини олиб борди. 1 ой давомида олиб борган экспедицияси натижасида Чимён ўсимликларини ўрганишга муяссар бўлган.

П.Капю (Француз ботаниги) – 1881 йилда Тошкент шаҳри яқинида экспедиция уюштириб, Тошкент атрофидаги ноёб ўсимликларнинг намуналарини йиғган.

З.А. Минквиц 1924 йилда Тошкентда экспедиция иштирок этди. Бу экспедиция 1908 йилда Сибир ва Туркистоннинг турли ҳудудларига ботаниклар томонидан экспедиция уюштириши натижасида ва ўлканинг флорасини баҳолаш ишларини амалга ошириш учун ташкил этилган.

1924 йилдаги экспедициядан сўнг Ғарбий Тянь-Шаннинг турли ҳудудларида ўсимликларни батафсил ўрганиш мақсадида 1924 йилдан 1963 йилгача П.А. Баранов (1924), М.В. Культиасов (1927), К.З. Закиров (1937), М.Г. Попов (1940), Г.Т. Сидоренко (1949, 1953), И.М. Культиасов (1955), В.Н. Павлов (1955, 1959), Б.А. Быков (1956), В.П. Дробов (1956), Н.В. Павлов (1956) ва С.Е. Коровинлар (1958, 1959, 1963)²¹ томонидан экспедициялар олиб борилган.

Мазкур муассасанинг флористик тадқиқотлари натижасидаги энг муҳим намуналар ноёб гербарийлардир. Гербарийларнинг илк намуналари 1832–1835 йилларни ташкил этиб, Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH), ЎзР ФА Ботаника институтининг гербарий коллекцияси, Тошкент давлат университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти, Тошкент табиат музейи гербарийларини бирлаштириш асосида 1987 йилда ташкил этилган²². Гербарий намуналари 1.5 млндан ортиқ Афғонистон, Шимолий Африка, Россия ва Корея сингари давлатлардаги такрорланмас ўсимлик намуналаридир.

²¹ Ўз ФМА. 35-фонд, 1-рўйхат, 235 йиғма жилд (иш), 1-2- варақ.

²² Раҳимова Т., Раҳимов Н. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти 80 йил. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2021. – Б. 18.

Дунё миқёсида гербарий намуналарининг кўрсаткичи²³

Мамлакат	Муассасалар номи	Гербарийлар сони
Россия	Россия Фанлар академияси ботаника институти	7 160 000
Хитой	Пекин ботаника институти	2 600 000
Болгар	Болгар гербарийси	2 000 000
Ҳиндистон	Ҳиндистон хизмат гербарийси	2 000 000
Ўзбекистон	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти	1 500 000

Юқоридаги жадвалдан аниқки, Ўрта Осиё давлатлари бўйича гербарий коллекциялари дунёдаги энг йирик намуналар ҳисобланади. Бу эса флористик ботаник тадқиқотларнинг Ўзбекистонда кенг ривож топганлиги исботидир.

XXI аср бошларидан ҳозирги кунга қадар бу изланишларнинг давомийлиги Ф.О. Хасанов, К.Ш. Тожибаев, Н.Ю. Бешко, И.И. Мальцев, О.Т. Тургинов ва аспирантлар, докторантлар институтнинг бир қатори ходимлари томонидан амалга оширилиб келинмоқда²⁴. Бу жараён эса ноёб гербарий намуналарининг кўпайиши ва уларнинг хилма-хил турларига бойишига олиб келмоқда.

Институт илмий меросини кенг оммага тақдим этиш ва уларни келажак авлод вакилларига етказиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширишни босқичма-босқич ражалаштириб, амалга ошириб келмоқда:

– Миллий гербарий маълумотлар базасини яратиш ҳамда “Флора Ўзбекистана” нинг виртуал онлайн шакли, рақамлашган бошқа коллекциялари яратиш ишларида бир нечта ҳудудларнинг флористик маълумотлар базаси GBIF интернет порталига фойдаланиш учун киритилди;

– (TASh) гербарийсида рақамланган маълумотлар базасини яратиш ишлари. Айни ушбу масала юзасидан 2012 йилдан буён институтнинг бир қатор ходимлари томонидан гербарийларни рақамланган маълумотлар базасини яратиш ишлари бошланган бўлиб, 50000 дан ортиқ намуна ва барча типлар коллекциясидан 3684 намуналари сканер қилинган. Маълумотлар базасига 4430 тур, 665 туркум ва 95 оилага мансуб 250 минг дант ортиқ гербарий намуналари этикеткаларининг маълумотлари киритилган²⁵.

Институтнинг миллий гербарий намуналарини рақамлаштириш, уларнинг тавсифи бўйича жойлаштириш илмий меросини сақлаб қолиш ва кенг жамоатчиликка очиқ усулда тақдим этиш ҳисобланади. Бундан ташқари, мавжуд гербарий намуналари, архив хужжатлар, илмий

23 Жадвал маълумотлари Раҳимова Т., Раҳимов Н. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти 80 йил очерки маълумотларидан фойдаланилган ҳолда тузилди.

24 Раҳимова Т., Раҳимов Н. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти 80 йил. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2021. – Б. 13.

25 Раҳимова Т. Раҳимов Н. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти 80 йил. Т.: “Фан” нашриёти. 2021. – Б. 23

тадқиқотлар, тадқиқот жараёнларига тегишли бўлган фотосуратларини инвертаризация қилиш, институт хужжатлари, лабораторияларнинг тадқиқот жараёнларини рақамли форматга ўтказиш ва илмий меросни мавзулар, даврлар, муаллифлар ёки ўсимлик турлари бўйича тизмил холда таснифлаш жараёнлари ҳам миллий меросни тарғиб қилиш учун муҳимдир.

Табиат флорасининг илмий ва амалий ишларни амалга ошириб келаётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошида ташкил этилган академик Феодор Николаевич Русанов номидаги Ботаника боғи 1944 йили Ўрта Осиё давлат университетининг ботаника боғи негизда, 1950 йили эса 80 гектар майдонда замонавий боғ ташкил этилган. Ботаника боғига 1968 йилда институт мақоми берилган²⁶. Ҳозирги кунда боғ тадқиқот ишларининг асосини ўсимликларни ўрганиш, уларни интродукция қилиш ва иқлимлаштириш сингари ишларни мақсад қилинган.

Ботаника боғи тадқиқот жараёнларини боғдаги амалий ишлар билан биргаликда илмий ходим ва мутахассислар томонидан ботаник тадқиқотларга оид 500 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп ишлар, монографиялар, ўқув қўлланмалар, тавсиянома ҳамда бир қанча китоблар нашр этириш билан амалга ошириб келмоқда. Ботаника боғи собиқ Иттифоқнинг барча ботаника боғлари билан ҳамда дунёдаги 45 та мамлакатлардаги ботаника боғлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, илмий маълумотлар билан тажриба орттирмоқда. Бу жараён ботаник боғлар ўртасида мустақкам ҳамкорлик, ботаник тадқиқотлар юзасидан фикр алмашилиш, хориж ўсимлик турларини Ўзбекистон иқлимига мослаштириш сингари билим, кўникмаларни амалга оширишга кенг йўл очмоқда.

Ботаника боғида амалга оширилган илмий ва амалий тадқиқотлар хориж турли газета ва журналларида ижобий баҳоланган. Жумладан “Правда”, “Правда Востока” ва 1969 йилда Э. Гиамс “Дунёнинг энг йирик ботаника боғлари”да эътироф этилган²⁷.

Бугунги кунда Ботаника боғида 3 та илмий лаборатория ва 5 та экспозиция, фонд оранжереяси, иссиқхона комплекси, ишлаб чиқариш, ўсимликларни ҳимоя қилиш, уруғчилик бўлимлари, карантин участкаси, игнабаргли дарахтлар коллекцион кўчатхонаси, Ўзбекистон-Хитой пиёз боғи ҳамда боғ хузуридаги Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги Амир Темур номли Элликқалъа ботаника боғи мавжуд.

Ботаника боғи тадқиқот жараёнларини ривожлантириш, тадқиқот жараёнларини ёш авлод вакиллари тарғиб қилиш учун Республикамиздаги кўплаб ОТМлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, талаба ва магистрлар билан биргаликда илмий тажрибалар, ўқув амалиётини ташкил этиб келмоқда.

Ботаника боғи очиқ осмон остидаги музейдир. Сабаби боғда нафақат илмий тадқиқот ишлари хусусан боғ бўйлаб саёхат қилиш, экскурсия

26 Темиров Э.Э., Рахимова Н.К., Абдиназаров С.Х., Бердиев Э.Т., Хамраева Д.А., Носиров С.С., Абдуллаев Д.А., Рахматиллаев М.С. Ботаника боғи бўйича йўлқўрсаткич. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2024. – Б.6

27 Ўша асар. –Б. 11

ўтиш, бугунги кунда янги амалга оширилаётган ўсимликлар билан танишиш имконияти мавжуд. Боғдаги бундай амалий жараёнлар дунёнинг 80 дан ортиқ машхур ботаника боғларидан флора намунасини алмашиш натижасида амалга оширилган. Боғ Шимолий Америка экспозицияси, Европа–Крим–Кавказ Экспозицияси, Узоқ Шарқ экспозицияси, Шарқий Осиё экспозицияси ва Марказий Осиё экспозициялари бўйлаб ҳар йили минглаб хориж ва МДХ сайёҳларини қамраб олмоқда.

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг ботаника кафедраси флористика, доривор ўсимликларни ўстириш технологияси ва интродукцияси йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бораётган ўқув масканларидан бирдир. Кафедра қошида 1970–1971 йилларда сунъий иқлимда яратилган ёпиқ хона оранжерея мавжуд. Оранжерияда талабалар илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши учун “Гулчилик” тўғараги ташкил этилган. Кафедра қошида ноёб 20 минг гербарий намунаси бўлиб, улардан 16 минг намуна илмий, 4 мингтаси ўқув методик гербарийлар ҳисобланади²⁸. Гербарийлар Ўрта Осиё худудидан 1927–1941 йиллар давомида Н.А. Меркулович, М.Г. Попов, Қ.З. Зокиров, Э.И. Проскоряков, О.Ф. Газе, Г.А. Сергеева, Г.С. Чугаева, Х. Эшонкулов, М. Аҳмедов, Г. Шодиев, Р.Ф. Файзиев, В. Романенко ва бошқа олимлар томонидан республикамиз ва чегарадош республикалар худудларидан йиғилган²⁹. Университет гербарийлари Ўзбекистонда иккинчи ўринда турувчи ноёб гербарийлардир. Гербарий намуналаридан университетда таълим олиш жараёнида ва кафедрада фаолият олиб бораётган ботаниклар ва изланувчилар тадқиқот жараёнларида фойдаланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши ботаника соҳасида ҳам янги босқични бошлаб берди. Хусусан, гербарий маълумотларининг инфор­мацион-компьютер базасида рақамли электрон каталогини яратиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён анъанавий қоғоздаги гербарий коллекцияларини рақамлаштириш ва электрон форматга ўтказишни назарда тутди. Мазкур рақамлаштириш жараёни бир қатор муҳим афзаллик ва имкониятларни яратади:

1. Маълумотларга тез ва масофавий кириш имконияти. Рақамли гербарий каталоглари орқали дунё миқёсидаги олимлар, тадқиқотчилар ва мутахассислар турли ўсимлик турлари, уларнинг жойи, йиғилган вақти ва бошқа муҳим маълумотларига осон ва тезкор тарзда кириш имконига эга бўладилар. Бу жараён айниқса масофадан туриб тадқиқот олиб бораётган мутахассислар учун катта ёрдамчи ҳисобланади.

2. Илмий тадқиқот жараёнларини энгиллаштириш. Рақамли каталог ўсимлик турларининг географияси, экологияси, фенологияси, эволюцияси каби кўпгина мураккаб жараёнларни таҳлил қилиш учун қулай

²⁸ Самарқанд давлат университети ботаника кафедраси (Муроҷжат санаси 5.07.2025).

²⁹ Самарқанд давлат университети гербарийси: ўтмиш ва бугун. <https://www.samdu.uz/cy/news/38547> (мурожаат санаси 6.07.2025).

восита бўлиб хизмат қилади. Электрон маълумотлар базаси маълумотларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтириб, илмий ишланмаларни самарали ташкил этиш имконини беради.

3. Намуналарни муҳофаза қилиш ва авлодларга етказиш. Қоғоздаги гербарийлар вақт ўтиши билан шикастланиши, йўқолиши ёки табиий омиллар таъсирида бузилиши мумкин. Электрон нусхалар бу намуналарни асраб қолиш, келажакдаги авлодларга етказиш ва қайта тиклаш имконини тақдим этади. Шу билан бирга, уларни кенг жамоатчиликка намойиш қилиш осонлашади.

4. Халқаро ҳамкорлик ва маълумот алмашинуви. Гербарий маълумотларини GBIF (Global Biodiversity Information Facility) каби халқаро платформаларга интеграция қилиш орқали Ўзбекистон флораси ҳақидаги бой маълумотлар дунё илмий жамоасига тақдим этилади. Бу жараён республикадаги биологик хилма-хилликни глобал даражада етарлича етиб боришини таъминлаб, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

5. Таълим ва ўқув жараёнларида фойдаланиш. Электрон гербарий маълумотлари ўқув-услубий қўлланма сифатида кенг аудитория – талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчилар учун қимматли ресурс ҳисобланади. Вертуал гербарий кўргазмалари, онлайн платформалар ва таълимий дастурлар орқали мазкур маълумотлардан самарали фойдаланиш имкони яратилади.

Ботаника музейларининг шаклланиши ва ривожланиши музейшунослик соҳасидаги муҳим жараёнлардан бири бўлиб, у табиатни англаш, сақлаш ва ўрганишга бўлган инсон эҳтиёжининг натижасидир. Айниқса, ботаника музейлари – ўсимлик дунёсига оид бой коллекцияларни йиғиш, асраш, тизимлаштириш ва намойиш этиш орқали ботаника фанини кенг оммага танитишда муҳим илмий-маърифий муассасалар сифатида намоён бўлади.

Бу музейлар фақатгина тарихий намуналарни сақлаш билан чекланиб қолмай, балки ботаник тадқиқотлар маркази, таълим-тарбия маскани, экологик онгни шакллантирувчи маданий-илмий майдон сифатида фаолият юритади. Ботаника музейи – бу табиат ва фан ўртасидаги кўприк, у инсоннинг биологик меросни англаш ва уни келажак авлод учун сақлаш бўйича масъулиятини ҳам ифода этади.

Ўзбекистондаги ботаник муассасалар, жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти, Ф.Н. Русанов номидаги ботаника боғи ҳамда Самарқанд давлат университети қошидаги гербарий коллекциялари мамлакатимизда ботаника соҳасининг илмий, таълимий ва амалий ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу муассасаларда сақланаётган ноёб коллекциялар – нафақат ўсимлик дунёси ҳақидаги тарихий маълумотлар, балки фан ва маданиятнинг қимматли бойлиги ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам, замонавий ботаника музейларини ривожлантириш, уларни таълим жараёни билан чуқур боғлаш, илмий тадқиқотлар майдонига айлантириш – нафақат миллий, балки глобал экологик барқарорлик йўлида ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Резюме

Мазкур мақолада жаҳонда фан музейлари ва ботаника музейларининг шаклланиш жараёнлари, ботаника музейининг ташкил этилишида ботаника фанининг ўрни ҳамда аҳамияти, ҳақида кенг маълумот берилди. Шунингдек, жаҳон тажрибасига таянган ҳолда ЎзР ФА Ботаника институти, Ф.Н. Русанов номидаги ботаника боғи ва Самарқанд давлат университети қошидаги гербарий коллекциялари ўрганилди ва таҳлил этилди.

Калит сўзлар: музейшунослик, ибтидоий жамоа, ренессанс, ЎзР ФА Ботаника институти, Планетария, ботаника, боғ, коллекция, таълим-тарбия, табиий тарих, гербарий.

Данная статья содержит обширную информацию о процессах формирования научных музеев и ботанических музеев по всему миру, а также о роли и значении ботаники в создании ботанических музеев. Также, на основании мирового опыта были изучены и проанализированы гербарные коллекции Института ботаники АН РУз, Ботанического сада им. Ф.Н. Русанова и Самаркандского государственного университета.

Ключевые слова: музей знаний, первичное сообщество, Институт ботаники АНРУз, Планетария, ботаника, сад, коллекция, наука и воспитание, естественная история, гербарий.

This article contains extensive information about the formation of scientific museums and botanical museums around the world, as well as the role and significance of botany in the creation of botanical museums. In addition, herbarium collections from UzAS the Institute of Botany the F.N. Rusanov Botanical Garden, and Samarkand State University were studied and analysed on the basis of international experience.

Key words: museum studies, primary community, UzAS the Institute of Botany, Planetarium, botany, garden, collection, science and education, natural history, herbarium.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Ismoilov A. O'zbekistonda fan muzeylarining shakllanishi // Жамият ва инновациялар. 2023. – Б. 290-294 .
2. l'émergence des premiers musées botaniques <https://www.google.com/мурожаат санаси 20.06.2025>.
3. Matkarimova A.A., Mahkamov T. X., Mahmudova M.M., Azizov X. Ya., Vaisova G.B. Botanika (O'quv qo'llanma). – Toshkent: Go To Print. 2020, 298 b.
4. Murodova R. Xorij oliy ta'lim tizimlari qoshida tashkil etilgan botanika muzeylari. (AQSh, Rossiya va Italiya davlatlari kesimida) // «Moddiy-ma'naviy meros va umumbashariy qadriyatlar» mavzusida Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami. – Toshkent, 2025-yil. – 428 b.

5. Royal Botanic Garden Edinburgh <https://www.rbge.org.uk/> мурожаат санаси 26.06.2025.
6. Yves-Marie Allain, «Développement durable: enjeux actuels des muséums et jardins botaniques», La Lettre de l'OCIM, 159 | 2015, 7-11. – P. 10
7. Большая советская энциклопедия (БСЭ) мурожаат санаси 25.05.2025.
8. Ботанические музеи сохранение растительного мира биоразнообразия <https://dzen.ru/> . мурожаат санаси 12.05.2025.
9. Исмаилов А. Ф. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ташкилий фаолияти. Монография. – Тошкент: Lesson press, 2022. – 192 б.
10. Косбаулиева Б. История развития ботаники как науки // «Мировая наука» №10 (67) 2022. – С. 31-33
11. Писарев А. К истории музеев науки: Визуализацией чего являются экспонаты? (случай африканского зала американского музея Естественной истории // ПРАЭНМА. 2018. 4 (18). – С. 202-221.
12. Развитие музейного дела в период Просвещения Идеология просветителей и концепция публичного музея <https://muzevedenie/razvitiemuzejnogo-dela-v-period-pros/>. мурожаат санаси 30.05.2025.
13. Раҳимова Т., Раҳимов Н. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти 80 йил. – Тошкент: “Фан” нашриёти. 2021. -112 б.
14. Самарқанд давлат университети ботаника кафедраси мурожат санаси 5.07.2025.
15. Самарқанд давлат университети гербарийси: ўтмиш ва бугун. <https://www.samdu.uz/cy/news/38547> мурожаат санаси 6.07.2025.
16. Ташкентский планетарий мурожаат санаси 22.07.2025.
17. Темиров Э.Э., Раҳимова Н.К., Абдиназаров С.Х., Бердиев Э.Т., Хамраева Д.А., Носиров С.С., Абдуллаев Д.А., Рахматиллаев М.С. Ботаника боғи бўйича йўлқўрсаткич. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2024. – 204 б.
18. Траншель В. Ботанический Музей Академии Наук. «Природа», №07-09, 1925 год. – С. 181-186.
19. Ўз ФМА 35 фонд, 1 рўйхат, 235 йиғма жилд (иш), 1-2 варак.
20. Ўз ФМА, 35 фонд, 1 рўйхат, 591 йиғма жилд (иш), 1 варак.
21. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. Бешик-гидрофизика. – Тошкент: “Давлат илмий нашриёти”, 2001. – 704 б.

ҚАҲРАМОН ЯКУБОВ

**БОШВАЗИРЛИК УСМОНЛИ АРХИВИ ДИПЛОМАТИК
АЛОҚАЛАР ТАРИХИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ МАДАНИЙ
РЕПОЗИТОРИЙ СИФАТИДА: ХУЖЖАТЛАР ТАСНИФИ ВА
АҲАМИЯТИ**

Бирламчи манбалардан ҳисобланган архив ҳужжатлари тарихий жа-
раёнлар ва ўтмишдаги иш юритиш тартибини қайта тиклашда ўзига хос
ўрин тутади. Марказий Осиё ҳудудида Хива хонлиги ва Усманийлар им-
перияси ўртасидаги муносабатлар тарихини акс эттирувчи ҳужжатлар
кам сақланган. Бироқ Туркиянинг Истанбул шаҳрида жойлашган Бошва-
зирликнинг Усмонли архиви таркибида бу турдаги ёзма манбалар жуда
яхши ҳолатда ва тизимли тартибда тўпланган. Ушбу архив ҳужжатлари
коллекциялари мусулмон жамиятлари тарихи бўйича дунёдаги энг бой
ва ноёб ёзма мерос намуналарини ўзида жамлаган бўлиб, улар сони тах-
минан 150 миллионни ташкил этади¹.

Мазкур мақола доирасида Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи дав-
рида Усманийлар империяси билан олиб борилган дипломатик алоқалар
тарихини ёритувчи, Бошвазирликнинг Усмонли архиви коллекцияларида
жамланган ҳужжатлар таҳлил этилади. Хусусан, мавзуга алоқадор ҳужжат-
лар иккита категорияга ажратилгани ҳолда уларга қисқача тавсиф берилади.
Шунингдек, мазкур архив манбаларининг икки томонлама ташқи алоқалар
тарихини қайта тиклашдаги аҳамиятига ҳам эътибор қаратилади. Бундан
ташқари, ушбу тадқиқот сарой девонхонаси, Бошвазирлик тузилмаси ҳамда
марказий ва ҳудудий вазирлик, идоралар ўртасидаги ёзишмалар орқали улар
ҳар бирининг ваколат доираларини аниқлаш имконини беради.

Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи (1770–1920) даврида хон-
ликнинг Усманийлар империяси билан ўзаро дипломатик алоқалар та-
рихининг айрим жиҳатлари Бошвазирликнинг Усмонли архиви турли
фондларида сақланаётган ҳужжатларда ҳам акс этган. Мазкур тарихий
ҳужжатларни мазмуни ва функциясига кўра, шартли равишда икки катта
гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) икки давлат ҳукмдорлари мактублари сақланган коллекциялар;
- 2) Хива хонлигидан юборилган элчиларнинг ҳаракат йўналишлари,
уларнинг турар-жой ва моддий таъминотига оид ёзишмаларни жамлаган
жамғармалар.

Биринчи гуруҳга мансуб тарихий ҳужжатлар қуйидаги фондларда
аниқланди:

а) А. {DVNS.NMH.d. – *Divan-ı Hümayûn Sicilleri Nâme-i Hümayûn
Defterleri* (Девони Ҳумоюн регистри [таркибидаги] Султон фармонлари

1 İlhan M.M. An Overview of the Ottoman Archival Documents and Chronicles // *Tarih Araştırmaları Dergisi*. Volume 27, number 44. 2008. – P. 22.

дафтарлари). Архив фонди ва йиғмажилд номида акс этган “хумоюн” сўзи луғавий жиҳатдан “юксак”, “муборак”, “олий” каби маъноларни англатгани ҳолда юқоридаги контекстда у “султон”, яъни Усманийлар салтанати ҳукмдорига ишора қилади. Ўз навбатида, ушбу фонд номида келган “девон” атамаси орқали султон қўл остида фаолияти йўлга қўйилган Олий Кенгаш назарда тутилган². Мазкур фонддан Усманийлар салтанати ҳукмдорларининг фармонлари ҳам ўрин олган бўлиб, унинг таркибидаги ҳужжатлар даврий жиҳатдан 1699–1918 йилларни қамраб олади³. Фондда Қўнғиротлар сулоласи вакили Аваз иноқ (ҳукм. 1790–1804) даврида юборилган мактубнинг кўчирма нусхаси ва ушбу номага жавобан Усманийлар султонининг мактуби, Аллоҳқулихон (ҳукм. 1825–1842)нинг элчиси Қутбиддин ҳожи орқали юборилган султон жавоб мактубининг қоралама нусхаси ва оригинал мактуб учун асос бўлган таянч нусха, Муҳаммад Аминхоннинг (ҳукм. 1845–1855) султонга йўллаган номасининг қисқача мазмуни ҳамда унга жавобан ёзилган султон мактубининг қоралама нусхаси ва унинг оригинал мактуб учун асос бўлган таянч нусхаси сақланади.

б) А.}DVN.NMH. – *Sadâret Divan-ı Hümâyûn Nâme-i Hümâyûn Belgeleri* (“Бошвазирлик [ҳузурдаги] Олий Кенгашга оид султон мактублари ҳужжатлари”). Ушбу фонд эса ўзида Усманийлар империяси билан хорижий давлатлар ўртасида тузилган шартномалар, ушбу шартномалар назорати устидан тайинланган масъул шахсларга берилган рухсатномалар ва хорижий давлатлар ҳукмдорларидан келган мактубларни жамлаган⁴. Унда жами 43 та папка/йиғмажилд мавжуд бўлиб, улар таркибидаги ҳужжатлар даврий жиҳатдан 1761–1923 йиллар оралиғида тузилган. Эътиборли жиҳати, ҳужжатлар орасида Хива хони Муҳаммад Аминхон (ҳукм. 1845–1855) томонидан Усманийлар империяси султони Абдулмажид I (ҳукм. 1839–1861) номига йўлланган мактубнинг асли сақланади⁵. У ҳозирга қадар эълон қилинган, Бошвазирликнинг Усмонли архиви айрим ҳужжатлари асосида тайёрланган каталоглардан ҳам ўрин олмаган⁶.

Ўз навбатида, Муҳаммад Аминхоннинг мактубига жавобан Усманийлар империяси султони Абдулмажид I томонидан юборилган номанинг қоралама нусхаси ҳам ушбу фондда сақланади⁷. Мазкур нусха матнида Муҳаммад Аминхон мактубидан фарқли равишда адресат исми қайд этилган⁸.

в) İ.HR. – *İrade Hariciye* (“Хорижий [масалалар бўйича] султоннинг

2 Олий Кенгашнинг ташкил этилиши ва фаолияти ҳақида қаранг: İnalçık H. The Ottoman Empire: The Classical Age, 1300–1600. – London: Phoenix Press, 2000. – P. 89–100.

3 Başbakanlık Osmanlı Arşivi Rehberi. – İstanbul: T.C. Başbakanlık Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü, 2017. – S. 52.

4 O’sha asar. – B. 192.

5 BOA, A.}DVN. NMH, 43/29.

6 Osmanlı Devleti ile Kafkasya, Türkistan ve Kirim Hanliklari Arasındaki Münâsebetlere Dâir Arşiv Belgeleri (1687–1908 yıllari arasi). – T.C. Ankara: Başbakanlık Devlet Arşivleri, 1992; Belgelerle Osmanlı-Türkistan ilişkileri (XVI–XX. yüzyıllar). – Ankara: Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü, 2005; История Центральной Азии в османских документах. Том 1. Политические и дипломатические отношения / ред. Шайн Мустафаев, Мустафа Серин. – Самарканд: МИЦАИ, ТОА. 2011.

7 BOA, A.}DVN. NMH, 6/11.

8 O’SHA JOYDA

буйруғи”). *İrâde Hariciye* фондидаги ҳужжатларни юритиш Танзимат даври (1839–1876)нинг бошланиши билан йўлга қўйилган бўлиб, унда султоннинг ташқи ишларга оид муайян масалалар юзасидан ёзма буйруқлари жамланган⁹. Улар асосан Хива хонлигидан келган хонлар мактубларининг қисқача мазмун-моҳиятини баён қилувчи ҳужжатлардан иборат. Масалан, 1842 йилда тузилган Хива хонлигига юборилиши кўзда тутилган мактубнинг мазмуни ва Саййид Муҳаммадхон номига тайёрланган Усмонли султон мактубининг моҳияти ва қоралама нусхаси мазкур фондда сақланади.

г) İ.MMS – *İrâde Meclis-i Mahsûs* (“Махсус мажлис қарори юзасидан султон буйруғи”). Қўнғиротлар сулоласи вакили Саййид Муҳаммад Раҳимхон II (ҳукм. 1864–1910) даврида Усмонийлар империясига юборилган мактубнинг оригинали мазкур фондда сақланади. Жамғарма таркибидан 134 та йиғмажилд ўрин олган бўлиб, уларда жами 5723 та ҳужжат мавжуд¹⁰. Оригинал нома мазмуни электрон каталогда “Бухоро ва Хоразм тарафида [яшовчи] туркман қабилалари раиси томонидан юборилган мактуб ва келган элчига совға берилиши ҳақида” (*Buhara ve Harzem taraflarındaki Türkmen Kabileleri reisi tarafından gönderilen mektuba ve gelen adamına atiyeye verilmesine dair*) тарзида қисқача баён қилинган. Ушбу жумла таҳлили йиғмажилд таркибида гўёки икки турдаги ҳужжат ўрин олганига ишора қилади. Дарҳақиқат 39-йиғмажилднинг 1627-рақамли ҳужжати иккита ёзишмадан ташкил топган. Биринчи ҳужжат асл мактуб ҳисобланиб, у катта эҳтимол билан Хива хонлиги томонидан юборилган. Иккинчи ҳужжат эса юборилган элчига Усмонийлар ҳукмдори номидан совға-салом бериш тўғрисида тегишли идораларнинг ўзаро ёзишмаси ҳақидадир.

Ушбу фонднинг 39-йиғмажилд 1627-рақамли ҳужжат остида сақланувчи иккинчи архив ҳужжатида империя Бош вазири ва Султон амрини етказувчи шахс, яъни масъул котиб ўртасидаги ўзаро ёзишма акс этган. Бош вазир ўз хатида масофа узоқ бўлгани учун Хива хонлигига бирор-бир амалий ёрдам кўрсатила олинмаслиги ва шу боис Хоразм томонига мулойимлик билан узр сўраган ҳолда нома битилиши кераклигини таклиф қилган. Шунингдек, элчи Муҳаммад Мурод ҳожига ўз диёрига қайтиши билан боғлиқ сарф-харажатлари учун 25 минг қуруш¹¹ пул маблағи берилиши кераклиги ҳам ушбу ёзишмада зикр этилган. Султон девонидан келган жавоб хатида Бош вазир маслаҳати инобатга олингани ва зикр этилган мазмунда нома битилиши лозимлиги ҳамда сўралган маблағ элчига берилиши мумкинлиги билдирилган.

д) TS.MA.e – *Topkapı Sarayı Arşivi Mühimme Defterleri* (“Топкапи саройи архивининг муҳим фармонлар дафтари”). Мазкур архив ҳужжат-

9 Танзимат даври ҳақида қаранг: Shaw S.J., and Shaw E.K. *History of the Ottoman Empire and Modern Turkey: Volume 2, The Era of Modern Reform*. – Cambridge: Cambridge University Press, 1976. – P. 55–172.

10 Başbakanlık Osmanlı Arşivi Rehberi. – İstanbul: T.C. Başbakanlık Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü, 2017. – S. 187.

11 История Центральной Азии в османских документах. Том 3. Общественная и повседневная жизнь / ред. Шахин Мустафаев, Мустафа Серин. – Самарканд: МИЦАИ, ТОО. 2012. – С. 129–131. Усмонийлар империясида “қуруш” деб аталган пул бирлиги XVII аср охири – XIX аср бошида муомалага киритилган. Қаранг: Pamuk Ş. *A Monetary History of the Ottoman Empire*. – Cambridge: Cambridge University Press, 2000. – P. 160.

лари аслида Истанбулдаги Топкапи саройида сақланса-да, унинг электрон нусхалари Бошвазирликнинг Усмонли архиви рақамли базасига ҳам бириктирилган. Ушбу жамғарма таркибида султон Абдулмажид I нинг Хива хонлиги билан алоқадор мактуби ҳам мавжуд. Электрон каталогда келган тавсифга кўра, ушбу “хатти ҳумоюн”да “ўтган йили ҳажга борган Хива элчисининг Истанбулга келгани ҳамда Хоразм хонининг самимий ихлос ва садоқатини баён этувчи мактубидан хурсанд бўлиб, султон ўз мамнунлигини изҳор этгани” ёзилган¹². Хужжатнинг 12 зул-ҳижжа 1277 / 25 июл 1861 йилда расмийлаштирилгани инобатга олинса, Хива элчиси ҳажга 1860 йилда боргани маълум бўлади. Бу сана Хива хонлигида Саййид Муҳаммадхон (хукм. 1856–1864) даврига тўғри келади. Эътиборли жиҳати, Абдулмажид I номидан ёзилган мактуб султон вафотидан тахминан бир ой ўтиб расмийлаштирилган. Мактуб матни, катга эҳтимол билан, қайд дафтарига кейинроқ киритилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Илк гуруҳга мансуб тарихий хужжатлар, хусусан, ҳукмдор мактублари ўзига хос ички ва ташқи белгиларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Ўз навбатида, Хива хонлигидан келган ва ҳозиргача сақланиб қолган асл мактублар ўзгача безатилиш услублари, ёрқин рангларнинг муайян маънога эга рамзий хусусиятларидан дарак берса, Усманийлар ҳукмдорлари мактублари эса матннинг шакллантириш босқичлари ва бу жараёнга жалб этилган муассасалар ҳамда масъул девонлар иш юритиш тартибидан хабар беради. Шунингдек, Хива хонлиги Қўнғиротлар сулоласи даврида элчилик вазифалари билан юборилган, бироқ ўша даврда яратилган ва бу ҳақида Хоразм бирламчи манбаларида зикр этилмаган маълумотларни қайта тиклашда Бошвазирликнинг Усмонли архиви ноёб ёзма маданий мерос намуналари ҳисобланади. Бундан ташқари, Хива хонлигига оид ҳукмдор мактублари жаҳон тарихшунослигида “субалтерн” тадқиқотлари йўналишида муҳим илмий аҳамиятга эга. Чунки бу турдаги тарихий хужжатлар Россия-Хива хонлиги муносабатларига Хоразм томонининг баҳоси, Россиянинг истилочилик юришларига билдирилган расмий муносабат ва муаммо ечимида Усманийлар империясининг роли кабиларни ўзида акс эттиради.

Иккинчи гуруҳга мансуб, ўзида Хива хонлигидан юборилган элчиларнинг ҳаракат йўналиши, уларнинг турар-жой ва моддий таъминотини акс эттирувчи хужжатлар жамғармалари кўпчиликини ташкил этади. Мазкур масалалар акс этган архив хужжатлари қуйидаги фондларда сақланади:

а) АЕ.SSLM.III – *Ali Emiri Sultan Selim 3* (“*Али Эмири [маснифига кўра], Султон Салим III даври хужжатлари*”). Усманийлар салтанати султони Салим III (хукм. 1789–1807) даврида ёзилган хужжатлар таркибидан Хива хонлигидан юборилган элчининг сафар давомидаги моддий таъминотини тўхтатиш ҳақидаги ҳукмдор кўрсатмаси ўрин олган.

¹² Электрон каталогда хужжат “Geçen sene hacca giden elçinin İstanbul’a gelmesinden ve Harzem hakiminin hulus ve bağlılığını arz etmesinden memnun olduğuna dair Sultan Abdülmecid’in hatt-ı hümayunu” тарзида тавсифланган.

Хужжатнинг тузилган санаси сифатида 21 рабиъул аввал 1214 / 21 август 1799 йил кўрсатилган. Демак, ушбу элчилик миссияси Хива хони Аваз иноқ даврида ташкиллаштирилган. Мазкур архив хужжати қисқача тавсифида элчининг Истанбулга келгани ва Хоразмга қайтиб кетгани баён қилинган. Демак, элчининг сафар билан боғлиқ харажатлари ўша давр дипломатик протокол қоидаларига мувофиқ ҳолда Усманийлар давлати хазинаси ҳисобидан қопланган.

б) С.Н.Р. – *Cevdet Hariciye ([Муаллим] Жевдет [маснифлаган] Ташиқи ишлар хужжатлари)*¹³. Мазкур жамғармадаги хужжатлар даврий чегараси 1616–1889 йилларни ташкил этади. Жамғармада Хива хонлигидан келган Қутбиддин исмли элчининг Ҳижозга томон йўл олгани ва бу сафар учун 25000 қоруш миқдоридagi пул маблағи Усманийлар империяси хазинасидан ажратилгани ҳақидаги хужжат ҳам сақланади. Хужжат 4 жумоди аввал 1257 / 26 июн 1841 йилда расмийлаштирилган бўлиб, унда Хива элчиси Қутбиддиннинг Меҳмед Пошшо тақиясида истиқомат қилгани ҳақидаги қайдни учратиш мумкин. Эътиборли жиҳати, элчи Қутбиддиннинг Ҳижозга саёҳати унинг илк ҳаж сафари ҳисобланиб, кейинги Хоразм-Усманий манбаларида унинг исмидан кейин “ҳожини” сўзини кўшиб ёзиш амалиёти учрайди.

в) İ.DH – *Îrâde Dahiliye (“Ички ишлар [масалалари бўйича] султоннинг буйруғи”)*. Жамғармадан Усманийлар салтанати султонларининг мамлакат ички ҳаётига оид фармон ва буйруқлари ўрин олган бўлиб, фонд 1839–1892 йиллар оралиғида тузилган жами 102476 та *Îrâdelардан таркиб топган*¹⁴. Улар орасида Хива элчиси Қутбиддинга 1841 йилда берилган совға-инъом ҳақидаги хужжат учрайди.

г) İ.MVL – *Îrâde Meclis-i Vâlâ (“Олий Кенгаш [қарорлари бўйича] султоннинг буйруғи”)*. Архив хужжатларига кўра, Олий Кенгаш 1840–1866 йиллар давомида анча фаол хизмат кўрсатган бўлиб, ушбу давр оралиғида мазкур олий тузилма томонидан 26378 та хужжат рўйхатга олинган¹⁵. Улар таркибида Истанбулга келган афғон шаҳзодаси ва хоразмлик бир шахс ҳақидаги султон буйруғи мавжуд. Хужжат мазмуни ушбу икки мусофирнинг сафар харажатлари масаласи олий даражада муҳокама қилинганга ишора қилади.

д) A.}AMD – *Sadâret Âmedî Kalemi (“Бошвазирлик [хузуридаги] Âmedî Kalemi хужжатлари”)*. *Âmedî Kalemi* султон саройи ва Бошвазирлик ўртасидаги ёзишмаларни олиб борувчи махсус идора ҳисобланган¹⁶. 1840–1862 йиллар оралиғида тузилган хужжатлар 94 та йиғмажилдда тў-

13 Başbakanlık Osmanlı Arşivi Rehberi. – İstanbul: T.C. Başbakanlık Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü, 2017. – S. 268.

14 Başbakanlık Osmanlı Arşivi Rehberi. – İstanbul: T.C. Başbakanlık Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü, 2017. – S. 187.

15 Başbakanlık Osmanlı Arşivi Rehberi. – İstanbul: T.C. Başbakanlık Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü, 2017. – S. 187.

16 Başbakanlık Osmanlı Arşivi Rehberi. – İstanbul: T.C. Başbakanlık Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü, 2017. – S. 195.

планган бўлса, 1862–1923 йиллар давомида расмийлаштирилган ёзишмалар 1253 та йиғмажилддан ўрин олган. Даврий жиҳатдан биринчи гуруҳга мансуб йиғмажилд таркибидаги 2 та хужжат ўзида Истанбулга келган Хива элчиси Шукруллоҳ оға бошчилигидаги дипломатик гуруҳнинг кунлик харажатларини қоплаш учун ажратилган маблағ ва Шукруллоҳ оғага сафарини яқунлаши муносабати билан илтифотнома берилгани ҳақидаги маълумотни ақс эттиради. Эътиборли жиҳати, Усманийлар империясида элчилик вазифасини яқунлаб, ўз юртига қайтаётган элчиларга муваффақиятли хизматини эътироф этиш мақсадида *iltifatname* деб номланувчи расмий хужжат тақдим қилиш анъанаси йўлга қўйилган бўлиб, иккинчи хужжат мазмунидан Хива элчиси Шукруллоҳ оға ҳам шундай хужжат билан тақдирлангани маълум бўлади.

е) А.}МКТ.NZD. – *Sadâret Mektubî Kalemi Nezâret ve Devâir Belgeleri* (“Бошвазирликнинг [ҳузуридаги] Мактубий қалами [идораси] орқали вазирликлар ва турли давлат идоралари билан хужжатлари”). Мактубий қалами Бошвазирликнинг котибият органи бўлиб, у Истанбулда жойлашган турли вазирликлар ва идоралар билан ёзишмалар олиб борган. Котибият ўзида 1849–1892 йиллар оралиғида тузилган тарихий хужжатларни жамлаган бўлиб, улар, ўз навбатида, жами 2087 та йиғмажилд таркибидан ўрин олган. Ёзишмалар орасида Шукруллоҳ оға бошчилигидаги элчилик гуруҳининг таъминоти ҳамда Хивадан Туркияга юборилган элчи Мехмет Мурод дипломатик миссиясига оид жами 4 та хужжат аниқланган. Хусусан, бир хужжатда Шукруллоҳ оғанинг ёрдамчисига таом ва кунлик харажатлари учун маблағ ажратилгани қайд этилган бўлса, бошқасида эса Шукруллоҳ оғанинг жўнаб кетишини Трабзонга кетаётган кема орқали ташкил этиш масаласи муҳокама қилинган. Ёзишмалар расмийлаштирилган саналардаги катта тафовут Шукруллоҳ оғанинг Истанбулга бир неча бор элчилик вазифаси билан ташриф буюрганига ишора қилади. Қолган икки хужжатда туркманлар вакили сифатида эътироф этилган Мехмет Муроднинг рухсат (ижозат) муддатини узайтириш ҳамда унинг турар-жой ва озиқ-овқат харажатлари таъминоти кабилар ақс этган.

ё) А.}МКТ.UM. – *Sadâret Mektubî Kalemi Umum Vilayet Belgeleri* (“Бошвазирликнинг [ҳузуридаги] Мактубий қалами [идораси] орқали вилоятлар билан хужжатлари”). Мазкур фонд Бошвазирлик котибияти ва империянинг вилоятлари ўртасидаги ўзаро ёзишмалардан ташкил топган. Фонд таркибида жами 2060 та йиғмажилд мавжуд бўлиб, улар даврий жиҳатдан 1849–1892 йилларни қамраб олади. Хоразмга оид учта хужжат орасида Қўнғиротлар сулоласи вакили Саййид Аҳмад – Отажон тўранинг хажга кетаётган вақтда унинг мол-мулки қароқчилар томонидан талангани ҳақидаги ёзишма мавжуд. Мазкур хужжат 16 шаъбон 1292 / 16 сентябр 1875 йилда расмийлаштирилган. Демак, Отажон тўра хаж сафарини Хива хонлиги Россия империяси протекторатига айланганидан кейин бошлаган.

ж) HR.МКТ. – *Hariciye Nezâreti Mektubî Kalemi Belgeleri* (“Ташқи

ишлар вазирлигининг котибият ҳужжатлари”). Котибият Ташқи ишлар вазирлигининг Истанбулдаги бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда вилоятлардаги муассасалар билан ёзишмаларни олиб боришга масъул ҳисобланган¹⁷. Гарчи Бошвазирликнинг Усмонли архиви бўйича яратилган қўлланма китобда¹⁸ фонд таркибида 383 та йиғмажилд мавжудлиги ва улардаги тарихий ҳужжатлар даврий жиҳатдан 1838–1861 йилларни қамраб олиши қайд қилинган бўлса-да, аммо электрон каталогдаги маълумотларга кўра, Хива элчилари билан боғлиқ ёзишмалар 1867 йилгача бўлган даврда ҳам тузилган. Эътиборли жиҳати, Хоразм элчиларининг турар-жой, таъминоти ва империя ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш йўналишларига оид кўплаб ҳужжатлар мазкур фонд йиғмажилдлари таркибида учрайди.

Илк гуруҳга киритилган, тавсифлари юқорида берилган жамғармалар – *Îrâde Hariciye*, *Îrâde Meclis-i Mahsûs*, *Divan-ı Hümayûn Sicilleri Nâme-i Hümayûn Defterleri* таркибида ҳам иккинчи гуруҳга мансуб архив ҳужжатлари мавжудлиги аниқланди. Умуман олганда, иккинчи гуруҳ тарихий ҳужжатлари Хоразмдан келган элчилар исмлари ва улар шахси, элчилик гуруҳларининг йўналиш маршрутлари, уларнинг турар-жой ва моддий таъминоти ҳақида нисбатан тўлиқроқ маълумотларни тақдим этади. Шунингдек, ушбу турдаги бирламчи манбалар таҳлили дипломатик протокол қодалари ва уларнинг Хоразм элчилари мисолидаги амалиёти ҳақида ҳам мавжуд тасаввурларни бойитишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Усмонийлар империясида иш юритиш тартиби ва архив ҳужжатшунослигининг тизимли равишда йўлга қўйилганлиги турли хил ва ранг-баранг ёзма манбалар коллекцияларининг шаклланиши ва ўзига хос маданий репозиторийнинг юзага келишига замин яратган. Мазкур архив коллекциялари “ҳокимият ва билим” контекстида таҳлил этилса, маълумотларни тўплаб боришга ундаган омиллар ва улар ортида ётган мантиқий сабабларни янада яхшироқ фаҳмлаш мумкин. Бундан ташқари, Хива хонлиги ва Усмонийлар салтанати ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихини акс эттирувчи архив ҳужжатлари орқали хорижий элчилик миссиялари учун масъул идоралар, уларнинг ваколати ва ишлаш тартибини янада кенгроқ доирада ёритиш мумкин. Бу жараёнда Танзимат даврининг бошқарув тизими ва марказий девон фаолиятига таъсирини инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

Илмий муаммонинг манбавий тадқиқи, бир томондан, Усмонийлар империясида қайдай турдаги ҳужжатларнинг амалда бўлгани, уларнинг функциялари ва умуман олганда, ҳужжатшунослик маданияти ҳақидаги манзарани тиклашга хизмат қилса, иккинчи томондан, Хива хонлигидан келган мактублар асосида хонликда ўша даврда амалда бўлган ва ўзига хос ҳолатда шаклланган ҳужжатшунослик анъанасини қайта тиклаш имконияти яратилади.

17 Başbakanlık Osmanlı Arşivi Rehberi. – İstanbul: T.C. Başbakanlık Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü, 2017. – S. 232.

18 Başbakanlık Osmanlı Arşivi Rehberi. – İstanbul: T.C. Başbakanlık Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü, 2017. – S. 233.

Ўз навбатида, муайян элчилик миссияси натижасида расмийлаштирилган ёзишмалар фақатгина расмий протоколнинг айрим жиҳатларини ўзида акс эттирибгина қолмасдан, балки улар икки томоннинг ўз-ўзини тасвирлаш, халқаро майдондаги, айниқса, мусулмон оламидаги сиёсий-маънавий мақомларини ифода этиш воситаси ҳам ҳисобланган. Бундан ташқари, ҳукмдорлар мактублари ўша даврдаги минтақавий сиёсий жараёнлар ва воқеалар ҳамда уларга берилган икки давлатнинг баҳосини намоён этиши билан аҳамиятлидир.

Резюме

Мақолада Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Усманийлар империяси билан олиб борилган дипломатик алоқалар тарихини ёритувчи, Бошвазирликнинг Усмонли архиви (Başbakanlık Osmanlı Arşivi) фондларида сақланаётган ҳужжатлар таҳлил этилади. Ушбу маданий *репозиторий* таркибидаги ҳужжатлар элчилик алоқалари контекстидан келиб чиқиб, икки катта гуруҳга таснифланади ҳамда асосий эътибор уларнинг турлари ва қисқача тавсифига қаратилади. Шунингдек, мазкур бирламчи манбаларнинг Хива хонлиги ва Усманийлар салтанати ўртасидаги алоқалар тарихини ёритишдаги аҳамияти ҳамда *субалтерн* тадқиқотлари учун илмий қиймати ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: *архив, Хива хонлиги, Усманийлар империяси, дипломатик алоқалар, мактублар, элчилик миссияси, тарихий ҳужжатлар*

В статье анализируются документы, хранящиеся в фондах Османского архива при Премьер-министре (Başbakanlık Osmanlı Arşivi), отражающие историю дипломатических отношений Хивинского ханства с Османской империей в период правления династии Кунгратов. Архивные документы данного культурного репозитория в контексте посольских связей классифицируются на две крупные группы, при этом основное внимание уделяется их видам и краткой характеристике. Также рассматривается значение этих первоисточников для изучения истории отношений между Хивинским ханством и Османским государством, а также их научная ценность для субалтерных исследований.

Ключевые слова: *архив, Хивинское ханство, Османская империя, дипломатические отношения, письма, посольская миссия, исторические документы*

The article analyzes documents preserved in the collections of the Prime Ministry Ottoman Archives (Başbakanlık Osmanlı Arşivi) that shed light on the history of diplomatic relations between the Khanate of Khiva and the Ottoman Empire during the rule of the Qongrat dynasty. Within the context of diplomatic missions, the archival documents of this cultural repository are classified into two major groups, with primary attention given to their types and brief descriptions. The article also discusses the significance of these primary sources for reconstructing the history of relations between the Khanate of Khiva and the Ottoman Empire, as well as their scholarly value for subaltern studies.

Keywords: archive, Khanate of Khiva, Ottoman Empire, diplomatic relations, royal letters, diplomatic mission, historical documents.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Başbakanlık Osmanlı Arşivi=BOA, A.}DVN. NMH, 6/11.
2. Başbakanlık Osmanlı Arşivi=BOA, A.}DVN. NMH, 43/29.
3. Başbakanlık Osmanlı Arşivi Rehberi. – İstanbul: T.C. Başbakanlık Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü, 2017.
4. Belgelerle Osmanlı-Türkistan ilişkileri (XVI–XX. yüzyıllar). – Ankara: Devlet Arşivleri Genel Müdürlüğü, 2005.
5. İlhan M.M. An Overview of the Ottoman Archival Documents and Chronicles // Tarih Araştırmaları Dergisi. Volume 27, number 44. 2008. – P. 21–40.
6. İnalçık H. The Ottoman Empire: The Classical Age, 1300–1600. – London: Phoenix Press, 2000.
7. Osmanlı Devleti ile Kafkasya, Türkistan ve Kirim Hanlıkları Arasındaki Münâsebetlere Dâir Arşiv Belgeleri (1687–1908 yılları arası). – T.C. Ankara: Başbakanlık Devlet Arşivleri, 1992.
8. Pamuk Ş. A Monetary History of the Ottoman Empire. – Cambridge: Cambridge University Press, 2000.
9. Shaw S.J., and Shaw E.K. History of the Ottoman Empire and Modern Turkey: Volume 2, The Era of Modern Reform. – Cambridge: Cambridge University Press, 1976.
10. История Центральной Азии в османских документах. Том 1. Политические и дипломатические отношения / ред. Шахин Мустафаев, Мустафа Серин. – Самарканд: МИЦАИ, ТОА. 2011.

QOSIMJON SODIQOV

«QUTADG‘U BILIG» MASNAVIYSINING
NAMANGAN QO‘LYOZMASI

So‘zboshi

Namangan nusxasida asarning oti قوتادغو بليگ *Qutaḍyu bilig* (QBN.11a.13.2) // قوتادغو بليگ *Qutaḍyu bilig* (QBN.19b.7.1) deb berilgan. Ushbu ot tarkibidagi *qut* so‘zi – «qut, baxt; davlat» ma’nosida; *-ad* // *-aδ* – fe’l yasovchi; *-yu* – sifatdosh qo‘shimchasi; *qutaḍyu* / *qutaδ̣yu* – «qutlantiruvchi; baxtga eltuvchi» degani; *bilig* – «bilim; asar, kitob» anglamida. Shularga ko‘ra, asarning oti «Qut berguchi bilim» / «Baxtga eltuvchi kitob» ma’nolarini beradi.

XI–XV yuzyillarda «Qutadg‘u bilig»ning uyg‘ur hamda arab yozuvli qo‘lyozmalari keng tarqalgan. Fanda masnaviyning uch yirik qo‘lyozmasi ma’lum: biri uyg‘ur, ikkisi arab xatida (*qarang*: Arat 1991, XXXIII–XXXIX; Содықов 2000,149–191). Mavjud qo‘lyozmalar ichida arab yozuvli Namangan va Qohira nusxalari eskiroqdir. Ulardan biri taxminan XIII yuzyilda ko‘chirilgan, hozir O‘zbekiston Fanlar akademiyasining Sharqshunoslik institutida saqlanmoqda (1809- sonli qo‘lyozma) (Каримов 1976,16; Arat 1991,XXXVI–XXXVIII;). Bu nusxa topilgan yeriga ko‘ra *Farg‘ona* yoki *Namangan nusxasi* deb ataladi.

Asarning arab yozuvli boshqa bir qo‘lyozmasi, taxminlarga qaraganda, XIV yuzyilda ko‘chirilgan, hozir Qohirada saqlanmoqda (Misr Milliy kutubxonasi, 168- sonli qo‘lyozma) (Arat 1991,XXXVIII–XXXIX).

Uyg‘ur yozuvli qo‘lyozmani XV- yuzyilda Hirotda Hasan Qora Sayil Shams baxshi ko‘chirib tugallagan, hozir Venada saqlanayotir (Wien, ÖNB, Cod. A.F.13). Shunga ko‘ra, *Vena* yoki *Hirotda nusxasi* deyiladi (Radlov 1890; Arat 1991,XXXIII–XXXVI; Sertkaya 1977,13; Содықов 2010,4–26).

Namangan nusxasining ochiqlamasi

«Qutadg‘u bilig» Namangan qo‘lyozmasining ko‘chirilgan yili va yeri ham, kotibi ham aniq emas. Masnaviyning nasx xatida ko‘chirilgani, sarlavhalarning esa sulsda bitilgani va matnning grafik xususiyatlarini ko‘zda tutgan holda, qo‘lyozma XIII yuzyilda ko‘chirilgan deya taxmin qilinadi.

Ushbu qo‘lyozmani ilk o‘rta asrlar O‘rta Osiyo kitobat san’atining ajoyib namunasi desa bo‘ladi. Muqovasi o‘ziniki. Boshlang‘ich jildlangan holda turibdi. Matn novvatrang Samarqand qog‘oziga bitilgan.

Qo‘lyozma jami 225 varaqli. Kitob varaqlarining ketma-ketligi uch marta qora qalamda raqamlab chiqilgan: birinchisi, har bir betning yuqorisiga arab raqamlarida; ikkinchisi, har bir betning ostiga hozirdi raqamlarda (bu tartib bo‘yicha asar matni 445- betda tugaydi); uchunchisi, har bir varaqning o‘ng

yuzi yuqori burchagiga hozirgi raqamlar bilan belgilab chiqilgan (Biz kitob varaqlarini so'nggi raqamlar bo'yicha *a*, *b* tartibida belgilab boramiz).

Qo'lyozmaning 1a- varag'ida uning saqlanish raqami (№ 1809) qo'yilgan. Undan quyiroyqda fondning to'rtburchak muhri urilib, uning ichiga ham qo'lyozmaning saqlanish raqami (1809) yozilgan. Ayni muhri belgi 2a- varaqning yon hoshiyasiga ham urilgan. 222b- sahifaning ostida, so'nggi baytning yonginasiga ham kitobning saqlanish raqami (1809) qayd etilgan.

«Qutadg'u bilig» asari qo'lyozmaning 1b- varag'idan boshlanib, 223b- varag'ida tugaydi. 224a,b- varag'iga keyinchalik boshqa bir nasriy matn uzindisining 4 beti ko'ndalangiga yozib qo'yilgan. Qo'lyozmaning so'nggi 225- varag'i bo'sh qolgani uchun unga «Qutadg'u bilig»ga bag'ishlangan maqolalar bilan bog'liq qaydlar arab xatida yozib qo'yilibdi.

Har sahifaga 15 qatorli (sarlavhali betlarda bundan ozroq) matn ikki ustunga olib yozilgan. Har qatorda bir bayt: avval bir satri, davomiga ikkinchi satri ulanib ketadi. Matn boshdan oxir ikki ustunli qizil chiziqqa (jadvalga) o'rog'liq.

Bob va bo'limlarning sarlavhalari, masnaviyga kiritilgan to'rtliklar ham qizil chiziqlar bilan ajratib ketilgan.

Qo'lyozmaning hozirgi saqlanganlik holati

Qo'lyozmaning saqlanganlik holatini yaxshi deb bo'lmaydi – uzoq yuzyillarning ta'siri sezilib turadi: kitob ancha uringan; varaqlarning chetlari titila boshlabdi; orada qog'oz bilan yelimlab chiqilgan varaqlari ham bor; dog' tushgan betlari ham ko'p.

Yana 87b – 88a; 103b – 104a; 111b – 112a; 130a – 131a betlar namiqib, xatining rangi ancha ketib qolgan. Yoki 132b – 133a betlar chirib, matni o'chgan qatorlari bor.

Yana bir jihati, matn davomida ayrim iste'moldan chiqqan, arxaik so'zlar ostiga ularning ma'nolari yozib qo'yilgan. Masalan: *yudti* ostida *kötürdi* (QBN.9b,4); *tuči* ostida *dāim* (QBN.9b,7); *silig* – *körklüg* (QBN.8b,14); *obri* – *čuqur* (QBN.10b,13); *köräk* – *yapraq* (QBN.11b,4); *ayirlar* – *saqlar* (QBN.13a,9); *bedüglük* – *uluyluq* (QBN.12b,13); *qumaru* – *pand* (QBN.14a,8); *kišanlig* – *band* (QBN.18b,1) singari.

Ko'rinishdan, bu izohlar qo'lyozma kotibi tarafidan emas, keyinchalik boshqa bir kimsa tarafidan kiritilgan. Xat uslubi kotibning uslubidan farqli; uqadar chiroyli ham emas; och qorada; ba'zi o'rinlarda siyohi ham quyqalashib ketgan. To'g'ri, buning singari izohlarni o'ziga xos lug'at desa bo'ladi. Lekin kotibning o'zi yozmagan bo'lsa, nafis matnning originalligini buzmaslik kerak.

Kitob qo'ldan-qo'lga o'tib yurgan chog'larda unga nisbatan pisandsizlik ham bo'lgan. Jumladan, kitobning 64a-, 67a- betlaridagi zarhalda bitilgan to'rtliklar yozuvi ustidan qora bilan bo'yab chiqilgan. Yoki yana 136a, 146a, 157a, 158a, 184a- betlardagi sarlavhalar ustidan ham qora bilan bo'yab qo'yilibdi.

Yana ayrim hoshiyalarga qora qalamda yozib qo'yilgan joylari ham bor. Masalan: 78a- betda lotin harfida: *R. 182*; 85a- betda: *R. 187*; 90a- betda: *R. 211*;

94a- betda: R.221. Bu yerdagi R harfi, harqalay, asarning V. Radlov tarafidan amalga oshirilgan nashrini anglatadi. Ma'lumki, V. Radlov bu nusxa topilgunga qadar uyg'ur yozuvli Hirot qo'lyozmasi bo'yicha asar nashrini yaratgan edi. Namangan nusxasini o'sha nashr bilan qiyoslab chiqqan tadqiqotchi, yon daftariga emas, qo'lyozma hoshiyasiga belgi qo'yib ketgan.

Ushbu nuqsonlarga qaramay, qo'lyozma kitobning ko'rki va yozuvi yaxshi saqlangan: o'ta chiroyli qo'lyozma; o'z davri kitobat san'atining ajoyib yodgorligidir.

Matnning xat turlari

Ko'hna kitob ancha uringan bo'lsa-da, yetti yarim asrlik o'zha salobat uning yozuvida, xat turi va uslubida hanuz saqlanib turibdi. Xattotning yuksak mahorat egasi ekanligi kitobda yaqqol aks etgan. Qo'lyozma martabali kimsaning buyurtmasi bilan maxsus ko'chirilgani aniq. Xati nafis va tartibli. Unda asosiy matn chiroyli nasxda bitilgan; sarlavhalar esa chiroyli sulsda; yangi yozilganday tiniq. Hatto, sahifani to'ldirish uchun, 93b,14-, 142b,14-, 167a,14- qatorlardagi baytlar ham yirik harflar bilan sulsda bitilgan.

Asosiy matn qorada, qo'shimcha harfiy harakalar oz; sulsdagi sarlavhalar esa qora, qizil, ko'k, zarhal ranglarda bitilib, harfiy harakatlar bilan izchil ta'minlab borilgan.

Muhimi shundaki, boblar sarlavhalarigina emas, asar qahramonlarining o'zaro savol-javoblari ham (*Elig savāli Ögdülmiškä; Ögdülmiš javābi eligkä* singari) sarlavha shaklida ajratib berilgan; ular ham sulsda va turli ranglarda.

Yana oradagi to'rtliklar ham zarhalda.

Poygir belgilari (har bir varaqning oxiriga keyingi varaqning qiyalatib yozilgan ilk so'zi), aftidan, keyinchalik, qo'lyozma fondga kelib tushgandan so'ng yozib chiqilgan ko'rinadi. U yuqoridagi matndan farqli o'laroq, siyoh rangda, kitob oxirlagan sari qizilda bitilgan; xat uslubi ham qo'lyozma kotibining yozuvidan keskin ajralib turibdi.

Matnning imlo xususiyati: harf va tovush munosabatlari

Arab yozuvida bitilgan turkiy qo'lyozmalar harflarning fonetik vazifasi, imlo xususiyatiga ko'ra arabcha va forscha matnlardan keskin ajralib turadi. Buning sababi, turklar arab alifbosini o'zlashtirganda, eski tajribalarini ishga solib, uni ham o'z tillarining fonetik tizimiga moslashtirib olganlar. Arab alifbosi negizidagi eski turkiy yozuv – turkiy muhitda ona tilining tovush xususiyatiga mos holda qayta ishlab chiqilgan, imlo prinsiplari turkiyning fonetik tizimiga moslangan o'ziga xos xat turi edi. Shuning uchun ham turkiy xalqlar yuzyillar osha ushbu alifbodan hech bir qiyinchiliksiz foydalanib keldilar.

Yana turkiy qo'lyozmalar yaratilgan va ko'chirilgan davriga ko'ra ham bir-biridan ajralib turadi: xusan, ilk o'rta asrlarning qo'lyozmalari keyingi davr qo'lyozmalaridan ayrim jihatdan farq qiladi.

Quyida «Qutadg‘u bilig» arab yozuvli Namangan qo‘lyozmasining fonetik, yozuv va imlo xususiyatlarini o‘rnaklarda ko‘rib chiqamiz.

Unlilar tizimini ifodalash uchun uchta harfdan foydalanilgan: *alif*, *vāv*, *yā*.

Bu o‘rinda *alif* harfi – [a], [ā], [e] tovushlarini; *vāv* harfi lablangan [o], [ō], [u], [ū] unlilarini; *yā* harfi esa [y] undoshidan tashqari [i], [ī], [e] unlilarini anglatadi. Yana bu harflar arabch va forschadan o‘zlashgan so‘zlardagi cho‘ziq unlilarni ([ā], [ī], [ū], [ō] singari) ham bildiradi.

Turkiy qo‘lyozmalarining arabcha va forscha matnlardan farqlanuvchi belgilaridan yana biri, ularda unlilar yozuvda izchil ifoda etilgan. Buning sababi, turkiy xalqlar islomdan avvalgi kezlarda ishlatgan uyg‘ur yozuvida unlilar to‘liq ifodalana edi. Ular arab xatini o‘zlashtirganlarida ham eski yozuvning ana shu prinsipini saqlab qoldilar.

Turkiy matnlarda undoshlarni ifodalovchi harflarning fonetik vazifalari ham o‘ziga xos tarzda amal qiladi.

Qo‘lyozmalarda *kāf* (ك) harfi jarangsiz [k] va jarangli [g] undoshlarini ifodalaydi; o‘rniga qarab, u turlicha oqilaveradi. Shunday esa-da, Namangan nusxasida ora-orada jarangli [g] ni farqlash uchun *kāf* ning ustiga uch nuqta qo‘yib ketilgan (ك). Masalan: *belgūlūg* (بلکولوغ) – belgili, aniq (QBN.165a,8); *ūlūg* (ولوغ) – hissa, ulush (QBN.165b,11); *biliglig bōgū* (بیلیکلینگ بوگو) – bilimli dono (QBN.186a,13); *eg-* (اگ) – (yov bo‘ynini) *eg-* (QBN.197b,9); *yegū-kedgūlūg* (یکو کدکولوغ) – yegu-kiygulik (QBN.211b,14) so‘zlaridagi singari.

Yoki yana: *ōg* (اوگ) – (1) aql (QBN.75b,1); (2) maqta- (QBN.75b,1); (3) ulug‘ yoshli, qariya (QBN.75b,2).

Qo‘lyozmada *elig* (ایلیگ) – elig, hukmdor (QBN.197b,3); *silig* (سیلیگ) – muloyim (QBN.212b,12); *bilig* (بیلیگ) – bilim (QBN.211b,10) so‘zlarida ham *kāf* ning ustiga uch nuqta qo‘yilgan. Ana shu ishoralar «Qutadg‘u bilig»da *beg*, *bitig*, *bilig* singari so‘zlar [k] bilan emas, [g] bilan talaffuz qilinganiga dalil bo‘la oladi.

Uch nuqta belgisi [ɣ] tovushini ifodalash uchun ham ishlatilgan: *yašīñ* (یاشینگ) – yoshing, umring (QBN.198b,2); *señā* (سنگا) – senga (QBN.208b,13) singari.

Muhimi shundaki, suls yozuvli sarlavhalarda harfiy ishoratlar izchil ishlatilgani uchun *kāf* ning ustiga ham uch nuqta qo‘yilgan. Masalan: *bilgä* (بیلگا) – dono (QBN.157a,3); *Ögdülmiš* (اوگدولمش) – O‘gdulmish (QBN.140b,7) singari.

Hatto jo‘nalish qo‘shimchasi ingichka variantidagi *kāf* ning ustiga ham uch nuqta qo‘yilgan so‘zlar bor. Shuning uchun bu o‘rinda ushbu qoshimchani *-kā* emas, *-gä* deb o‘qish to‘g‘ri bo‘ladi: *Ögdülmišgä* (اگدولمشگا) – O‘gdulmishga (QBN.134a,3); *beglärgä* (بکلارگا) – beglarga (QBN.146b,4) singari. Ushbu ishoratlar asar tilida jo‘nalish qo‘shimchsining ingichka varianti *-kā* bilan birga *-gä* shaklida ham ishlatila boshlaganini ko‘rsatadi. Bu narsa qo‘lyozmaning ko‘chirilgan davri bilan ham bog‘liq bo‘lishi mumkin.

Shuningdek, turkiy qo‘lyozmalarda ب harfi jarangli [b] va jarangsiz [p] tovushlarini bildiradi; o‘rniga qarab, u yoki bu tovush sifatida o‘qib ketilaveradi. Qo‘lyozmada ora-chora [p] ni ifodalash uchun پ harfidan ham foydalanilgan: *tapunmaq* (تپونماق) – xizmat qilmoq (QBN.146b,4).

«Qutadg‘u bilig» tilida tishora [δ] tovuchi ham bor. Yozuvda u ذ harfi bilan ifodalangan: *bodun* (بودون) – xalq (QBN.13a,14); *edgü* (انكو) – ezgu (QBN.13b,14); *bedüg* (بنوك) – buyuk (QBN.17a,10); *bitip qod-* (بتيب قوذ) – bitib qo‘y- (QBN.16b,5) sozlaridagi singari. Bu tovush [d] ga variant sifatida ishlatiladi (*d* ~ *δ*). Matnda <δ> so‘zlarning ba‘zan <d> bilan yozilishi ham bunga dalildir.

Qolyozmada [w] tovushi و yoki ف harflari bilan ifodalangan. Masalan: *sawçi* (سافجی) – payg‘ambar (QBN.8b,1); *yalawaç* (يلافچ) – payg‘ambar (QBN.9a,11); *yawuz* (يفوز) – yovuz (QBN.18b,7); *owuthuy* اوڤوتلۇغ – andishali (QBN.9a,1); *ewlik* (ايڤ ليك) – xotin (QBN.162a,9); *jaw* (جاف) – dovrug‘ (QBN.25b,4); *saw* (ساف) – xabar (QBN.25b,4) singari. Yoki ف ning misoli: *yalawaç* (يلافچ) – payg‘ambar (QBN.9b,1); *ew* (اف) – burj (QBN.12a,4).

Mahmud Koshg‘ariyning «Devonu lug‘ati-t-turk» asarida ham [w] undoshi و yoki ف harflari bilan berilgan. Muhimi shundaki, ف bilan berilgan so‘zlarni asarning hozirgi zamon nashrlarida [f] deb o‘qimoqdalar. Biroq, shuni unutmash kerak, turkiy so‘zlarda [f] tovushi bo‘lmagan, u o‘zlashgan so‘zlardagina keladi. Shundan kelib chiqib, turkiy so‘zlarda kelgan ف ni [f] emas, [w] deb o‘qilgani ma‘qul. Bu fikrning to‘g‘riligini qo‘lyozmada bir so‘zning ikki xil yozilgani ham isbotlaydi: *اڤت* (MK.27a) // *اف ew* – «uy» (MK.268b); *اڤت* (MK.19a) // *اڤت uwut* – «uyat, andisha» (MK.268b) singari.

Arab yozuvli turkiy matnlarda *jīm* harfining vazifasi ham ikki xil, u [j] va [č] tovushlarini bildiradi; o‘rniga qarab, u yoki bu tovush sifatida o‘qilaveradi: *jafā qil-* (جفا قيل) – (QBN.114b,7); *hājib* (حاجب) – hojib (QBN.25b,7); *čīyay* (جیغای) – kambag‘al (QBN.162a,2); *küç* (كوج) – kuch (QBN.20b,8); *keç qal-* (كيج قال) – kech qol- (QBN.26b,2); *til ač-* (تیل اچ) – til och- (QBN.27b,1).

Ayrim o‘rinlardagina jarangsiz [č] ni ajratish uchun nuqtali چ harfidan ham foydalanilgan: *Māčīn* (ماچین) – Mochin; viloyat oti (QBN.1b,10).

«Qutadg‘u bilig» tilida sirg‘aluvchi, murakkab artikulyatsiyali, Mahmud Koshg‘ariy so‘zi bilan aytganda, «ikki maxraj orasidagi» [ž] tovushi ham bor. Bu tovush asarning arab yozuvli qo‘lyozmalarida ژ harfi bilan ifodalangan. Masalan: *ažun* (اژون) – dunyo (QBN.16b,7); *tāžiklār* (تاژیکلار) – forsalar (QBN.17a,11); *eriž* (اریژ) – farog‘at (QBN.22b,1) so‘zlaridagi singari.

Arab tilli matnlarda arab tiligagina xos bo‘lgan tovushlar uchun alohida harflar bor. Turkiy matnlarda arab va fors tillaridan o‘zlashgan so‘zlarga nisbatan yozuv prinsipi qo‘llangan. Ya‘ni o‘sha so‘zlar arabcha va forscha matnlarda qanday yozilsa, turkiy matnlarda ham o‘shanday yozilavergan.

Lekin talaffuzda ular turkiy tilga moslangan. Bu narsa klassik turkiy matnlar uchun o'zgarimas qoida edi.

Masalan, arabchadan o'zlashgan so'zlardagi ص va ث harflari turkiy matnlar tilida [s]; ض va ظ harflari [z] sifatida o'qilgan ba b.

O'rnaklar:

ذ <δ> harfi: ذولجالل *δū-l-jalāl* – zuljalol; Allohning sifatlaridan biri (QBQ.2a,10).

ه <h> harfi: *himmat* (<ar. همت) – himmat (QBN.21b,10); *handasa* (<ar. هندسه) – handasa (QBN.104a,7);

ح <h> harfi: *ḥabīb* (<ar. حبيب) – sevimli (QBN.20b,15); *ḥājib* (<ar. حاجب) – hojib (QBN.25a,1);

ث <s> harfi: *sanā* (<ar. ثنا) – sano, maqtov (QBN.115a,12); *masal* (<ar. مثل) – maqol (QBN.18b,5);

ع <'> harfi: *'Alī* (<ar. على) – Aliy (QBN.9b,2); *'āfiyat* (<ar. عافيت) – ofiyat (QBN.19b,14);

ظ <z> harfi: *nizām* (<ar. نظام) – nizom (QBQ.3b,16);

ط <ʔ> harfi: *tā'at* (<ar. طاعت) – toat, ibodat (QBN.119a,14); *xat* (<ar. خط) – xat, yozuv (QBN.101a,7);

ض <d> harfi: *Daḥāk* (<ar. ضحاک) – Zahhok; kishi oti (QBN.16b,3); *faḍl* (<ar. فضل) – fazl (QBN.21a,2);

ص <s> harfi: *ṣabā* (<ar. صبا) – sabo (QBN.10a,5).

Qizigi shundaki, asarning Namangan qo'lyozmasida sof turkiy so'zlarda ham, o'rni bilan, arab tiliga xos bo'lgan harflar ishlatilgan. Masalan, *Ṭawyačxan* (طفاغ خان) – Tavg'achxon (QBN.2a,9); *at* (اط) – ot, hayvon (QBN.18b,1); qizig'i shundaki, [ʔ] ning ingichka varianti ham ba'zan <ʔ> harfi bilan yozilgan; *erāt* (اراط) – sipoh, qo'shin turi (QBN.150b,5).

Lekin bunday so'zlarda ular maxsus fonemani ifodalagan emas, balki turkiy so'zlardagi undoshlarning yo'g'on variantini yoki so'zning o'ziga xos talaffuzini anglatich uchun ishlatilgan, xolos.

Asarning tuzilishi

«Qutadg'u bilig»ning kunimizgacha saqlangan qo'lyozmalari orasida nisbatan to'lig'i va butun holda saqlangani Namangan nusxasidir. Matn davomida uzilish yo'q; bir tekis va tartibli; muhimi, xati chiroyli va savodli. Lekin kitobning so'nggi uchta – xotima boblari ushbu qo'lyozmada tushib qolgan.

Qohira nusxasi ham chiroyli va tartibli; muhimi, matn savodli bitilgan. Kitobning ko'lami Namangan nusxasiga yaqinlashadi. Lekin varaqlar butunlay qorishib ketgan; qo'lyozma fondga kelib tushganida qanday bo'lsa, shu turishicha yangidan jildlab qo'yilavergan chog'i. Kitob qo'ldan qo'lga o'tib yurganida shunday qilingan bo'lishi ham mumkin. Ko'p varaqlari yo'qolgan. Yanada achinarlisi, oraliqdagi varaqlarning anchasi kuyib tushgan. Birdan bir yo'li, asarning boshqa qo'lyozmalariga tayanib, matn izchilligini tiklasi bo'ladi.

Hirot qo‘lyozmasi uyg‘ur yozuvida ekanligi bilan ardoqlidir. V. Radlovning yozishicha, qo‘lyozma o‘nta yirik bichimli daftarga bitilgan. Qo‘lyozmaning boshlanishi ham, oxiri ham bor. Hatto, keyinchalik kitobga qo‘shimcha qilingan she‘rlar ham turibdi. Lekin, achinarlisi, orada ayrim daftarlar tushib qolgan; shunga ko‘ra ham, kitobning ko‘lami boshqalaridan kichik.

(I) Asarning uchala qo‘lyozmasi nasriy muqaddima bilan boshlangan. Unda tangriga hamd, yalavoch alayhi-s-salomga va uning to‘rt eshiga na‘t aytilib, so‘ng kitobga ot berilishi va uning xonga tortiq qilingani, asar xonga ma‘qul tushib, uning muallifini yuksak lavozimga qo‘ygani, asarda qatnashuvchi ramziy qahramonlar, ular o‘rtasida savol va javob, munozara borajagi to‘g‘risida so‘z yuritiladi.

Asarning Hirot va Qohira nusxalarida nasriy muqaddimadan keyin 77 baytli she‘riy muqaddima keladi. Unda ham nasriy muqaddimada aytilganlar, lekin endi she‘riy yo‘l bilan bayon qilinadi. Qizg‘i shundaki, Namangan nusxasida se‘riy muqaddima yoq; nasriy muqaddimadan keyin boblar mundarijasi (fihristi abvab)ga o‘tiladi.

Mazmuni va bayon uslubiga qaraganda, nasriy va she‘riy muqaddimalar, asarga keyinchalik, uning ikkinchi variantida kiritilgan, deyish mumkin. Aftidan, muallifning ko‘zi tirikligidayoq, asar bir nechta variantga ega bo‘lgan ko‘rinadi.

Fihristi abvabda asar boblarining otlari ketma-ketlikda keltirilgan. Biroq, mundarijada berilgan bob sarlavhalarining soni asarning ishida kelgan sarlavhalar sonidan farq qiladi. Tag‘in asar nusxalari orasidagi matniy farq ham ancha. Masalan, Hirot qo‘lyozmasi mundarijasida 73 ta bob oti keltirilgan; Namangan qo‘lyozmasida – 68 ta; Qohira nusxasida esa 72 tadir.

Olimlar «Qutadg‘u bilig»dagi boblar sonini 73 ta deb ko‘rsatganlar. Biroq, mavjud qo‘lyozma nusxalarni o‘zaro chog‘ishtirib, asarning yig‘ma matni tuzulgedek bo‘lsa, boblar soni ancha ortadi.

Asarning boshdagi o‘n bitta bobi debocha. Uyg‘ur yozuvli Hirot qo‘lyozmasida ushbu boblar quyidagicha atalgan:

Täjri ‘azza va jalla ögdüsin ayur. – «Ulug‘ va qudratli Tangrining hamdini aytadi» (QBH.5b,19).

Yalawač ‘alayhi-s-salam ögdüsin ayur. – «Yalavoch alayhi-s-salomning madhini aytadi» (QBH.6b,2).

Tört şahābanīj faḍilatīn ayur. – «To‘rt sahobaning fazilatini aytadi» (QBH.7a,1).

Yaruq yaz faşlin, uluy Buyraxan ögdüsin ayur. – «Yorug‘ ko‘klam faslini, ulug‘ Bug‘raxon madhini aytadi» (QBH.7a,16).

Yeti yulduz, on iki ökäk buruj(nī) ayur. – «Yetti yulduz, o‘n ikki burjni aytadi» (QBH.8a,25).

Yalīnyuq oylanī ayīrlīqī bilig, uquş birlä erdükin ayur. – «Odam bolasining qadri bilim, uqush bilan belgilanajagini aytadi» (QBH.8b,17).

Til erdāmin, münin, asyī, yasīn ayur. – «Tilning fazilati, ziyoni, foydasi va zararini aytadi» (QBH.9a,2).

Kitāb edāsi sözlāmiškā öz 'udrīn qulur. – «Kitob muallifi so'zlaganiga o'z uzrini so'raydi» (QBH.9b,2).

Edgūluk qilmay ōgdisin, asīylarīn sözlār. – «Ezgulik qilmoq madhini, foydalarini sozlaydi» (QBH.9b,9).

Yalhuq arīyliyi bilig, uquš birlā erdükin ayur. – «Inson pokligi bilim, uqush bilan olchanajagini aytadi» (QBH.10b,5).

Kitāb atī, yörügin ayur, yemā awučqalīynī sözlār. – «Kitobning oti, yo'rig'i aytadi, yana (o'zining) qariligini sözlaydi» (QBH.11b,5).

O'n ikkinchi bobdan boshlab bevosita voqealar bayoniga ko'chiladi. Shuning uchun ham ayni bob asarda *söz başi* deb atalgan. U Kuntug'di elig, ya'ni adl sifatlarining ta'rifi bilan boshlanadi. Mana o'sha bobning sarlavhasi:

Söz başi. Küntuydi elig üzä; uzlati bu 'adil turur. – «So'zboshi Kuntugdi elig uza; uzlati bu adldir» (QBH.12b,3).

Masnaviyning Namangan nusxasida tushib qolgan so'nggi uchta xotima boblari Qohira va Hiror nusxalarida to'liq saqlangan.

Qohira qo'lyozmasida so'nggi xotima boblar shunday atalgan:

Bāb. Yigitlikkā açinip, awučyalīqnī aytur. – «Yigitlikka achinib, (o'z) qariligini aytadi» (QBQ.11b,5).

Bāb. Ödlāk artaqinī, dōstlar jafāsini aytur. – «Bob. Zamona vafosizligi, dostlarning jafosini aytadi» (QBQ.193a,1).

Bāb. Kitāb idisi Yūsuf uluy Hājib özinkā pand berür. – «Bob. Kotob muallifi Yusuf ulug' Hojib o'ziga pand berur» (QBQ.10a,8).

(II) Asarning mavjud qo'lyozmalari ichida arab yozuvli Namangan va Qohira nusxalari eskiroqdir. Arab yozuvli nusxalar bo'la turib, uyg'ur xatida yangi bir qo'lyozmaning ko'chirilgani qiziq. Bu hodisa yozuv amaliyoti, xususan, o'sha kezlal turk-islom madaniy muhitida, Temuruylar davlatida uyg'ur va arab yozuvlarining tengma-teng ishlatilgani bilan bog'liq. XI–XV-yuzyillarda «Qutadg'u bilig»ning uyg'ur hamda arab yozuvli qo'lyozmalari keng tarqalgan. Shularga tayanib, asarning kunimizga qadar yetib kelmagan boshqa qo'lyozmalari ham ana shu ikki yozuvda bitilgan deya chamalasa bo'ladi.

E'tiborni to'rtadigan yeri shundaki, uchala nusxaning matni bir-biriga to'la mos kelmaydi. Qo'lyozmalarning biri boshqasidan ko'chirilgan emas. Ularga butunlay boshqa-boshqa nusxalar asos bo'lgan. Shu o'rinda mavjud qo'lyozmalarning qay biri eskiroq nusxadan ko'chirilgan, degan so'roqning tug'iluvi tabiiy. Bu borada, uyg'ur yozuvli Hirot qo'lyozmasi, keyingi davrga tegishli esada, boshqalariga qaraganda eskiroq nusxadan ko'chirilganini ta'kidlamoq kerak. Chamasi, unga asos bo'lgan qo'lyozma ham uyg'ur xatida bo'lgan.

Asarning arab yozuvli Namangan nusxasida bo'shlang'ich an'anaviy to'rtta bob – hamd, na't, sahobalar madhi va Tavg'ach Bug'raxonga bag'ishlangan boblarning sarlavhalari arabcha atalgan, keyingi boblarning sarlavhalari esa turkiyda.

Muhimi shundaki, uyg'ur yozuvli Hirot nusxasida ushbu boblarning sarlavhalari fihristda ham, matn orasida ham turkiydadir. Jumladan, matn ichidagi sarlavhalar shunday: «*Teñri 'azza va jalla ōgdūsin ayur*» – «Buyuk va

qudratli Tangrining hamdini aytadi» (QBH.5b.19); «*Yalawač 'alayhi-s-salam ögdüsin ayur*» – «Payg‘ambar alayhi-s-salom madhini aytadi» (QBH.6b.2); «*Tört sahbaniñ fađilatın ayur*» – «To‘rt sahobaning fazilatini aytadi» (QBH.7a.1); «*Yaruq yaz faşlin, uluy Buyraxan ögdüsin ayur*» – «Yorug‘ ko‘klam faslini, ulug‘ Bug‘raxon madhini aytadi» (QBH.7a.16).

Asarning arab yozuvli Qohira nusxasida matn orasidagi boshlang‘ich uch bob sarlavhasi arabcha, to‘rtinchi – Bug‘raxon o‘g‘dusi bobidan boshlab turkiy atalgan.

Ko‘rinadiki, boshda (muallif nixsasida) bob sarlavhalarining bari faqat turkiyda edi. Keyinchalik, asar muqaddimasidagi boshlang‘ich boblarning sarlavhalari sharq-islom kitobat an‘anasi yo‘lini tutib, arabchaga o‘girilgan.

Qiyos uchun boshqa biro‘rnak. Namangan nusxasining boblar mundarijasida oltinchi bob sarlavhasi «*Yanluq ayirliqin ayur*» – «Insonning qadr-qiymatini aytadi» (QBN.2b.6), asar ichida esa «*Yanluq ayirliqin tanurlayur bilig birlä*» – «Insonning qadri bilim bilan belgilanadi» deb berilgan (QBN.12b.6).

Qohira nusxasining boblar mundarijasida ushbu sarlavha «*Adam oyli ayirliqi bilig birlä erdükin (ayur)*» – «Odam o‘g‘lining qadr-qiymati bilim birlä ekanini aytadi» deb berilgan (QBQ.4b.7).

Hirot nusxasining boblar mundarijasida bu sarlavha «*Yanluq oyli-qizi ayirliqi uquş, bilig erdükin ayur*» – «Kishi o‘g‘il-qizining qadr-qiymati uquv, bilimda ekanini aytadi» (QBH.4b.10), asar ichida esa «*Yalinyuq oylanı 'azizliqi bilig, uquş birlä erdükin ayur*» – «Kishi o‘g‘lonining azizlig‘i bilim, uquv birlä belgilanuvini aytadi» deb berilgan (QBH.8b.17). Oralaridagi muhim farqi: Namangan nusxasida «inson, kishi» anglamidagi *yanluq* so‘zining o‘rnida Qohira nusxasida *Adam oyli*; Hirot nusxasida esa *yanluq oyli-qizi, yalinyuq oylanı* so‘zlari kelgan; ular uyg‘ur yozuvli qo‘lyozmada turkiy so‘zlar bilan berilgan. Shularga ko‘ra, asarning uyg‘ur yozuvli Hirot qo‘lyozmasi qandaydir eskiroq nusxaga asoslanganini taxmin qilish mumkin.

Urg‘ulash o‘rinliki, Qoraxoniylar davlatida eski turkiy-uyg‘ur xatining mavqei hali yuqori edi. Mahmud Koshg‘ariy ham o‘zining «Devonu lug‘atit-turk» asarida turkiy xalqlarning milliy yozuvi to‘g‘risida so‘z yuritir ekan, ana shu yozuvni keltirgan (*qarang*: DJIT.16–17).

Har qaysi holda ham yuqoridagi fikrda jon bor: Yusuf Xos Hojib o‘z asarini uyg‘ur xatida yozib, xonga tortiq qilgan. Keyinchalik, asarning kengroq yoyilishini ko‘zda tutgan holda, arab yozuviga ham o‘girilgan.

«Qutadg‘u bilig»ning nasriy muqaddimasida o‘sha davr turkiy tilida, ya‘ni adabiyotida bu kitobdan yaxshiroq asar yo‘qligi, Sharq ellarida u turli otlar bilan shuhrat qozongani ta‘kidlanadi.

O‘sha bitilganlarning mazmuni shunday: «Chinu Mochin olimlarining bari ittifoq bo‘ldilarki, Mashriq viloyatida, butun Turkiston ellarida Bug‘raxan tilincha, turk lug‘aticha hech kimsa ushbu kitobdan yaxshiroq tasnif qilgan emas. Bu kitob qaysi podshohliqqa, qay bir iqlimg‘a yetgan bo‘lsa, g‘oyat yaxshilig‘idan, nihoyatda ortiq jozibaliligidan o‘sha ellarning donishmandlari, olimlari qabul qilib, har biri turli ot-laqab qo‘ydilar: chinlig‘lar «*Adabu-l-*

mulūk) («Maliklar odobi») ot berdilar; Mochin malikining nodimlari «*Ayinu-l-mamlakat*) («Mamlakatning ko‘zi») atadilar; mashriqlig‘lar «*Ziynatu-l-umarā*) («Olimlar ziynati») deb aytdilar; eronlig‘lar «*Šāhnāma-yi türkî*) («Turkuy Shohnoma») dedilar, ba‘zilari esa «*Pandnāma-yi mulūk*) («Maliklar pandnomasi») demishlar; turonlig‘lar «*Qutadyu bilig*) («Qut berguchi bilim») deb aymishlar» (QBN.2a,4–7).

Ushbu ma‘lumotlar o‘tmishda asar g‘oyat dovrug‘ qozongani, uning qo‘lyozmalari keng tarqalganiga dalil bo‘la oladi. Shunga ko‘ra, asarning ilkin nuxsasi xonga tortiq qilingan. Kitob butun Mashriq, Turku Chin ellarida shuhrat qozongandan so‘ng, uning yangi-yangi qo‘lyozmalari yuzaga kela bo‘shladi. Kitobning dovrug‘i, turli otlar bilan atalgani to‘g‘risidagi xabarlarga tayanib, ayta olamizki, «Qutadg‘u bilig» o‘rta asrlarda turk dunyosidagina emas, butun sharq adabiyotida o‘ta mashhur edi. Asar qo‘shni sharq ellarida ham qiziqib o‘qilgan. Hatto u boshqa tillarga ham tarjima qilingan bo‘lishi mumkin.

Namangan qo‘lyozmasida asar boblarining atalishi va baytlar soni

№	Boblarning sarlavhalari	Baytlar soni
I	Nasriy muqaddima (1b–2b,4).	
II	Fihrist-i abvab – Boblar mundarijasi (2b,5–7a).	
1	Allohga hamd (7b–8b,4).	32
2	Fi faḍāyili-n-nabī ‘alayhi-s-salām. – Payg‘ambar alayhi-s-salom fazilatleri borasida (8b,5–9a,6).	15
3	Fi faḍāyili ašhābi-n-nabī riḍvān Allahi ‘alayhim. – Payg‘ambar sahobalarining, rizvon Allohim, fazllari borasida (9a,7–9b,7).	14
4	Li xani-l-ajalli-l-muzaffari-l-muayyad, nāširu-l-ḥaqq va-d-dīn Ṭawḥaḥ uluy Buyra Qaraxan abā ‘Alī Ḥasan binni Arslanxan, rahmatu-l-lahi ‘alayhim. – Muhtaram, muzaffar, madadkor, haqiqat va din tayanchi Tavg‘ach ulug‘ Bug‘ra Qaraxan abo Aliy Hasan binni Arslanxan, rahmatullahi alayhim, sha‘niga (9b,8–11b,9).	58
5	Yeti kavākib, on iki burūj. – Yetti sayyora va o‘n ikki burj (11b,10–12b,5).	24
6	Yanluq ayirliqin tanurlayur bilig birlā. – Insonning qadri bilim bilan belgilanadi (12b,6–13a,6).	14
7	Til erdāmin, asyīn, munlarīn sōzlāyūr. – Til fazilati, foyda-zararlarini so‘zlaydi (QBN.13a,7–14a,9).	31
8	Kitāb iḍisi ōziḡā ‘uḍr ayur. – Kitob egasi o‘ziga uzr aytadi (14a,10–15b,4).	38
9	Eḡgūlārka qatılmaq eḡgūsīn ayur. – Ezgu (kishi)larga aralashish ezguliklarini aytadi (15b,5–17b,2).	56
10	Bilig, uquš aḡramīn, asyīn ayur. – Bilim, uquv farqini, foydasini aytadi (17b,3–19b,5).	61
11	Kitāb atī, tüzūgin, awučyālīqinī ayur. – Kitobga ot qo‘yilishi va (o‘z) qariligini aytadi (19b,6–21a,10).	48

12	Söz başı. Küntuydi elig üzä. – So‘z boshi. Kuntug‘di elig to‘g‘risida (21a,11–23a,12).	60
13	Aytoldi Küntuydi tapyïña o‘grami‘shin ayur. – Oyto‘ldi Kuntug‘dining xizmatiga kirishini aytadi (23a,13–27a,10).	126
14	Aytoldi eligkä körünmi‘shi. – Oyto‘ldining eligga ko‘rinishi (27a,11–28b,6).	39
15	Aytoldi özi davlat erdükin ayur. – Oyto‘ldi o‘zi davlat ekanini aytadi (28b,7–29b).	37
16	Bāb. Aytoldi eligkä davlat şifatini körgitür. – Bob. Oyto‘ldi eligga davlat sifatini ko‘rsatadi (30a,1–33b,4).	107
17	Bāb. Küntuydi elig Aytoldiqa ‘adl şifatini ayur. – Bob. Kuntug‘di elig Oyto‘ldiga adl sifatini aytadi (33b,5–34b,3).	27
18	Bāb. Küntuydi elig Aytoldiqa ‘adl şifati ne-teg erdükin ayur. – Bob. Kuntug‘di elig Oyto‘ldiga adl sifati qanday ekanini aytadi (34b,4–40b,9).	164
19	Bāb. Sözlāmāk-mu eđgürāk azu ya şük turmaq-mu eđgürākini ayur. – Bob. So‘zlamog‘ yaxshiroqmi yoki so‘zlamay jim turmoq (yaxshiroqmi) ekanini aytadi (40b,10–44b,5).	90
20	Bāb. Qut qiwiliqin, davlat ersällikin bayān qïlur. – Bob. Baxtning baqosizligi va davlatning vafosizligini bayon qiladi (44b,6–48b,4).	113
21	Bāb. Aytoldi oylı Ögdülmiškä pand bermi‘shin ayur. – Bob. Oyto‘ldi o‘g‘li O‘gdulmishga pand berganini aytadi (48b,4–52b,13).	119
22	Aytoldi Ögdülmiškä ötälämi‘shin ayur. – Oyto‘ldi O‘gdulmishga nasihat qilganini aytadi (52b,14–55a,4).	64
23	Aytoldi eligkä qumaru bitig‘ qodmi‘shin ayur. – Oyto‘ldi eligga nasihatnoma yozib qoldirganini aytadi (55a,5–61b,10).	199
24	Elig xaqañ Ögdülmiškä pand bermi‘shin ayur. – Elig xoqon O‘gdulmishga pand berganini aytadi (61b,12–63a,10).	43
25	Ögdülmiš eligkä tapuyqa kirmi‘shin ayur. – O‘gdulmishning elig xizmatiga kirganini aytadi (63a,11–74b,11).	318
26	Bāb. Beglikkä sazā bolıu-teg beg nekü-teg keräkini ayur. – Bob. Beglikka loyiq beg qanday kishi bo‘lishi kerakligini aytadi (74b,12–83b,9).	260
27	Bāb. Beglärkä vazir bolıu nekü-teg er keräkini ayur. – Bob. Beglarga vazir bo‘lg‘uchi qanday kishi bo‘lmog‘i kerakligini aytadi (83b,10–86b,8).	86
28	Bāb. Ögdülmiš eligkä sü başlar isfahsälär nekü-teg keräkin ayur. – Bob. O‘gdulmish eligga lashkarboshi, sipohsolor qanday bo‘lishi kerakligini aytadi (86b,9–92a,11).	165
29	Bāb. Ögdülmiš eligkä uluy hajibluqqa nekü-teg er keräkin ayur. – Bob. O‘gdulmish eligga ulug‘ hojibliqqa qanday kishi kerakligini aytadi (92a,12–95a).	91
30	Bāb. Ögdülmiš eligkä qapuy başlar er nekü-teg keräkin ayur. – O‘gdulmish eligga darvozabonlar boshi qanday kishi bo‘lmog‘i kerakligini aytadi (95b,1–97b,10).	69
31	Bāb. Ögdülmiš eligkä yalawaē iđyuqa ne-teg er keräkin ayur. – Bob. O‘gdulmish eligga elchi qilib yuborish uchun qanday kishi kerakligini aytadi (97b,11–100a,13).	76
32	Bāb. Ögdülmiš eligkä bitig‘ci-ilmıya nekü-teg keräkin ayur. – O‘gdulmish eligga xat bituvchi kotib qanday (bo‘lishi) kerakligini aytadi (100a,14–102b,10).	70
33	Bāb. Ögdülmiš eligkä ayiči nekü-teg er keräkin ayur. – Bob. O‘gdulmish eligga xazinachi qanday kishi (bo‘lmog‘i) kerakligini aytadi (102b,11–105b,7).	85
34	Bāb. Ögdülmiš eligkä aš başçı xvān sālär nekü-teg keräkin ayur. – Bob. O‘gdulmish eligga osh boshchi – xonsolor qanday bo‘lishi kerakligini aytadi (105a,8–107b,5).	86
35	Bāb. Ögdülmiš eligkä iđišçi başı nekü-teg keräkin ayur. – Bob. O‘gdulmish eligga sharobdorlar boshligi qanday bo‘lishi kerakligini aytadi (107b,6–110a,6).	74
36	Bāb. Ögdülmiš eligkä tapuyçılar haqı begläär üzä nekü-teg keräkin ayur. – O‘gdulmish eligga xizmatchilarning beg zimmalaridagi haqi qanday (bo‘lmog‘i) kerakligini aytadi (110a,7–118a,13).	230

37	Bāb. Küntuydi elig Ođğurmışqa bitig bitip iđmishiñi ayur. – Bob. Elig Kuntug'di O'zg'urmishga xat yozib yuborganini aytadi (118a,14–122b,14).	130
38	Bāb. Ozyurmiş Ögdülmiş birlä munāzara qılmaçını ayur. – O'zg'urmish O'gdulmish bilan munozara qılğanini aytadi (123a,1–129b,15).	190
39	Ođğurmış dunyā 'aybların ayur. – O'zyurmiş dunyo ayblarini aytadi (130a,1–140b,6).	312
40	Ögdülmiş javābi elig pādšāhqa. – O'gdulmishning elig podshohga javobi (140b,6–141b,12).	33
41	Elig bitig iđmishi Ođğurmışqa. – Eligning O'zg'urmishga maktub yuborishi (141b,13–144a,12).	71
42	Bāb. Ögdülmiş Ođğurmışqa ikinç munāzara qılmaçın ayur. – Bob. O'gdulmish O'zg'urmish bilan ikkinchi (bor) munozara qılğanini aytadi (144a,13–146b,3).	57
43	Beglārgā tapunmaq bu turur. – Beglarga xizmat qılmoq bulardan iboratdir (146b,4–150a,4).	118
44	Qapuydaqi erāt birlä şuħbat sözi. – Saroydagi sipohlar bilan suħbat so'zi (150b,5–156a,6).	160
45	Bāb. Ögdülmiş Ođğurmışqa qara 'am bođunlar birlä qatılmaçni ögrätür. – Bob. O'gdulmish O'zg'urmishga qora avom xalq bilan aralashmoçliqni o'rgatadi (156a,7–156b,10).	16
46	'Alavilar birlä qatılmaçni ögrätür. – Alaviylar bilan aralashishni o'rgatadi (156b,11–157a,2).	5
47	Bilgā 'ālimlar birlä qatılmaçni ögrätür. – Dono olimlar bilan aralashishni o'rgatadi (157a,3–157b,4).	15
48	Otaçılar birlä qatılmaçni ayur. – Tabiblar bilan aralashishni aytadi (157b,5–10).	5
49	Mu'azzimlar birlä qatılmaçni ayur. – Azayimxonlar bilan aralashishni aytadi (157b,11–158a,3).	5
50	Tüş yoryučılar birlä qatılmaçni ayur. – Tush ta'bir qiluvchilar bilan aralashishni aytadi (158a,4–14).	10
51	Yılduzçılar bilrä qatılmaçni ayur. – Yulduzchilar bilan aralashishni aytadi (158b,1–159a,3).	16
52	Şā'irlar birlä qatılmaçni ayur. – Shoirlar bilan aralashishni aytadi (159a,4–12).	8
53	Tariyçılar birlä qatılmaçni ögrätür. – Dehqonlar bilan aralashishni o'rgatadi (159a,13–160a,5).	14
54	Satıyçılar birlä qatılmaçni ayur. – Savdogarlar bilan (qanday) aralashmoçni aytadi (160a,6–160b,12).	20
55	İgdişçilär birlä qatılmaçni ayur. – Chorvadorlar bilan (qanday) aralashmoçliqni aytadi (160b,13–161b,1).	17
56	Uzlar birlä qatılmaçni ayur. – Hunarmandlar bilan (qanday) aralashmoçni aytadi (161b,2–162a,1).	13
57	Çıyaylar birlä qatılmaçni ayur. – Kambag'allar bilan (qanday) aralashmoçni aytadi (162a,2–8).	6
58	Ewlik nekü-teg almaçni ayur. – Xotinning qanaçasini olmoçliqni aytadi (162a,9–163a,10).	29
59	Bāb. Oyul-qız tuysa, anlarnı ne-teg igiđgüsini ayur. – Oyıl-qız tug'ulsa, ularni qanday tarbiyalashni aytadi (163a,11–164a,5).	23
60	Elig asraqi kim ersälärni eđgü tutmaçni ayur. – Qo'l ostidagi kimsalarnı [xizmatçhi va ishçhilarnı] ezgu tutmoçliqni aytadi (164a,6–165b,11).	46
61	Bāb. Ögdülmiş aşqa oqımaq, aşqa barmaq töräsın ögrätür. – Bob. O'gdulmish oshga [ya'ni mehmonga] chorlamoq, oshga bormoq qoidalarini o'rgatadi (165b,12–168a,12).	71

62	Bāb. Ögdülmiş Ođyurmışqa aşqa oqımaq törüsin ögrätür. – Bob. O'gdulmiş O'zg'urmishga oshga [ziyofatga] chorlamoq qoidasini o'rgatadi (168a,13–169b,6).	36
63	Bāb. Ođyurmış Ögdülmiş[kä] dunyādin yüz ewürüp yarıña tapı bolmaqın ayur. – Bob. O'zg'urmish O'gdulmishga bu dunyodan yuz o'girib, u dunyoga moyil bo'lmoqliqni aytadi (169b,7–178a,15).	254
64	Bāb. Kuntuydı elig Ođyurmışni üçünç qata ündäyü idmişin (ayur). – Bob. Kuntug'di elig O'zg'urmishni uchinchı bor undab chaqirganini aytadi (178b,1–182a,1).	95
65	Bāb. Ođyurmış Ögdülmiş tapa kelmişin ayur, vallala'am. – Bob. O'zg'urmishning Ogdulmish sari kelganini aytadi, vallala'am (182a,2–6).	4
66	Bāb. Kuntuydı Ođyurmış birlä körüşmişini ayur. – Bob. Kuntug'di O'zg'urmish bilan ko'rishganini aytadi (182a,7–186a,1).	95
67	Bāb. Ođyurmış Kuntuydı eligä pand bermişin ayur. – Bob. O'zg'urmish Kuntug'di eligga pand berganini aytadi (186a,2–197a,5).	329
68	Bāb. Ögdülmiş Kuntuydı eligkä el etgü törü tüzgüsin ayur. – Bob. O'gdulmish Kuntug'di eligga elni taraqqiy ettirish qonunlar tuzishini aytadi (197a,6–202b,11).	163
69	Bāb. Ögdülmiş keçmiş tiriglikkä açır tavbaqa oyramışin ayur. – Bob. O'gdulmish o'tgan tiriglikka achinib, tavnaga yuz tutganini aytadi (202b,12–205b,5).	80
70	Bāb. Ođyurmış Ögdülmiş söziñä qayra javāb qılmışin ayur. – Bob. O'zg'urmish O'gdulmish so'ziga qaytara javob qilganini aytadi (205b,6–207a,4).	41
71	Bāb. Könilikkä könilik, kişilikkä kişilik qılmaqın ayur, vallam. – Bob. To'g'rilıqqa to'g'riliq, kishilikka kishilik qilmog'ini aytadi, vallam (207a,5–213b,10).	191
72	Bāb. Ođyurmış iglig bolup, Ögdülmişni ündämişin ayur. – Bob. O'zg'urmish kasal bo'lib, O'gdulmishni chaqirganini aytadi (213b,11–215b,1).	40
73	Bāb. Ögdülmiş Ođyurmışqa tüş yörügisin ayur. – Bob. O'gdulmish O'zg'urmishga tush ta'bir qilganini aytadi (215b,2–216b,12).	39
74	Bāb. Ođyurmış Ögdülmişkä tüş körmışin ayur. – O'zg'urmish O'gdulmishga tush ko'rganini aytadi (216b,13–217a,4).	5
75	Bāb. Ögdülmiş Ođyurmış tüşinä ta'birin keräki-teg ayur. – Bob. O'gdulmish O'zg'urmishning tushiga ta'birini keragidek aytadi (217a,5–217b,1).	10
76	Bāb. Ol-oq tüşni Ođyurmış adin türlüg yormaqını ayur. – Bob. O'sha tushni O'zg'urmish boshqacha ta'bir qilganini aytadi (217b,2–7).	5
77	Ögdülmiş Ođyurmışqa tüş ta'birin ayur, vallam. – O'gdulmish O'zg'urmishga tush ta'birini ayur, vallam (217b,8–219a,1).	36
78	Bāb. Ođyurmış Ögdülmişkä pand bermişini ayur. – Bob. O'zg'urmish O'gdulmishga nasihat qilganini aytadi (219a,2–223b,15).	144
	Jami:	6106

«Qutadg'u bilig»ning uchta yirik nashri haqida

«Qutadg'u bilig»ning zamonaviy nashrlari orasida uchtasi o'z ilmiyligi, to'loqligi bilan ajralib turadi. Bular:

R.R. Arat «Qutadg'u bilig»ning har uchala nusxasi asosida asarning yig'ma matnini chop ettirdi (*qarang*: Arat 1991). Matn lotin yozuvidagi transkripsiyada. Unda, o'rni bilan, muayyan nusxa asosga olinib, qolgan ikki nusxadagi farqlar satr ostida ko'rsatib borilgan. Matnning nasriy bayoni boshqa bir jildda. Ushbu nashrda baytlarning umumiy soni 6645 ta.

Asarning turkologiyada tan olingan yirik ilmiy nashrlaridan yana biri o'zbek olimi Qayumjon Karimov tarafidan yaratildi (*qarang*: Юсүф Хос

Ҳожиб 1971). Nashr kirilcha transkripsiya: kitobning bir betida matn transkripsiya berilib, qarshisiga hozirgi o'zbekcha talqini keltirilgan.

Q. Karimov o'z nashriga Namangan nusxasini to'lig'icha kiritdi. Asarning boshlanishidagi she'riy muqaddimani Qohira nusxasidan olib qo'shdi. Masnaviyning Namangan nusxasida tushib qolgan so'nggi boblarni Qohira nusxasidan, oxirgi yakuniy sahifani esa Vena nusxasidan olib to'ldirdi. Shunday qilib, ushbu nashr, she'riy muqaddimadan tashqari, 6407 baytdan iborat.

«Qutadg'u bilig»ning yirik ilmiy nashrlaridan yana biri uyg'ur olimlari tarafidan yaratilgan (*qarang*: Yusuf has' hajib 1984). Ushbu nashrda matn lotincha transkripsiya: kitobning bir yuziga transkripsiya berilib, qarshisida arab alifbosi asosidagi hozirgi yozuvda uyg'urca she'riy o'g'irmasi keltirilgan. Ushbu nashrda ham masnaviyning ko'lami 6645 baytlidir.

Tuganchi

«Qutadg'u bilig» asarining Namangan (= Farg'ona) qo'lyozmasi ilk O'rta asrlar O'rta Osiyo kitobat san'ati va yozuv madaniyatining eng ajoyib yodgorliklaridan biridir. Asarning kunimizgacha saqlangan qo'lyozmalari orasida nisbatan to'lig'i va butun holda saqlangani ham ana shu nusxasidir. Xati bir tekis, chiroyli va tartibli, shu bilan birga, savodli bitilgan. Lekin kitobning so'nggi uchta – xotima boblari ushbu qo'lyozmada tushib qolgan.

Ko'hna kitob ancha uringan bo'lsa-da, yetti yarim asrlik o'zha salobat uning yozuvida, xat turi va uslubida hanuz saqlanib turibdi. Xattotning yuksak mahorat egasi ekanligi kitobda yorqin aks etgan. Qo'lyozma martabali kimsaning buyurtmasi bilan maxsus ko'chirilgani aniq. Xati nafis va tartibli. Unda asosiy matn chiroyli nasxda bitilgan; sarlavhalar esa chiroyli sulsda; yangi yozilganday tiniq. Hatto, sahifani to'ldirish uchun, oradagi ayrim baytlar ham yirik harflar bilan sulsda bitilgan. Asosiy matn qorada, qo'shimcha harfiy haraklar oz; sulsdagi sarlavhalar esa qora, qizil, ko'k, zarhal ranglarda bitilib, harfiy harakatlar bilan izchil ta'minlab borilgan.

Muhimi shundaki, boblar sarlavhalarigina emas, asar qahramonlarining o'zaro savol-javoblarni anglatuvchi kichik sarlavhalar ham ajratib berilgan; ular ham sulsda va turli ranglarda.

Sharq kitobat ishi va yozuv madaniyati tarixida ushbu qo'lyozmasi o'ta nodir yodgorlik sifatida baholanadi.

«Qutadg'u bilig»ning Namangan qo'lyozmasi tekstologik, hatto yozuv xususiyatlari bilan ham asarning boshqa qo'lyozmalaridan ajralib turadi. Asarning ilmiy-tanqidiy, yig'ma matnlarini yaratishda uni tayanch manba sifatida tanlansa, to'g'ri yo'l tutilgan bo'ladi.

Hozirgi fan taraqqiyotida ilk manbalar bilan ishlovchi mutaxassislar orasida nodir qo'lyozmalarining faksimile nashrlari shuhrat qozonmoqda. Faksimile nashrlar qo'lyozmaning umrini uzaytiradi. Birlamchi manba bilan ishlovchi bilim kishilari uchun qo'lyozma bilan yaqindan tanishishga imkon beradi.

Ularda yozuvning rangi, turli jadvallar, kitobga ishlangan miniatyuralardan tortib qog'ozning dog'lari ham yaqqol ko'rinib turadi. Mutaxassisning ilgida asarning faksimil nashri bo'lsa, dunyoning qaysidir fondidan qo'lyozmani izlashga zarurat qolmaydi. Faksimile nashr qo'lyozmaning o'rnini bosadi.

So'zinning so'ngida «Qutadg'u bilig» asari Namangan qo'lyozmasining faksimilesini chop ettirish muhimligini ta'kidlamoqchiman. Ushbu nodir kitobning faksimilesi chop etilsa, o'rta asrlar yozma yodgorliklari bilan ishlovchi mutaxassislar, ayni yonalishda bilim olayotgan tolibi ilmlar uchun qadrlı manba bo'lib xizmat qilajagi aniq.

Rezume

«Qutadg'u bilig» asarining Namangan (yoki Farg'ona) qo'lyozmasi ilk O'rta asrlar O'rta Osiyo kitobat san'ati va yozuv madaniyatining eng ajoyib yodgorliklaridan biridir. Asarning kunimizgacha saqlangan qo'lyozmalari orasida nisbatan to'lig'i va butun holda saqlangani ham ana shu nusxasidir. Matn davomida uzilish yo'q; bir tekis va tartibli; muhimi, xati chiroyli va savodli. Lekin kitobning so'nggi uchta – xotima boblari ushbu qo'lyozmada tushib qolgan. Ko'hna kitob ancha uringan bo'lsa-da, yetti yarim asrlik o'zha salobat uning yozuvida, xat turi va uslubida hanuz saqlanib turibdi. Xattotning yuksak mahorat egasi ekanligi kitobda yaqqol aks etgan. Qo'lyozma martabali kimsaning buyurtmasi bilan maxsus ko'chirilgani aniq. Ushbu maqolada qo'lyozmaning to'liq ochiqalmasi keltirilib, matnning o'ziga xos tekstologik jihatlari, asarning tuzilishi, yozuv xususiyati haqida fikr yuritiladi.

Tayanch so'zlar va birikmalar: *sharq kitobat san'ati, yozuv madaniyati, eski turkiy til, qo'lyozma, arab yozuvli qo'lyozma, harflarning fonetik vazifasi, fonetika, asar tilining tovushlar tizimi.*

Наманганская (или ферганская) рукопись произведения «Кутадгу билиг» является одним из самых замечательных памятников раннесредневековой среднеазиатского книжного искусства и письменной культуры. Среди сохранившихся до наших дней рукописей этого произведения данный экземпляр является довольно полный и неотрывный. Текст не имеет аналогов; написан аккуратно и красиво, главно грамотно. Однако последние три – заключительные главы книги в этом рукописи отсутствуют. Хотя это книга более семи вековой давности является довольно устаревшим, в её почерке, стиле и манере письма сохранились уникальные качества своего времени. Высокое мастерство каллиграфа отчётливо отражается в книге. Очевидно, что рукопись была специально переписана по заказу высокопоставленного лица. В данной статье дается полное описание рукописи, рассматриваются особенности текстологии текста, структура произведения и характер письма.

Ключевые слова и словосочетания: *восточное книжное искусство, письменная культура, старотюркский язык, рукопись, арабописьменная рукопись, фонетическая функция букв, фонетика, звуковая система языка произведения.*

The Namangan (or Fergana) manuscript of the work “Kutadgu Bilig” is one of the most remarkable monuments of the early medieval Central Asian literary art and writing culture. Among the manuscripts of the work that have survived to this day, this copy is the one that is relatively complete and intact. There is no interruption throughout the text; it is even and orderly; most importantly, the handwriting is beautiful and literate. However, the last three – the final chapters of the book – are missing in this manuscript. Although the old book is quite worn out, the unique quality of seven and a half centuries is still preserved in its writing, type and style of writing. The calligrapher’s high skill is clearly reflected in the book. It is clear that the manuscript was specially copied by order of a high-ranking person. This article provides a full description of the manuscript and discusses the specific textological aspects of the text, the structure of the work, and the nature of the writing.

Key words and phrases: *oriental book art, writing culture, old Turkic language, manuscript, Arabic script, manuscript, phonetic function of letters, phonetics, sound system.*

FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR

1. *Arat 1991 – Arat R.R. Kutadgu Bilig. I. Metin. 3. baskı. – Ankara, 1991.*
2. *МК – Kaşgarlı Mahmud. Dīvānū Lūgati’t-Türk. Tıpkıbasım / Facsimile. – Ankara, 1990.*
3. *QB (QBH, QBN, QBQ) – Yusuf Xos Hojibning «Qutadg‘u bilig» masnaviyisi: H – Vena (Hirot) nusxasi: Wien, ÖNB, Cod. A.F.13: Радлов В.В. Кутадку-Билик. Факсимиле уйгурской рукописи. – СПб., 1890; Yusuf Has Hacib. Kutadgu Bilig. A. Viyana Nüshası (Tıpkıbasım). – Ankara, 2015; N – Namangan (Farg‘ona) nusxasi: O‘zbekiston Fanlar akademiyasi Sharqshunoslik instituti, 1809- ko‘rsatkichli qo‘lyozma. Yusuf Has Hacib. Kutadgu Bilig. B. Fergana Nüshası (Tıpkıbasım). – Ankara, 2015; Q – Qohira nusxasi: Misr Milliy kutubxonasi, 168- ko‘rsatkichli qo‘lyozma: Yusuf Has Hacib. Kutadgu Bilig. C. Kahire Nüshası (Tıpkıbasım). – Ankara, 2015.*
4. *Sertkaya 1977 – Sertkaya O.F. İslâmî Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. – Bochum, 1977.*
5. *Yusuf has hajib 1984 – Yusuf has hajib. Qutađoqu bilik. Millətlər nəxtiyati, 1984.*
6. *ДЛТ – Махмуд Кошгарий. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2017.*
7. *Каримов 1976 – Каримов Қ. Илк бадий дoston. – Тошкент, 1976.*
8. *Радлов 1890 – Радлов В.В. Кутадку-Билик. Факсимиле уйгурской рукописи. СПб., 1890.*
9. *Содиқов 2000 – Содиқов Қ. Туркий матннавислик тарихидан. – Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Тошкент, 2000. 117–2004- б.*
10. *Содиқов 2010 – Содиқов Қ. «Кутадғу билиг»нинг уйғур ёзувли Ҳирот нусхаси. – Тошкент, 2010.*
11. *Юсуф Хос Ҳожиб 1971 – Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим). Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. – Тошкент, 1971.*

ЭЛИМИРА ҲАЗРАТҚУЛОВА

**ҲИРОТ АДАБИЙ МУҲИТИ: ТАЛҚИН ВА ҚИЁС
(В.БАРТОЛЬД ВА Е.БЕРТЕЛЬС ТАДҚИҚОТЛАРИ МИСОЛИДА)**

Рус шарқшунослигининг тараққий этишида дастлаб Казан университетида (1804 й.) ташкил топган шарқшунослик факультетининг ўрни катта бўлган. Кейинчалик шу факультетнинг етакчи профессор-ўқитувчиларидан бири Казим Бек (Александр Касимович) саъй-ҳаракатларига кўра, бу факультетни Санкт-Петербург университети билан бирлаштириб юбориш, йиғилган қўлёмаларнинг ҳаммасини кўчириб ўтказдириш ҳақидаги ташаббус қўллаб қувватланди. Шундай қилиб, 1854 йилдан бошлаб шарқшунослик факультети Санкт-Петербург қироллик университети таркибида фаолият юрита бошлади. Империянинг сиёсий мақсадларига хизмат қилиши назарда тутилган шарқшунослик соҳаси тезликда ривожланиб, ўзининг назарий хулосаларини эълон қила бошлади. Бу соҳанинг диққат марказида нафақат мустамлака таркибидаги мамлакатларнинг тарихини тадқиқ этиш, шу билан бирга уларнинг адабиёти орқали ҳам маълумотларни жамлаш, хулосалар чиқариш назарда тутилган эди. Мана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, Туркистон тарихи сифатида Мовароуннаҳр, Хуросон, Форс худудларининг адабиётлари ўрганила бошланди.

Табиийки, бу худуд аҳолисининг турк, форс каби тилларда сўзлашиши ва ижод қилиши, шунингдек, араб манбаларининг адабиётга таъсири масаласи ҳам яхлит тарзда ўрганилаверган. Бунга замин ҳозирлаган омил шундай эдики, университетда форс, араб, туркий тилларнинг барчаси пухта ўргатилар, шу боис қўлёмалар манбалар ўқилишида ҳам пайдо бўлиши мумкин бўлган мушкулликлар бартараф этиларди. Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, рус шарқшунослиги қўлга киритган ютуқлар бугунги кунда ҳам шарқшунос олимлар муҳим маълумотлардан бири сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Рус шарқшунослари ўрганган мавзулар доирасида темурийлар даври адабий муҳити мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди. Мавзу доирасида, бирламчи адабий фигура сўнгги темурийлар муҳити вакили Навоий саналади.

Бу сиймони ўрганиш асносида илмий жамоатчилик томонидан икки рус шарқшунос олими В.Бартольд (1869–1930) ва Е.Бертельснинг (1890–1957) мулоҳазалари кўп эътибор билан тилга олинади. Ҳақиқатдан ҳам бу икки йирик рус шарқшунос олими бир неча муддат Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида яшаб, ўз илмий фаолиятларини олиб боришган ҳамда тўғридан-тўғри бирламчи қўлёмалар билан ишлаш имконига эга бўлишган.

В.Бартольд ўзининг “Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт”¹ номли тадқиқотида Алишер Навоийнинг сиёсий фаолиятини тадқиқ этишга киришар

1 Бартольд В. В. Мир-Али-Шир и политическая жизнь / В.В. Бартольда. — Б. и., 1928. — 100-164 с

экан, аввало, темурийлар сулоласининг шавкатли йиллари, Амир Темур олиб борган сиёсат, сўнги темурийларнинг инқирозли йиллари ҳақидаги жараёнларга бевосита тўхталиб ўтади. Мавзуга бу жиҳатдан ёндашиш тадқиқотчининг ўз олдига қўйган мақсадини тугал ва аниқ ифодалашда муҳим аҳамият касб этган эди.

Мавзу доирасида Султон Хусайн мирзо ва Алишер Навоийнинг ҳомийлиги ва раҳнамолиги туфайли равақ топган Ҳирот шаҳрининг шавкати ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтади. Бу орқали у Султон Хусайн Мирзо даврида машхурлашган Хуросон, хусусан, Ҳиротнинг жозибаси, у ерда бунёд қилинган маданий муҳитнинг илдизларига ҳам чуқурроқ кирмоқчи бўлади.

В.Бартольд тадқиқотининг дастлабки бўлими «Форслар ва туркийлар» деб номланади. Иккинчи фасл эса «Ҳирот ва унинг аҳамияти» аталиб, бу фаслда муаллиф Амир Темур давридаги Ҳирот шаҳрининг нуфузини кейинги давр юксалган мақомидан анча фарқ қилишини таъкидлайди: *“Маълумки, Темур Самарқанд атрофида қишлоқлар барпо этиб, уларга Султония, Шероз, Бағдод, Дамашқ, Миср (Қоҳира) номларини берган, бу билан у Самарқанднинг бошқа барча шаҳарлардан устунлигини яққол кўрсатмоқчи бўлган. Бу шаҳарлар қаторига Ҳирот номи кирмади. Темур яқин келажакда айнан шу шаҳар Самарқанднинг ҳатто сиёсий жиҳатдан ҳам бахтли рақибига айланишини олдиндан билмас эди.”*²

Дарҳақиқат, темурийлар даврининг ривожланган шаҳарлари қаторида Ҳиротнинг гуллаб-яшнаши айнан Амир Темур даврига эмас, унинг вори-слари ҳукмронлиги даврига тўғри келади, жумладан, унинг ўғли Шохрух мирзонинг бошқарув йилларидаги ислохотлари туфайли Хуросон ўлкаси ободон юртга айланган эди.

Е. Бертельс ҳам ўзининг «Навоий»³ монографиясини яратган чоғида Хуросон, шу жумладан, пойтахт Ҳиротнинг салобатига ўзига хос тарзда тўхталиб ўтган. Олим илгарироқ ёзилган бошқа салмоқли тадқиқотлар орасидан В.Бартольднинг «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» номли мақоласини эътибор билан тилга олади. Мазкур мақола 1928 йилда Россия Фанлар академияси томонидан чоп этилган «Мир Алишер» номли тўпلامга (тўпلامга В.Бартольднинг ўзи муҳаррирлик қилган) киритилган эди. Е.Бертельс гарчанд мақоладаги баъзи бир масалаларга ҳамфикр бўлмаса-да, ҳамкасбининг бу мақоласини «тўпلامнинг гултожи бўлган»⁴ дея баҳолайди

Е.Бертельснинг тадқиқот тажрибаси учун В.Бартольднинг мақоласи аҳамиятига кўра кўп диққатни ва мурожаатни талаб қиладиган манбалардан бири эди. Лекин у В.Бартольднинг эътибор қаратган масалала-

2 Бартольд В.В.Сочинения.Том II . часть 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. – М.:Наука. 1964. С. 206. Кейинги иқтибослар шу нашрдан берилади.

3 Қаранг: Навои. Опыт творческой биографии, М., 1948 г. – Ср.стр. 15-209.изд; Бертельс Е.Э. Навоий. Монография.тарж И.Мирзаев. – Т.: «Tafakkur qanoti», 2015. – 465 бет. Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан берилади.

4 Ўша манба. Е.Бертельс. Навоий. – Б.99.

ридан фарқли равишда Алишер Навоийнинг биографияси билан бирга унинг ижодий фаолиятини ўрганишга кўп куч сарфлади. Монографиясининг дастлабки саҳифаларини В.Бартольддан фарқли равишда қуйидагича номлади: биринчи фасл – Темурийлар, иккинчи фасл – Ҳирот, учинчи фасл – Самарқанд.

Масалага киришишдан олдин, Е.Бертельс танишган тарихий манбаларнинг кенг қамровли экани кўринади. У В. Бартольддан фарқли равишда Ҳиротнинг Шохрух давридаги тарихий харитасини тасвирлашга ҳаракат қилади. Бу харитада, биринчи навбатда, шаҳар марказидаги қайта тиклаш ишлари, бозор расталарининг жойлашуви, умумий сатҳ майдонига тегишли ҳудудлар санаб ўтилган. Шунингдек, у шаҳар ҳудудида Амир Темур давридаги анъаналарга кўра сарой ва боғларнинг барпо этилиши, мадраса ва хонақоҳларнинг қурилиши ҳақидаги маълумотларга эътибор қаратади. Булардан Шохрух мирзонинг ўзи Боғи Зоғон атрофида яшаб, ўғли Бойсунғур учун Боғи Сафед атрофидан ҳашаматли сарой курдиртиргани ҳақида сўзлар экан, Алишер Навоийнинг бу боғлар ҳақида гапира туриб, бутун Хуросонда истироҳат учун бундан мафтункорроқ жой бўлмагани⁵ ҳақидаги фикрини эслатиб ўтади.

Е. Бертельс диққат қаратган масалалардан яна бири шаҳар маданий муҳитида диний уламоаларнинг мавқеи масаласи бўлиб, у Шохрух мирзонинг ҳудожўйлиги туфайли унга нисбатан эҳтиромнинг баланд бўлганини эслатиб ўтади. Лекин бу пайтда икки пойтахт – Ҳирот ва Самарқанд шаҳарлари ўртасидаги маданий муҳитларнинг В.Бартольд томонидан бир-бирига нисбатан зид қўйилишини нотўғри деб ҳисоблайди ва шарқшунос олим А.Якубовскийнинг мулоҳазаларини қўллаб қувватлайди. Бу борада А. Якубовский ҳам Бартольднинг икки шаҳар маданиятлари ўртасига зиддият қўйишига нисбатан шундай фикр билдирган эди: *«В.В.Бартольднинг Улугбек ҳақидаги китоби кўп фазилатларга эга бўлса-да, баъзи камчиликларни ҳам ўз ичига олади. В.В. Бартольд Самарқанднинг қувноқ сарой ҳаёти, унинг базмлари, овлари, мусиқаси, рақслари, ригоризми ва Ҳиротдаги Шохрух саройининг намоёншкорона ҳудожўйлигига қарши қўйишига берилди ва бу қизиқши воқеликни тасвирлашда биров бузилишига олиб келди. Шохрух давридаги Ҳиротни етарли даражада билмаган одам темурийларнинг иккинчи пойтахтидаги маданий ҳаёт ҳеч қандай қизиқарли эмаслигини ва Самарқанддан фарқли ўлароқ, Ҳирот зулмат маркази бўлганини ўйлаши мумкин. Бундай таассурот ўқувчида у тасвирлаган манзаранинг бир томонламалиги нуқтаи назардан пайдо бўлиши мумкин.»*⁶ Ҳамда А.Якубовский Бойсунқур мирзо ҳомийлигида хаттотлик санъатининг ривожлангани, Фирдавсий «Шохнома»сининг танқидий матни тузилгани ва бу қўлёзманинг ажойиб миниатюралар билан безатилган нусхалари (1430 йилдаги нусхаси, хо-

5 Ўша манба. Е.Бертельс. Навоий. – Б.21.

6 Алишер Навои : сборник статей / ; Академия наук СССР ; Институт востоковедения... – Москва : Ленинград : Изд-во АН СССР, 1946. – С. 20.

зирда Техрон музейида) 1931 йилда Лондонда бўлиб ўтган Эрон санъати бўйича 2-халқаро конгресс кўргазмаси, 3-халқаро конгресс кўргазмасида намоиш этилганини таъкидлаб ўтади. Е.Бертельс ҳам А. Якубовскийнинг нуқтаи назарини қўллаб қувватлаган ҳолда, Шохрух оиласидаги диний ақида ҳукмронлиги, маданий ҳаёт тараққий этишига тўсқинлик қилмаганига урғу беради: «Агар Шохрух ўз оиласида ислом ақидаларига сўзсиз амал қилишни талаб қилган бўлса ҳам, маиший-маданий ташаббускорлик унга бегона эмасди. Масалан, унинг кўрсатмасига биноан Бойсунгур Ҳиротда гўзал кутубхона барпо этди. Унинг қошида хаттотлар, мусаввир-миниатюралар, зарҳалчилар, муқовасоз усталар олимлар, тил ва адабиёт билимдонлари бошчилигида фаолият кўрсатганлар».⁷

В. Бартольд томонидан эътибор қилинган Амир Темур томонидан Самарқанд атрофидаги қишлоқларга машҳур шаҳарлар номи берилиши ҳақидаги тафсилотга Е. Бертельс ҳам ўз муносабатини билдириб ўтади: «Шаҳар атрофида қишлоқлар барпо этилган. Темур уларга Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Султония, Шероз каби машҳур шаҳарлар номини берган. Бу билан у Шарқ пойтахтлари ўзининг шаҳри олдида фақат қишлоқ эканлигини кўрсатмоқчи ҳам бўлган. Темур ҳукмронлиги даврида Самарқандга ташириф буюрган Испания элчиси Клавихо бу шаҳарнинг гўзаллиги ва бойлигидан, унинг бозорида ҳукм сурган тетик руҳдан лол қолган.»⁸ Юқорида кўриб ўтганимиз, В. Бартольднинг муносабатида Ҳирот номи ҳали бу қадар машҳурлашмагани ва бу шаҳарлар қаторига қўшилмаганига эътибор қаратилган бўлса, Е. Бертельс эса Амир Темур Самарқанднинг шукуҳини оширишга бўлган ҳаракатга диққат қаратади.

В. Бартольд эса Амир Темур давридаги Ҳирот билан Шохрух давридаги маданий ҳаёт даражасини куйидагича баҳолайди: «Шохрух авлодлари ва ворислари ўртасидаги нотинчликларга қарамай, Шохрух яратган Ҳиротнинг сиёсий жозибаси Темур яратган Ҳирот жозибасидан ҳам мустаҳкамроқ бўлиб чиқди»⁹.

Ҳиротга хос ёрқин обрўнинг Алишер Навоий вафотидан кейинги сўниш даври ҳақида В. Бартольд ўз тадқиқотининг “*Мир Алишер ҳаётининг сўнгги йиллари (1494-1501)*” бўлимида шундай дейди: “Султон Ҳусайн ва унинг пойтахти Мир Алишердан узоқ яшамади... Султон Ҳусайн вафотидан кейин бир-бирини ёмон кўрадиган икки шахзода – Бадиуззамон ва Музаффар Ҳусайнни бир вақтнинг ўзида подшоҳ деб эълон қилган подшоҳ амалдорларининг телбалиги Бобур таъкидлаганидек, ўзбекларнинг галабасини енгиллаштирди. 1507 йилда Ҳирот ўзбеклар қўлида эди; темурийлар маданиятининг марказида Бобурнинг таъбири билан айтганда, “дунё кўрмаган қишлоқлар” ҳукм сурарди.”¹⁰

Тадқиқоти якунида В. Бартольднинг кутилмаган Ҳирот маданий муҳити таназзулидан хулоса чиқаришда кутилмаган бир пафос билан

7 Ўша манба. Е. Бертельс. Навоий. -Б. 22.

8 Ўша манба. Е. Бертельс. Навоий. – Б.27.

9 Ўша манба. Бартольд В.В. С. 209.

10 Ўша манба. Бартольд В.В. С. 258.

тугатиши баҳслидир. Хусусан, у “*инсоният маданиятидаги энг яхши нарса нобуд бўлмайди, балки кейинги авлодларга, шу жумладан, нафис шаҳар маданиятининг энг яхши ютуқларига ўтади*”, дея таъкидлар экан, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асаридан олинган Шайбонийнинг кинояли нутқини ўз маъносидан узоқда тушунади ҳамда бу парчани мақоласининг хулосаси сифатида беришга қарор қилади: “*Шайбонийхонинг ўзи “қўёшдан ҳам равшан ва кечаги кундан ҳам шак-шубҳасиз равшан” ҳақиқатни, пайгамбаримиз (с.а.в) замонидан “бизнинг замонамизгача Султон Ҳусайнчалик билимдон, ақлли ва нозик маълумотли подшоҳ бўлмаганини айтади. Бу сўзлар, агар умумий қаралса, Шайбонийхон яхши билмаган Султон Ҳусайн шахсиятигагина эмас, балки унинг сафдошлари бунёд этган, Бобур таърифича, дунёда тенги йўқ Ҳирот шаҳрининг нозик маданиятига ҳурмат ифодасидир*”¹¹.

А. Болдыров кейинчалик мазкур мурожаат қилинган асарнинг танқидий матнини таҳлил қилиб, ўзининг йирик мақоласида В.Бартольднинг синтактик қурилмани хато тушунгани ва жумла нуқтасини ўртасидан кўйиб, ярмини ташлаб кетганини таъкидлаган ҳолда, аслида бу нутқ Султон Ҳусайн шахсиятининг Шайбонийхон томонидан кескин ва ҳатто кўпол қоралашдир, деб баҳолаган ва матнни тугал ҳолда қуйидагича таржима қилади: “*Қўёшдан ҳам равшанроқ нарса шуки, пайгамбар замонидан то ҳозирги кунгача султонлик тахтида Султон Ҳусайн каби ақлли ва нозиктаъб шоҳ ўтирмаган бўлса-да, унинг билими ва ақли бундай бузуқ фирибгар Хуросон табақаларининг катта қисмини алдаганидан юқори кўтарилмаган. Султон-Ҳусайннинг бошқа кўпол алдовларига учиб, охирида «бундай алдовларга учган подшоҳ ҳокимият ва имомликка муносиб бўла оладими?» афсуски, мен бу ишлардан илгари хабардор бўлмаганман, агар хабардор бўлганимда эди, ўзимни бу жаннатмакон Хуросон тупроғидан унинг [яъни Султон Ҳусайннинг] фитна ва адолатсизлик уруғларини кўп йиллар олдин юлиб ташлашга бурчли деб ҳисоблаган бўлардим.*”¹²

Е. Бертельс эса темурийлар маданиятининг асосан сарой муҳити доирасида кечгани ва бу бунёдкорлик оддий деҳқонлар меҳнати орқасидан рўёбга чиқарганига урғу беради ва ўз монографиясининг “Ҳирот” бўлимини қуйидаги яқунлайди: “*Ана шунинг учун бир сиқим кишиларгагина хизмат қилган бу маданият темурийлар билан бирга кетди ва унинг айрим ёдгорликларигина бизнинг кунларимизгача етиб келган*”¹³.

Хулоса қилиб айтганда, рус шарқшунослари В.Бартольд ва Е.Бертельсларнинг Ҳиротда тараққий этган Навоий даври муҳитининг кўплаб масалаларига киришдан олдин, унинг тарихий илдизларига бўлган қиёсий ёндашувлари ўзининг самарасини берган. В.Бартольднинг “Мир Алишер ва

11 Ўша манба. Бартольд В.В. С. 259.

12 Болдырев А.Н. Мемуары Зайн-ад-дина Восифи как источник для изучения культурной жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже XV-XVI веков; / Труды Отдела Востока Государственного Эрмитажа. Т.II, III. Л., 1940. – С. 265.

13 Ўша манба. Е. Бертельс. Навоий. – Б.25.

сиёсий ҳаёт” мақоласидан олдин ёзилган “Улуғбек ва унинг даври” тадқиқотидаги тажрибавий қарашлар ва таҳлиллар унга қулайликлар туғдирган.

Е. Бертельснинг Ҳирот шаҳри маданий муҳитига киришишдан “Авесто” маълумотларидан тортиб, унинг географик харитасигача тиклашга ҳаракат қилгани масалага чуқур академик доирада киришганидан далолатдир. В.Бартольднинг темурийлар даврига оид қўплаб қарашлари баҳсталаб бўлса-да, унинг бирламчи манбалар билан аниқ ишлай олиши қўплаб воқеликларга бўлган муносабатида ўқигувчини мушоҳадага чорлайди. Е.Бертельс тадқиқотида маданий муҳитни баҳолашида баъзи ўринларда мафкуравий ёндашувлар сезилиб турса-да, ҳар икки шарқшунос олимнинг ушбу тадқиқотлари бугунги кунга қадар энг кўп мурожаат қилинган ишлар қаторидан жой олиб, темурийлар даври маданий муҳит масалаларини ўрганишда ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда.

Резюме

Темурийлар даври адабий муҳитини ўрганишда рус шарқшуносларидан В. Бартольд ва Е. Бертельснинг тадқиқотлари алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, уларнинг мақолаларида Алишер Навоий даври адабий муҳитига мурожаат қилиш орқали Ҳирот шаҳрига хос маданий муҳит қирралари таҳлил қилинган. В. Бартольд ўзининг 1928 йилда эълон қилинган «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» мақоласида бу шаҳарнинг ўзига хос жиҳатларига Алишер Навоийнинг биографияси орқали эътибор қаратган эди. 1948 йилда Е. Бертельс томонидан эълон қилинган «Навоий» монографиясида ушбу шаҳарнинг маданий-адабий жозибаси ҳақидаги қарашлар ва таҳлиллар яна-да чуқурлашган. У Алишер Навоий сиймосига мурожаати орқали унинг фаолиятидан илгариги давр, яъни Шохрух мирзо давридаги шаҳар манзараси ва муҳити ишончли манбалар асосида ўрганган. Икки рус олимнинг таҳлилларида мавзуга ёндашишдан аввал муҳитнинг пайдо бўлиш сабаблари ва таракқий этиш омилларига эътибор қаратишган. Бу тадқиқотлар орқали рус шарқшунослигида Ҳирот адабий муҳитига бўлган илмий қизиқишларнинг дастлабки ҳолати ва тадқиқотларнинг хронологик ривожини ўрганиш мумкин бўлади.

Калит сўзлар: *рус шарқшунослиги, Ҳирот маданий муҳити, темурийлар даври, Навоийнинг адабий таъсири, шаҳарлараро маданий рақобат.*

В изучении литературной среды эпохи Темуридов особое место занимают исследования русских востоковедов В. Бартольда и Е. Бертельса. В частности, в их статьях были проанализированы аспекты культурной среды, характерной для города Герата, через обращение к литературной среде периода Алишера Навои. В своей статье «Мир Алишер и политическая жизнь,» опубликованной в 1928 году, В. Бартольд обратил внимание на особенности этого города через призму биографии Алишера Навои. В монографии «Навои,» опубликованной Е. Бертельсом в 1948 году, взгляды и анализ культурно-литературной привлекательности этого

города были значительно углублены. Обращаясь к личности Алишера Навои, он изучил городской ландшафт и среду периода, предшествовавшего его деятельности, а именно времени правления Шахруха Мирзы, опираясь на достоверные источники. В своих исследованиях оба российских ученых, прежде чем приступить к основной теме, сосредоточились на причинах возникновения и факторах развития данной среды. Посредством этих исследований можно будет изучить первоначальное состояние научного интереса к литературной среде Герата в русском востоковедении и хронологическое развитие исследований.

Ключевые слова: *русское востоковедение, культурная среда Герата, эпоха Тимуридов, литературное влияние Навои, межгородское культурное соперничество.*

In the study of the literary environment of the Timurid era, the research of Russian Orientalists V. Bartold and E. Bertels holds a special place. In particular, their articles analyze various aspects of the cultural milieu characteristic of Herat by examining the literary environment of Alisher Navoi's time. In his 1928 article "Mir Alisher and Political Life," V. Bartold highlighted the unique features of this city through the biography of Alisher Navoi. The monograph "Navoi," published in 1948 by E. Bertels, further deepened the perspectives and analysis of the cultural and literary allure of this city. Through his focus on Alisher Navoi, Bertels studied the urban landscape and environment of the period preceding Navoi's activity, specifically during the reign of Shahrukh Mirza, based on reliable sources. In their analyses, both Russian scholars paid attention to the causes of the environment's emergence and the factors contributing to its development before delving into the main topic. Through these studies, it will be possible to study the initial state of scientific interest in the literary environment of Herat in Russian oriental studies and the chronological development of research.

Keywords: *Russian oriental studies, Herat cultural environment, Timurid era, Navoi's literary influence, intercity cultural rivalry.*

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бартольд В. В. Мир-Али-Шир и политическая жизнь. В.В. Бартольда. – Б. И., 1928. – 100-164 с.
2. Бартольд В.В. Сочинения. Том II. часть 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. – Москва: Наука, 1964. – С. 661.
3. Бартольд В.В. Сочинения. Том II. часть 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. – Москва: Наука, 1964. – С. 206.
4. Навои. Опыт творческой биографии. – Москва, 1948 г. – Ср.стр. 15-209.
5. Бертельс Е.Э. Навоий. Монография. Таржимон: И.Мирзаев. – Тошкент: «Tafakkur qanoti», 2015. – 465 б.

6. Болдырев А.Н. Мемуары Зайн-ад-дина Восифи как источник для изучения культурной жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже XV-XVI веков; / Труды Отдела Востока Государственного Эрмитажа. Т. II, III. Л., 1940. – С. 265.

7. Алишер Навои: сборник статей. Академия наук СССР Институт Востоковедения. – Москва–Ленинград: Изд-во АН СССР, 1946. – С. 236.

ҚАҲРАМОН УМИДУЛЛАЕВ

АЛЕКСАНДР МАКЕДОНСКИЙ ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁ
ҲУДУДИДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ

Тарихий манбалардан маълумки, Александр Македонский милоддан аввалги 356 йилда Қирол Филипп оиласида туғилган. Александрнинг ота-онаси ўз даврининг таниқли сулаласидан бўлгани унинг шахси шаклланишига катта таъсир кўрсатган¹. Александрнинг тарбиясига нафақат унинг ота-онаси, қирол хонадони, балки устози ҳам катта роль ўйнаган. “Александрнинг устози ўша даврнинг кўзга кўринган файласуфи ва мутафаккири Аристотел эди. Плутархнинг ёзгишича Александр устозини отасидан кам кўрмаган”².

Ј.М.О’Вриеннинг қайд этишича, отасининг вафотидан сўнг “20 ёшда тахтга ўтирган Александрга ўша пайтдаги энг замонавий армия ва кучли давлат, аммо бўш хазина мерос қолган эди. Александр тахтга ўтиргандан сўнг зодагонлар ва халқни ўз томонига оғдириш учун солиқларни катта қисмини бекор қилиб, асосий этиборни мудофаага қаратди”³.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили: Аввало таъкидлаш жоизки, Александр Македонскийнинг харбий юрушлари, давлат бошқаруви услуги, давлат ва ҳуқуқ тизими борасида юзлаб манбалар топиш мумкин, аммо уларнинг аксарияти ҳақиқатга мос келмайди.

Хусусан, Е.М.Гончарованинг фикрига кўра, “Александр Македонскийнинг қадимги дунё маданияти, сиёсати ва иқтисодиётининг ривожланишига таъсирини аниқ баҳолаш керак. Антик даврда у барча замонлар ва халқларнинг буюк ғолиби сифатида талқин қилинган. Ўрта асрларда унинг таржимаи ҳоли кўплаб ҳаёлий фактлар билан тўлдирилган”⁴.

Дарҳақиқат, Александр Македонскийнинг давлат бошқаруви, харбий юрушлари тўғрисидаги маълумотларнинг акасариятида унинг шахси улуғланган, афсоналаштирилган натижада унинг даври, давлат бошқаруви, ҳуқуқ тизими ҳақида аниқ маълумот топиш мушкул. Шунингдек, Александр ҳақида нафақат тарихчилар, адиблар, унинг сафдошлари ҳам у ҳақида ёзишган, у тўғрисида кўплаб ҳикоялар, ривоятлар, афсоналар тўқилган. Аммо, ушбу ишларни илмий манба сифатида қабул қилиб бўлмайди.

Айниқса Куръони каримнинг “Қахф” сураси 83-98-оятларида келтирилган Зул-қарнайн билан янглиш тарифлаш ҳолатлари ҳам мавжуд⁵.

1 Александр Македонский. История Древней Греции (12 августа 2014).

2 Уртингтон Й. Филипп II Македонский. — СПб.: Евразия, 2014. — С. 400. — ISBN ISBN 978-5-91852-053-6.

3 O’Brien J. M. Alexander the Great: The Invisible Enemy. — N. Y.: Routledge, 1992. — С. 336.

4 Гончарова Е. М. Александрия. Жизнеописание Александра Македонского / Издательство: Москва, 2005 г. <https://www.labyrinth.ru/books/516976/>.

5 Мансур Алоуддин Шайх. Куръони Азим. Мухтасар тафсири. – Т.: “Sparq”, 2019, – 992 б.

Бундан ташқари, Александр Македонский яшаган давр ҳозирга келиб йигирма уч асрдан ошгани ҳам у тўғрисида ишончли манбалар топиш мушкуллигини англатади.

Бундан ташқари, ўрта асрларнинг таниқли Шарқ адиблари ўртасида “Хамса” достони ёзиш урф бўлгани кўпчиликка маълум. Ушбу 5 та дostonдан биттаси албатта Искандарга бағишланган. Хусусан, Низомий Ганжавийнинг “Искандарнома”, Хусрав Дехлавийнинг “Ойнаи Искандарий”, Абдурахмон Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonлари шулар жумласидан. Дostonда Искандарнинг ҳарбий юришлари, устози Арасту билан савол-жавоблари, кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ёзилган. Бундан ташқари, Александр вафотидан кўп ўтмай унинг юришлари ҳақида кўплаб битиклар, кундаликар пайдо бўлган. Хусусан, “Ефемеридлар” деб номланган кундаликлар. Аммо ушбу манбада келтирилган маълумотнинг асосли эканлиги борасида яқдил фикр мавжуд эмас. Айрим ишлар умумий мавзуларда, хусусан, Александр Македонский эгаллаган мамлакатларнинг табиати, бошқаларида эса ҳарбий юрушлари ва жанглар бадиий тасвирлаган. Ушбу китобларнинг асл нусхалари давримизга етиб келмаган. Аммо кейинчалик Александр ҳақида ёзилган ишларда улардан маълумот олинган.

Тарихчиларнинг фикрига кўра, Александр Македонский ҳақида Клитархнинг маълумоти ҳақиқатга яқин, хусусан Плиний уни “машҳур муаллиф” деб атаган. Шунингдек, Александр ҳақида Квинт Курций Руф, Плутарх, Арриан каби тарихчиларнинг асарлари сақланган. Лотин тилида Александр Македонскийга бағишланган ягона асар Квинт Курций Руфга тегишли. У тарихий биографик асар ҳисобланади.

С.Рапіннинг фикрига кўра, “Македонский ҳақидаги хатолар бугунги кунгача ҳеч қандай танқидий таҳлилсиз тарқалишда давом этмоқда. Александр даври тарихини ўрганиш археологик тадқиқотларни талаб қилади. “Александр ва Ўрта Осиё” мавзусида “кресло” олимлари томонидан ёзилган ишларнинг илмий амалий аҳамиятига етарли эмас”⁶.

Александр Македонскийнинг ҳарбий ҳаракатлари: Александр Македонский ҳақида ёзилган ишончли манбалар асосида унинг Ўрта Осиёга ҳарбий юрушлари, давлат бошқаруви усули ҳамда давлат ва ҳуқуқ тизими ҳақида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

Тарихдан маълумки Александр Македонский милoddан аввалги 329 йилнинг баҳорида Қобул ва Ҳиндиқуш орқали Оск (Амудаёдан) ўтиб Бақтрияга бостириб кирган. Бу ерда унга Спитамен бошчилигидаги гуруҳ 3 йил қаршилик кўрсатган. Александр 327 йилда маҳаллий зодагонлар билан иттифоқ тузиб Спитамен қаршилигини тўхтатган. Шундан сўнг,

6 С. Rapin, On the way to Roxane 2: Satraps and hyparchs between Bactra and Zariaspa-Maracanda, in: Johanna Lhuillier, Nikolaus Boroffka (ed.), A Millennium of History: The Iron Age in southern Central Asia (2nd and 1st Millennia BC), (Archäologie in Iran und Turan, Bd 17; Mémoires de la Délégation archéologique française en Afghanistan, vol. 35). Berlin: Dietrich Reimer Verlag, 2018, p. 257-298. <https://fergana.media/articles/112099/>.

Александр Сўғдиёнаннинг пойтахти Марақандани (ҳозирги Самарқанд) кўлга киритди ва Яксарт дарёси (Сирдарё) бўйлаб гарнизон қурди.

Б.Гафуров ҳамда Д.Цибукидиснинг қайд этишича, “Искандар дастлаб мамлакат ички ҳаётини изга тушурди, ўзига қарши бўлган амалдорларга нисбатан чоралар кўрди ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади. Шундан сўнг, кўшни ва узоқ мамлакатларга ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Хусусан, милоддан аввалги 334-331 йилларда Доро III билан жанг қилиб, Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Финикия, Миср ерларини, 330-329 йилларда Афғонистоннинг жанубий қисмини эгаллаб, Ўрта Осиёга юриш бошлади ва 327 йилда оғир жанглардан сўнг Бактрия, Сўғдиёна ва Марғиёнани эгаллади”⁷.

Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга қилган ҳарбий ҳаракатлари осон кечмаган, унга катта қийинчиликлар ва талофатлар келтирган. Аммо Ф.Шахермайрнинг фикрига кўра, “Александр кўшини қаршилиққа дуч келмай, Форс давлати ва кўчманчилар ерлари эгаллаб, Яксарт дарёсига етиб келди. Бу ерда у Искандария Эсхатанинг мустаҳкам нуқтасини қурди ва массагетлар ерини эгаллаб, муваффақиятни мустаҳкамлаш учун дарёнинг ўнг қирғоғига ўтди. Бироқ, кўп ўтмай милоддан аввалги 329 йил сентябрда Сўғдиёна аҳолиси Спитамен бошчилигида кўзғолон кўтарди. Аммо бу кўзғолон кенг кўламли жанговор ҳаракатлар эмас, балки кичик тўқнашувлар эди. Кўчманчилар томонидан қўллаб-қувватланган кўзғолончилар алоҳида гарнизонларга ҳужум қилиб, бостириб кириб, дарҳол орқага чекинишган, македонияликлар эса жавоб тариқасида бутун қишлоқларни вайрон қилган”⁸.

Ф.Шахермайрнинг ушбу фикрига қўшилиб бўмайди. Чунки унга қадар кўплаб ўз даврининг қудратли давлатларни эгаллаган Александрга қарши 3 йил курашилгани ушбу жанг Александр учун осон кечмаганини англатади.

Аксарият ишончли манбаларда, мисол учун, А.С.Шофманнинг фикрига кўра, “Милоддан аввалги 329 йилда Спитамен Марақанда қалъасини қамал қилиб, македонияликларнинг катта отрядини мағлуб этди, 328 йилда Бактрияга нисбатан муваффақиятли босқин уюштирди. Бу уруш Искандар учун шарқий юришининг барча йилларида энг қийини бўлди. Подшоҳ аввалига бу хавф-хатарни паст баҳолади. Аммо кейинроқ жангларга раҳбарликни ўз қўлига олди. Сўғд ва Бактрия зодагонлари билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилди. Маҳаллий зодагонларнинг 30 нафар вақилига нисбатан ўлим жазоси бекор қилинди. Йирик ер эгаларининг имтиёзлари тасдиқланди. Милоддан аввалги 327 йилнинг баҳорида Искандар Сўғдиёнада қаршилиқни тор-мор қилди. Маҳаллий ҳуқумдор Оксартнинг қизи Роксанага уйланиб, сўғд зодагонлари билан иттифоқини мустаҳкамлади”⁹.

7 Гафуров Б., Цибукидис Д. Александр Македонский и Восток. — Москва: «Наука», 1980. — С. 456.

8 Шахермайр Ф. Александр Македонский. — Ростов-на-Дону: Феникс, 1997. — 576 с. — ISBN 5-85880-313-X.

9 Шофман А. С. Восточная политика Александра Македонского. — Казань: Издательство КГУ, 1976. — 528 с.

Милоддан аввалги 329 йилда Навтакадан сўнг юнонмакедон қўшинлари Суғдиёнанинг пойтахти Самаракандага юриш қилиб уни эгаллади. Шундан сўнг шаҳарда кичик горнизонларини қолдириб шимолий-шарққа томон ҳаракат қилди. Худди шу пайтда Бактрия ва Суғдиёна худудларида ҳам Александрга қарши қўзғолонлар бошланиб кетади. Спитаман бошчилигидаги қўзғолонни бостириш учун саркарда Фарнух бошчилигидаги қўшинларни жўнатди. Фарнух бошчилигидаги Мароқандага юборилган қўшинлар Спитамен томонидан мақлуб этилди. Александрнинг ўзи асосий кучлари билан Суғдиёнага қайтишга мажбур бўлди. Суғдиёнанинг деярли барча аҳолиси Спитамен томонида бўлиб, унинг ғалабаларига қатта умид боғлаган эди. Милоддан аввалги 327 йилнинг охирида Суғдиёнадаги қўзғолоннинг сўнгги ўчоқлари ҳам бостирилди. Юнон-македон босқинчиларига қарши уч йил давомида кураш олиб борар экан, Ўрта Осиё халқлари мислсиз жасорат намуналарини кўрсатдилар. Улар юнонлар уйлаганидек, “варварлар” ва маданиятдан орқага қолган эмас, балки ўз даврининг юксак ҳарбий санъати ва маданиятига эга эканликларини намойиш этдилар. Александр Қўшинлари бутун Шарқ давлатларини ўзларига буйсундирганларида Суғдиёна ва Бактриядаги каби қаттиқ қаршилиққа учрамаган эдилар. Бу Александр тарихини ёзган кўшгина қадимги давр тарихчилари томонидан ҳам қайд этилган¹⁰.

Александр Македонскийнинг давлат бошқаруви тизими: Ўрта Осиё давлатларини бошқариш ваколати ахамонийлардан, юнон истилочиларининг қўлига ўтди. Аммо тўхтовсиз, қаршилиқлар, норозичилиқлар ва уларга қарши қаратилган кескин қўзғолонлар сабаб Александр Ўрта Осиёнинг эгаллаб олинган худудларини бошқаришда маҳаллий амалдорларни ҳам жалб этишга мажбур бўлди. Хусусан, “Сатрап лавозимини эгаллаган, унга содиқлигини билдирганларни вазифасида қолдирган. Аммо барча ҳолатларда сатрап фақат фуқаролик кучига эга бўлган. Барча ҳарбий ваколатлар ушбу худудларга тайинланган юнонларга берилган”¹¹.

Манбаларда қайд этилишича, “Суғдиёна, Бахтрия, Марғиёна ва Парфия Александр давлатига қўшилиб, кейинчалик уларнинг худудида айрим юнон-македон давлатлари вужудга келади. Шарққа қилган юришлар тугаганидан сунг Александр бу худудларда барпо этган ўз салтанатида Ахамонийлар давлат бошқарувидаги идора-тартиб усулларини ўзгартирмади. Яъни, сатраплик бошқаруви ва солиқларни йиғиб олиш тизими ўзининг илгариги тартибини сақлаб қолган. Ўрта Осиёда истило этилган вилоятлар ва шаҳарларни бошқариш учун юнон-македон саркардалари билан бирга маҳаллий раҳбарлар ҳам жалб этилган. Хусусан, Александр даврида маҳаллий аҳоли вакилларида Артабоз Бактрияда, Оксарт ва Хориен Суғдиёна вилоятларига раҳбарлик (хокимлик) қилган.

10 Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., “Шарқ”, 2000.

11 Stringfellow B. The Will of Zeus. A history of Greece from the origins of Hellenic culture to the death of Alexander. N.Y.: Dell, 1961. P. 408.

Александрнинг харбий юришлари Шарқ ва Ғарб ўртасидаги кенг савдо-сотик ва маданий алоқаларнинг ривожланишига олиб келди. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзгариши натижасида маҳаллий ва юнон маданиятининг қўшилиш жараёни бошланади. Бу жараённинг таъсирини моддий маданиятнинг ривожланишида, қурилиш ва меъморчилик, кулолчилик ва тасвирий санъат, янги ёзувларнинг тарқалиши, тангашунослик ҳамда диний эътиқодларда кўриш мумкин. Юнонлар ўз навбатида қадимги Шарқнинг жуда кўплаб маданий ютуқларини қабул қилдилар ҳамда маҳаллий аҳоли маданиятига ҳам таъсир ўтказдилар. Александр давридан бошлаб, бир неча асрлар давомида Шарқнинг сиёсий тарихи (давлат тизими, бошқарув усуллари, қонунлар ва ҳуқуқ)да турли анъаналарнинг қўшилиб ривожланганлигини кузатиш мумкин.

Машхур антик давр тарихчиси Квинт Курций Руфнинг фикрига кўра, “Александр босиб олинган ҳудудларнинг урф-одатларини қабул қилган ва эътиқодларини ҳурмат қилган, айрим ҳудудларга шоҳлар ва ҳукмдорларни ҳоким сифатида қолдирган”¹².

Умуман олганда, Александр Македонский Ўрта Осиёда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий амалдорларга айрим имтиёзлар бериб, уларни ўз томонига оғдириш сиёсатини олиб борди ва ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг турли воситалаидан фойдаланди.

Хусусан, Роксанага уйланишининг сабаби “маҳаллий аристократияни ифодаловчи муҳим шахс эди. У билан турмуш қуриш Ўрта Осиё аҳолиси билан иттифоқини ҳамда минтақада ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун Ўрта Осиё зодагонларининг босқинчиларга бўлган муносабатини ижобий томонга оғдириш эди”¹³.

Шунингдек, Александр милоддан аввалги 324 йилда Суза шаҳрида ўн мингта юнон-македон аскарларини маҳаллий аёлларга уйлантиради. Александрнинг ўзи ва саркарда Гестеион Доро III нинг қизларини ҳамда саркарда Салавка Спитаманнинг қизи Апамани хотинликка олди.

А.Сағдуллаевнинг фикрича, бундай ёндошув аниқ сиёсий мақсад – янги давлатчилик барпо этиш ғояси билан боғланган эди. Бу давлат фақат турли халқларнинг сиёсий бирлашмаси бўлибгина қолмай, балки келажакда юнонлар ва Шарқ зодагонлари қон-қариндошлиги ворислигига таянган давлатга айланиши режалаштирилган¹⁴.

Археолог Клод Рапиннинг ёзишича, “Александр даврида барча халқлар учун дин эркинлиги сақланиб қолди. Уша пайтда Бактрия ва

12 Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре / Отв. ред. А. А. Вигасин. — 2-е изд., испр. — М., Издательство МГУ, 1993. — 464 с.

13 С. Rapin, On the way to Roxane 2: Satraps and hyparchs between Bactra and Zariaspa-Maracanda, in: Johanna Lhuillier, Nikolaus Boroffka (ed.), A Millennium of History: The Iron Age in southern Central Asia (2nd and 1st Millennia BC), (Archäologie in Iran und Turan, Bd 17; Mémoires de la Délégation archéologique française en Afghanistan, vol. 35). Berlin: Dietrich Reimer Verlag, 2018, p. 257-298. <https://fergana.media/articles/112099/>.

14 Сағдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006.

Сўғдиёнада зардуштийлик асосий роль ўйнаган ва бир вақтнинг ўзида македонияликлар томонидан киритилган юнон дини билан бирлаштирилган¹⁵.

Александр ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Ўрта Осиёда кўплаб таянч нуқталар, маъмурий марказлар барпо этган. Хусусан, манбаларда Александрия Эсхата, Александрия Арива (Ҳирот), Бактрия Александрияси, Марғиёна Александрия (Марв), Окс бўйидаги Александрия (Кўлоб ёки Термиз атрофларида) каби шаҳарлар эслатиб ўтилади.

Хусусан, Клод Рапиннинг мақоласида Александр Македонский томонидан барпо этилган маъмурий иншоотлар, ҳарбий истехкомлар ҳақида фикр юритилган. Унинг фикрига кўра, Искандария жойлашган минтақа, эҳтимол, Шерабаддарё (Сурхондарё вилояти Амударёнинг ўнг irmoғи), Кампиртепа (Сурхондарё вилояти Музрабод туманининг замонавий қишлоғидан 1,5 километр узоқликда) ва Дарбанд ғарбидаги темир дарвозага олиб борувчи тоғ этакларига тўғри келади. Кампиртепадан бир неча юз метр ғарбда Окс яқинида Искандарияга асос солган. Агар Едвард Ртвеладзенинг фаразлари тўғри бўлса, Кампиртепа аҳоли пункти, эҳтимол, Кампиртепадан 30 км Шарқда жойлашган қадимий Термиз шаҳрига тўғри келалиди. Бу шаҳарлар ҳар доим ҳам археологик жиҳатдан муҳим изларни қолдирмаган. Чунки босқиндан кейин Марказий Осиёда ҳар доим танланган жойда барқарор жойлашишга имкон бермайдиган кучли сиёсий ҳаракатлар бўлиб тўрган.

Александр Македонскийнинг Шарққа юришлари нафақат ҳарбий-сиёсий, балки давлатчилик ва ҳуқуқий тизимларнинг трансформацияси нуқтаи назаридан ҳам муҳим тарихий жараён бўлди. Ўрта Осиё ҳудудлари, хусусан Бактрия, Сўғд, Марғиёна ва Парфия Александр салтанати таркибига қўшилиши натижасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ҳуқуқий анъаналар юнон давлатчилик модели билан ўзаро таъсирга киришди.

Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёда кучли қаршиликка дуч келиши Ўрта Осиёда маҳаллий зодагонларнинг давлат бошқарувига жалб этишга мажбур қилди. Бу сиёсат марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва маҳаллий аҳолининг содиқлигини таъминлашга қаратилган эди.

Александр Македонский давлатида ҳуқуқ тизими: Таҳлиллар Александр Македонский давлатининг ҳуқуқ тизими босиб олинган ҳудудларда ҳам бевосита Афинада жорий этилган ҳуқуқ тизими билан деярли бир хил бўлганлигини кўрсатади.

Хусусан, Рим тарихчиси Куртиуснинг таъкидлашича “Македонияда суд ишлари халқ мажлисида кўриб чиқилган. Ҳарбий юриш пайтида армия йиғилишида кўрилган. Қирол суд ишларини кўришда прокурор ва-

15 C. Rapin, On the way to Roxane 2: Satraps and hyparchs between Bactra and Zariaspa-Maracanda, in: Johanna Lhuillier, Nikolaus Boroffka (ed.), A Millennium of History: The Iron Age in southern Central Asia (2nd and 1st Millennia BC), (Archäologie in Iran und Turan, Bd 17; Mémoires de la Délégation archéologique française en Afghanistan, vol. 35). Berlin: Dietrich Reimer Verlag, 2018, p. 257-298. <https://fergana.media/articles/112099/>.

зифасини бажарган. Аммо Қирол томонидан содир этилган жиноятлар кўрилмаган. Бунга Клитнинг Александр томонидан ўлдирилишини мисол қилиш мумкин. Буни Александрнинг ўзи тан олди ва қилмишидан пушаймон бўлди, лекин ҳеч қандай қонуний оқибатларга олиб келмади”¹⁶. Шунингдек, Александр Македонский томонидан босиб олинган ҳудудларда ҳам Суд ишлари шу тартибда, кўпроқ армия йиғилишида кўрилган.

“Афинада ҳам Суд қарори устидан шикоят қилинмаган, аммо ёлғон гувоҳлик, тухмат бўйича ишни қайта очишган ва ҳатто қарорни ўзгартиришган. Македонияда, бошқа монархияларда бўлгани каби, қиролнинг ҳукми якуний эди, чунки ҳеч бир Суд судяси ёки муассасаси юқори ўринни эгалламаган”¹⁷.

“Олимларнинг қайд этишича Искандар давлатида қироллик ва ҳуқуқ муносабатлари бўйича Аррианнинг манбалари мос келади. Унинг қарашларида Македония халқини Номос (қонун) билан бошқаради, деб таъкидлаган. Аммо айрим тарихчиларнинг фикрига кўра, номослар куч билан ёзиллиши мумкин эди. Бундан ташқари ёзилмаган, одат ҳуқуқлари ҳам мавжуд бўлган”¹⁸. Яна бир манбада “Қирол македонияликларни куч билан эмас, балки ақл билан бошқарганлиги, қонун устиворлиги таъминлангани ҳақида ёзилган”¹⁹.

Яна бир манбада қайд этилишича, “Қирол жиний жавобгарликка тортишдан иммунитетга эга бўлган”²⁰. Бошқа манбада эса “Македония қироллари қонунни бузганларида Олий ҳокимият олдида жавобгар эмас эдилар. Бунинг сабаби шундаки, уларга нисбатан қонунни қўллаш олади-ган институти йўқ эди”²¹.

Азамат Зиёнинг фикрига кўра, Александр босиб олган ҳудудларда унинг бошқарув фаолияти дастлаб Грециянинг айрим демократик анъаналарига (ҳарбий йўлбошчилар кенгаши, қўшинлар йиғини) асосланган эди. Қўшинлар йиғинида суд ишлари кўриб чиқилиб, жиноят ва жазо масалалари қатъий муҳокама қилинган. Жиноят турлари ичида энг оғирлари подшоҳга қарши фитна, хиёнат, исёнга даъват этиш ҳисобланиб, ушбу ҳаркатлар учун ягона – ўлим жазоси белгиланган. Қатл этиш ҳақидаги қарор қўшинлар йиғинида қабул қилинган”²².

Умуман олганда, Александр Македонскийнинг давлати ва ҳуқуқ тизими ўз даврига хос, аммо ўша вақтда мавжуд бўлган бошқа давлатлар-

16 Curt. 8.2.12. The Clitus affair: e.g. Carney 1981; Alonso 2007. Many scholars view the decree as authentic, although O’Neil (1999b, 34–35, 38) doubts it on the basis of the unnecessary assumption that it would have had to follow a trial of the dead Clitus; cf. Bauman 1990, 139.

17 For useful recent surveys of views of Macedonian monarchy, including references to earlier literature, see Borza 1990, 231–52; Møller 2003, 17–21; King 2010. Middle position: e.g., Griffith in Hammond and Griffith 1979, 2: 385–386; Mooren 1983.

18 For the absence of a written judicial code in Macedonia, see, e.g. O’Neil 2000, 242 with n4. All references to Arrian are to the *Anabasis*.

19 Errington 1978, 80–83, followed by Bosworth 1980–1995, 2: 84. For the following see also Müller 2003, 22–26.

20 See also Carlier 2000, 265; Anson 2008.

21 Curt. 6.11.20; 8.8.18. Cf. Curt 6.6.2 on Alexander’s ignoring his native traditions and practices.

22 Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., “Шарк”, 2000.

нинг давлат ва ҳуқуқ тизими билан таққослаганда анча илғор бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Чунки мамлакатда ўрнатилган тартиб натижасида Александр Македонскийга дунёнинг катта қисмини эгаллаб олишига имкон берган.

Таҳлилар ва тарихий манбаларга асосланиб айтиш мумкинки, Александр Македонскийнинг яқин ва узоқ давлатларни эгаллаб ўлкан империяга асос солишига нафақат унинг ҳарбий қудрати, босиб олинган давлатлардаги айрим ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кучларнинг Александр Македонскийга ён босиши ҳам сабаб бўлган. Бу Александр Македонскийнинг давлат бошқаруви ва ҳуқуқ тизими қайсидир маънода адолат мезонига асосланган бўлиши эҳтимолини ангалатади.

Александр Македонский ҳаётининг сўнгги йилини ўзи тузган йирик империяни тинчлантириш билан ўтказди. “Милоддан аввалги 324 йилда у ўзининг улкан империясининг пойтахти сифатида танлаган Бобилга кетди. Кейинги фатҳларга чанқоқ бўлган буюк саркарда ҳали ҳам кейинги юришлар учун режалар тузаётган эди. Александр Осиёликларга асосланган катта флотни яратишни буюрди. Аммо Александр Македонский милоддан аввалги 323 йилда қаттиқ иситма хуружидан йиқилиб, бир неча кун ичида тўсатдан вафот этди”²³.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Александр Македонский учта қитъадаги ҳудудларни бирлаштирган юнон ва Шарқ бошқаруви ананалари уйғунлашган нисбатан самарали давлат бошқаруви тизимини яратишга эришди. У босиб олинган ҳудудларга ижтимоий тартибини ўзгартирмади, маҳаллий зодагонларга имтиёзлар берди. Ҳарбий ва молиявий масаларга тегишли ваколатларни ўз қўлида сақлаб қолган бўлсада, эгаллаб олинган ҳудудларга чекланган бўлсада мустақиллик берди. Мамлакатда тичлик ўрнатишга ҳаракат қилди, аммо империя ҳудудининг ҳаддан ташқари йириклиги, мамалакатларнинг бир биридан узоқлиги, у ерларда маҳаллий низоларни бутунлай тўхтатишга имкон бермади.

Тарихий манбалар Александр Македонскийнинг давлат бошқаруви ва ҳуқуқ тизими кейинчалик бошқа далаатлар учун асос бўлганини ҳам кўрсатади. Унинг давлат бошқаруви тизимининг шаклланишига ўз даврининг таниқли мутафаккирлари, файласув ва тарихчиларининг ўрнини алоҳида қайд этиш лозим. Александр Македонский тарихга енгилмас қўмондон, доно ҳукмдор жасур жангчи, сифатида из қолдирган. Александр Македонский шубҳасиз жаҳон тарихида алоҳида аҳамиятга эга шахс.

Буни нафақат бевосита Александр Македонский даврида яшаган тарихчилар томонидан қайд этилган манбалар, балки кейинчалик олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Ўрта асрларда урф бўлган Ҳамса дostonларидан бирининг Александр Македонскийга бағишланиши ҳам унинг шахси ҳақида тасаввур қилишга имкон

²³<https://zaochnik-com.com/spravochnik/istorija/istorija-vostoka/imperija-aleksandra-makedonskogo/>.

беради. Гарчи Ҳамса достони бадиий асар ҳисобланиб, айрим бўрттиришларни, ташбехларни талаб қилсада, қисман бўлсада ҳақиқатга асосланганига ишониш мумкин.

Александр давлат ҳокимиятини шахсий монархия асосида амалга оширди. У амалда қонун чиқарувчи, олий судья, олий ҳарбий қўмондонлигини сақлаб қолди. Шу билан бирга, у ўзини маҳаллий анъаналарга мувофиқ равишда “қонуний ҳукмдор” сифатида кўрсатишга интилди.

Ўрта Осиёда маҳаллий ва юнон ҳуқуқининг уйғунлигини таъминлашга эътибор қаратди. Мисол учун, суд ишларида хусусан, фуқаролик ишларида маҳаллий урф-одат ва анъаналар ҳисобга олинди. Юнон ҳуқуқ нормалари асосан ҳарбий муносабатларда қўлланилди. Юнон-македон аҳолиси ва маҳаллий халқ ўртасида ҳуқуқий тенгсизлик мавжуд бўлган бўлса-да, маҳаллий зодагонлар давлат ишларига жалб этилди.

Александр Македонский даврида Ўрта Осиё ҳудудида давлат ва ҳуқуқ масалалари ҳарбий зўравонлик билан эмас, балки маъмурий мослашув ва ҳуқуқий уйғунлашув орқали ҳал этилди. Ўрта Осиёда Александр томонидан жорий этган давлат ва ҳуқуқ тизими маҳаллий ва юнон давлат ва ҳуқуқ аналарининг ўзаро синтезлашуви асосида ташкил этилди.

Аmmo у тўғрисида янада ишончли маълумот олиш янги археологик тадқиқоқлар олиб боришни талаб қилади. Янги топилган манбаларга асосланиш Александр Македонскийнинг давлат бошқаруви усули, ҳуқуқ тизими ҳарбий юришлари, у томонидан барпо этилган иншоотлар ва у ҳукмронлик қилган йилларда амалга оширилган бошқа ишлар ҳақида аниқ ва ишончли манбаларга асосланиб, асосли хулосалар қилишга имкон беради.

Резюме

Ушбу мақолада асосий эътибор Александр Македонский даврида Ўрта Осиёда давлат ва ҳуқуқ масалаларини ёритиб беришга қаратилган. Мазкур мавзу юзасидан миллий, хорижий ва антик давр тарихчилари томонидан билдирилган фикрлар, илмий тадқиқот ишлари, мавзуга оид мақолалар ўрганилиб, таҳлил қилинган. Мақолада Александр Македонский ҳақидаги айрим манбалар афсоналаштирилгани, баъзи ўринларда у тўғрисидаги бадиий ёндашувлар кейинчалик расмий манба сифатида талқин этилгани ва бошқа эҳтимолий камчиликлар инобатга олинган ҳолда у ҳақида ёзилган тарихий ва замонавий манбалар ўрганилиб, ҳақиқатга мос келадиган маълумотларга асосланилган ҳолда ёритиб берилган. Мақолада Александр Македонский даврида Ўрта Осиё ҳудудида давлат ва ҳуқуқ масалаларидан ташқари ҳарбий юришлари, унинг ҳукмронлиги даврида барпо этилган иншоотлар ҳақида фикр юритилган. Ўрганиш натижаларига асосланиб, тегишли хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: Александр Македонский, Ўрта Осиё, Доро III, Спитамен, Бақтрия, Парфия, Марғиёна, Сатраплик.

В данной статье основное внимание уделяется освещению вопросов государства и права в Центральной Азии во времена Александра Македонского. Изучены и проанализированы мнения, научно-исследовательские работы, статьи высказанные отечественными, зарубежными и древними историками по данной теме. В статье говорится, что некоторые источники об Александре Македонском были мифологизированы, в некоторых местах художественные подходы к нему позже были истолкованы как формальный источник, а учитывая другие возможные недостатки, исторические и современные источники, написанные о нем, были изучены и освещены на основе информации, соответствующей действительности. В статье рассматривались военные походы Александра Македонского на территории Средней Азии, помимо вопросов государства и права, сооружения, возведенные в период его правления. По результатам исследования были сделаны соответствующие выводы.

Ключевые слова: *Александр Македонский, Средняя Азия, Дарий III, Спитамен, Бактрия, Парфия, Маргиана, Сатрапия.*

This article focuses on the coverage of state and legal issues in Central Asia during the reign of Alexander Macedonian. Opinions, research works, and articles on this topic by domestic, foreign, and ancient historians were studied and analyzed. The article explains that some sources about Alexander The Great were mythologized, in some places artistic approaches about him were later interpreted as an official source, and historical and modern sources written about him, taking into account other extreme shortcomings, were studied and illuminated based on factual information. The article reflected on the military campaigns of Alexander the great on the territory of Central Asia in addition to state and law issues, the structures erected during his reign. Based on the results of the study, appropriate conclusions were drawn.

Keywords: *Alexander Macedonian, Central Asia, Darius III, Spitamen, Bactria, Parthia, Margiana, Satrapy.*

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент, “Шарк”, 2000.
2. Гафуров Б., Цибукидис Д. Александр Македонский и Восток. – Москва: «Наука», 1980. – С. 456.
3. Гончарова Е. М. Александрия. Жизнеописание Александра Македонского / Издательство: Москва, 2005 г.
4. История Древней Греции (12 августа 2014).
5. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре / Отв. ред. А. А. Вигасин. – 2-е изд., испр. – Москва: Издательство МГУ, 1993. – 464 с.
6. Ковалёв С. Александр Македонский. – Ленинград: Соцэкгиз, 1937. – С. 115.
7. Мансур Алоуддин Шайх. Қуръони Азим. Мухтасар тафсири. – Тошкент: “Sparq”, 2019. – 992 б.
8. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006.
9. Уортингтон Й. Филипп II Македонский. – СПб.: Евразия, 2014. – С. 400. – ISBN ISBN 978-5-91852-053-6.
10. Шахермайр Ф. Александр Македонский. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1997. — 576 с. — ISBN 5-85880-313-X.
11. Шофман А. С. Восточная политика Александра Македонского. — Казань: Издательство КГУ, 1976. – 528 с.
12. Curt. 6.11.20; 8.8.18. Cf. Curt 6.6.2 on Alexander’s ignoring his native traditions and practices.
13. Curt. 8.2.12. The Clitus affair: e.g. Carney 1981; Alonso 2007. Many scholars view the decree as authentic, although O’Neil (1999b, 34–35, 38) doubts it on the basis of the unnecessary assumption that it would have had to follow a trial of the dead Clitus; cf. Bauman 1990, 139.
14. Errington. 1978, 80–83, followed by Bosworth 1980–1995, 2: 84. *For the following see also Müller 2003, 22–26.*
15. For the absence of a written judicial code in Macedonia, see, e.g. O’Neil 2000, 242 with n4. All references to Arrian are to the Anabasis.
16. For useful recent surveys of views of Macedonian monarchy, including references to earlier literature, see Borza 1990, 231–52; Мьller 2003, 17–21; King 2010. Middle position: e.g., Griffith in Hammond and Griffith 1979, 2: 385–386; Mooren 1983.
17. <https://zaochnik-com.com/spravochnik/istorija/istorija-vostoka/imperija-aleksandra-makedonskogo/>.
18. O’Brien J. M. Alexander the Great: The Invisible Enemy. — N. Y.: Routledge, 1992. – С. 336.

19. Rapin C. On the way to Roxane 2: Satraps and hyparchs between Bactra and Zariaspa-Maracanda, in: Johanna Lhuillier, Nikolaus Boroffka (ed.), *A Millennium of History: The Iron Age in southern Central Asia (2nd and 1st Millennia BC)*, (*Archäologie in Iran und Turan*, Bd 17; *Mémoires de la Délégation archéologique française en Afghanistan*, vol. 35). – Berlin: Dietrich Reimer Verlag, 2018. – P. 257-298. <https://fergana.media/articles/112099/>.

20. Stringfellow B. *The Will of Zeus. A history of Greece from the origins of Hellenic culture to the death of Alexander*. N.Y.: Dell, 1961. P. 408.

МУНДАРИЖА

Долзарб мавзу

Абдухалимов Б. Учинчи Ренессанс – ўтмишдан келажакка
олиб борувчи улуғвор ғоя 3

Санъатшунослик ва музейшунослик

Акилова К. Ислом дунёси маънавий маконида интеграцион алоқалар
(*Ислом цивилизацияси маркази музейи материаллари асосида*) 8

Қаршиева Г. Фарҳод – “ошиқ”: Алишер Навоий тасвири ва
мусаввир талқини..... 17

Асқарова З. Ўрта аср Шарқ миниатюрасида ишқ ва тасаввуф:
лирик-романтикликнинг визуал ифодаси 33

Муродова Р. Жаҳонда ботаника музейларининг шаклланиши ва
Ўзбекистон тажрибаси 39

Тарих

Якубов Қ. Бошвазирлик Усмонли архиви дипломатик алоқалар
тарихини акс эттирувчи маданий репозиторий сифатида: хужжатлар
таснифи ва аҳамияти 53

Филология

Содиқов Қ. «Қутадғу билиг» маснавийсининг
Наманган кўлёмаси 62

Ҳазраткулова Э. Ҳирот адабий муҳити: талқин ва қиёс
(В.Бартольд ва Е. Бертельс тадқиқотлари мисолида)..... 78

Давлат ва ҳуқуқ

Умидуллаев Қ. Александр Македонский даврида
Ўрта Осиё ҳудудида давлат ва ҳуқуқ масалалари 86

СОДЕРЖАНИЕ

Актуальная тема

Абдухалимов Б. Третий Ренессанс — величественная идея, ведущая от прошлого к будущему 3

Искусствоведение и музееведение

Акилова К. Интеграционные связи в духовном пространстве исламского мира (по материалам Музея Центра исламской цивилизации) 8

Каршиева Г. Фархад – «Возлюбленный»: образ, созданный Алишером Навои и интерпретация художника 17

Аскарова З. Любовь и суфизм в средневековой восточной миниатюре: визуальное выражение лирико-романтического начала 33

Муродова Р. Формирование ботанических музеев в мире и опыт Узбекистана 39

История

Якубов К. Османский архив при Премьер-министре как культурный репозиторий, отражающий историю дипломатических отношений: классификация документов и их значение 53

Филология

Садиков К. Наманганская рукопись *маснави* «Кутадгу билиг» 62

Хазраткулова Э. Литературная среда Герата: интерпретация и сравнение (на примере исследований В.Бартольда и Е.Бертельса) 78

Государства и права

Умидуллаев К. Проблемы государства и права на территории Средней Азии в период Александра Македонского 86

CONTENTS

Topical Issue

- Abdukhalimov B.** The Third Renaissance is a grand idea that leads from the past to the future.....3

Art History and Museum Studies

- Akilova K.** Integrative Connections in the Spiritual Sphere of the Islamic World (Based on the Materials of the Museum of the Center of Islamic Civilization)8

- Karshieva G.** Farhad – “The Lover”: Alisher Navai’s Imagery and Artist’s Interpretation.....17

- Askarova Z.** Love and Sufism in Medieval Eastern Miniature Art: The Visual Expression of Lyrical Romanticism33

- Murodova R.** The Formation of Botanical Museums Worldwide and the Experience of Uzbekistan39

History

- Yakubov Q.** The Prime Minister’s Ottoman Archives as a Cultural Repository Reflecting the History of Diplomatic: Classification of Documents and Their Significance53

Philology

- Sadiqov Q.** The Namangan Manuscript of the *Masnavi Qutadghu Bilig*62

- Hazratqulova E.** Hirat Literary Environment: Interpretation and Comparison (on the Example of the Research of W. Barthold and E. Bertels)78

State and Law

- Umidullayev Kh.** Issues of State and Law in the Territory of Central Asia during the Period of Alexander Macedonian86

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

Б.А. Абдуҳалимов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, тарих фанлари доктори, профессор.

К.Б. Акилова – Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

Г.А. Қаршиева – Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи директори, филология фанлари номзоди, доцент.

З.А. Асқарова. Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти докторанти, Шарқ миниатюра санъати музейи катта илмий ходими, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Р.Д. Муродова – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи мустақил изланувчиси.

Қ.К. Якубов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари доктори.

Қ.П. Содиков – Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филология фанлари доктори.

Э.Б. Ҳазратқулова, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Қ.У. Умидуллаев. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети катта ўқитувчиси, юридик фанлар доктори (DSc).

Лицензия издательства AI №266, 15.07.2015 г.

Изд. №1-78. Сдано в набор 25.08.2025. Подписано в печать 23.09.2025.

Формат 70x108 $\frac{1}{16}$. Гарнитура "Times New Roman". Печать офсетная.

Бумага офсетная.

Усл.-печ. л. 6. Уч. – изд. л. 6. Тираж 95.

Цена договорная.

Отпечатано в типографском отделе Издательства "Фан" АН РУз. Заказ №14.
100047, Ташкент, ул. Я. Гулямова, 70.